ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Т.Ш. ҚОДИРОВ, Д.И. АЛИЕВ

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ

علم اللغة العربية

Тошкент 2010

Араб лексикологиясига бағишланган мазкур қўлланма араб грамматикаси асосларини эгаллаётган талабаларни араб лексикологиясининг назарий-амалий масалалари ва вазифалари билан таништиради. Шунингдек, китоб араб лексикографиясининг пайдо бўлиш тарихи, бунда замонавий араб адабий тили луғати ва лугат бойлигининг даврлари ёритилади, бошқа тилшунослик фанлари орасида лексикология фанининг ўрни, чет тилларини ўрганишда унинг аҳамияти ҳамда бу фаннинг йўналишлари, бўлимлари ва ўрганилаётган тилнинг лексикографияси ҳақида маълумот беради.

Қўлланма Тошкент давлат шарқшунослик институти 5220100-филология (араб тили) бакалавриат йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Муаллифлар: ***Т.Ш.Қодиров*** *– филология фанлари номзоди, Араб филологияси кафедраси доценти*
Д.И.Алиев *– "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", Араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси*

Тақризчилар: ***О.Мусаев*** *– Тошкент ислом университети Шарқ тиллари кафедраси катта ўқитувчиси*
З.Олимжонова *– ТошДШИ Араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси*

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№4, 12.04.2010).

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010

КИРИШ

Ўзбек тили – ўзбек халқининг миллий тилидир.

Ўзбек тили Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг тили ҳисобланиб, улар ўз асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига беқиёс ҳисса қўшганлар. Дунё халқларининг узоқ тарихий жараёнлардаги ўзаро муносабатлари, турли соҳалардаги алоқалари табиийки, тилларнинг бойишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, ўзбек халқининг араб олами халқлари билан азалий мустаҳкам алоқалари ўлароқ ўзбек тилига 50% дан ортиқ араб сўзларининг ўзлашишига сабаб бўлган. Шу боис кўплаб мумтоз шоирларимиз, машҳур қомусий олимларимиз икки тилда, яъни ўзбек ва араб тилида ижод қилганлар. Улар ذو اللسانيْن ("икки тил эгаси") муаллифлар деб аталган. Шу нуқтаи-назардан қараганда араб тилини ҳамда ўзбек тилини ўрганишда, уни тадқиқ этишда араб сўзларининг келиб чиқишини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Бу вазифани ҳал этишда лексикология фанининг имконияти чексиздир.

Бу қўлланмани яратишдан мақсад араб сўзларининг этимологияси – келиб чиқиши, ясалиши ва уларнинг қўлланиш ўринлари ҳақида маълумот беришдан иборат.

Келгусида араб тилидан мутахассис бўлиб етишадиган ёшлар албатта ўзлари ўрганаётган тилнинг пайдо бўлишидаги турли муҳим қирраларини билмоқликлари талаб этилади. Мазкур қўлланма бу соҳада талабаларга яқин ёрдамчи бўлади, деган умиддамиз.

Китобда иложи борича талабаларга тилшуносликнинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланган лексикология фанидан кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бунда айниқса, лексикология фанининг бошқа – фонетика, морфология, семасиология, ономасиология, моносемия, полисемия, омонимия, синонимия, антонимия, паронимия ва бошқа йўналишлар билан бўлган алоқадорлиги очиб берилди. Шунингдек, ҳар бир мавзу маъносини талабаларга етказишда мазкур мавзу ҳақида кўплаб араб ва рус лексиколог – олимларнинг фикрларини, мулоҳазаларини талабаларнинг диққатига ҳавола этдик. Берилаётган билим тизимли ва тушунарли бўлиши учун ҳар бир мавзуга "Дарснинг ўқув мақсади", "Таянч иборалар", "Асосий саволлар" ва "Фойдаланилган адабиётлар" берилди.

Қўлланманинг асосий қисмини муҳим ҳисобланган "Араб тилида сўз ясаш жараёни", "Сўз ясаш тизимида феълнинг ўрни", "Иқтибос – сўзни ўзлаштириш", "Араб тилининг атамашунослик масалалари", "Араб луғатшунослиги" маърузалари эгаллади. Шунингдек, талаба-

ларнинг ўзбек тилига ўзлашган араб сўзлари ҳақида ҳам бироз маълумот бериш мақсадида "Ўзбек тилига ўзлашган араб сўзларининг семантик хусусиятлари" мавзусини бердик.

Китобнинг охирига талабаларнинг мустақил таълимига доир мавзулар, жорий ва оралиқ назорат учун билет саволлари ҳамда қисқача лингвистик лугат ҳам илова қилинди.

Муаллифлар

Араб тилининг пайдо бўлиш тарихидан

Араб тили лексикологияси фанини ўрганишни бошлашдан аввал талабалар ана шу фаннинг ўрганиш обьекти ҳисобланган араб тили ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлари, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш даврлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари фойдадан холи эмас.

Талаба ва ўқитувчиларнинг ушбу маълумотларга эҳтиёжларини сезган ҳолда, биз араб тили пайдо бўлишининг илк даври ҳақида мўъжаз маълумот беришга қарор қилдик. Эҳтимол, бу маълумотлар талабаларга араб тили лексикологияси фанидан берилаётган билимнинг мукаммал бўлишига бироз бўлсада фойдаси тегиб қолар.

Ишончли манбаларда кўрсатилишича, араб тилининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш даври учга бўлинади:

Илк (классик ёки исломгача бўлган давр, жоҳилия даври милоднинг VII асри);

Классик давр (VII – XVIII асрлар);

а) Илк классик (VII – X асрлар);

б) Классик давр (X- XVIII асрлар);

Замонавий давр (XIX асрдан ҳозирги пайтгача);

Энг қадимги араб ёзуви ҳақида бизгача етиб келган лихян, семуд, саф, ан-нимар (эрамизнинг 328 йили), забад (эрамизнинг 512 йили) ёзувлари ҳисобланади. Унинг адабий формаси ислом дини пайдо бўлмасдан шаклланган (А.А.Ковалёв, Г.Ш.Шарбатов "Уч. ар. яз." 5-бет)

Кўплаб сақланган адабий ёдгорликлар классик даврга тўғри келади. Бу даврда, яъни классик даврда яратилган кўплаб асарлар асосан исломгача поэзия (шеърият) ҳисобланиб, у узоқ вақт оғзаки шаклда сақланган ва фақат VIII-IX асрларда араб филологлари томонидан ёзиб олинган.

Классик давр адабий мероси Қуръони Карим ҳисобланади. Юқоридаги адабий ёдгорликларда араб тили ўзининг грамматик тизимига эга бўлган, бой лексикага, қадимги араб тилига ва араб қабилалари лаҳжаларига асосланган тилга айланган эди.

Классик араб тили Ўрта ва Яқин Шарқ тилларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Араб истилоси сабабли ва ислом динининг тарқалиши билан араб тилининг аҳамияти Шарқда янада кучайди. Бу даврда араб тили Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг маданий ҳаётида халқаро тил ролини ўйнади. Араб тили Ўрта ва Яқин Шарқнинг кўплаб тилларига лексика соҳасида жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Турк, форс афғон (пушту) ва бошқа тиллар луғат бойлигининг 50-60 фоизини араб сўзлари ташкил этади.

Ҳозирги кунда Африка қитъасининг шимолида, Араб ярим оролида ва Олд Осиёдаги 22 та араб давлатларида – Мавритания, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Судан, Жибути, Сомали, Қамар ороллари, Саудия Арабистони, Яман, Уммон Султонлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Қатар, Кувайт, Иордания, Ироқ, Фаластин, Ливан, Сурияда араб тили давлат тили ҳисобланади. Араб адабий тили XIX асрда шакллана бошланди. Ҳозир араб адабий тили билан бир қаторда кўплаб маҳаллий диалектлар ҳам мавжуд. Энг кўп тарқалган диалектлардан Саудия Арабистони, Ироқ, Сурия, Миср, ва Мағриб лаҳжаладир. Араб адабий тилига энг яқини Сурия диалекти ҳисобланади. Араб адабий тилидан катта фарқ қилувчи диалект – бу Мағриб диалектидир. Ҳар бир диалект ўз навбатида бир неча шеваларга бўлинади. Лаҳжалар араб адабий тилига қараганда тор маҳаллий, ҳудудий аҳамиятга эгадир.

Араб адабий тили – давлат тили, ОАВ, адабий асарлар, фан, ягона ёзув ҳамда барча араб мамлакатлари учун расмий тил ҳисобланади. Бу тил араб халқлари бирлигининг тимсолидир. Лекин араблар турмушда асосан лаҳжадан фойдаланадилар. Турли араб мамлакатларининг халқлари суҳбатга киришганларида бир-бирларини жуда қийин тушунадилар. Арабларнинг халқ тили – العامية (лаҳжа) кундалик алоқа воситаси ҳисобланиб қолмасдан, у кино, театр, радио, телевидениеда ҳам кенг қўлланилади.

Араб тили сомий тиллар гуруҳига киради, унга яна Эфиопиянинг амҳар, тигре, қадимги яҳудий, иврит (Исроил), Малта тиллари ҳам киради. Сомий тиллари грамматикасида, луғат тизимида бир хиллик, ўхшашлик мавжуд. Бу тилларнинг барчасининг сўзлари асосан уч ундошли бўлиб, уларда аффиксация ривожланган.

Араб тилида бой адабий асарлар яратилган. "1001 кеча" асари бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Араб тилининг баъзи атамалари ғарбий ва бошқа тилларга, шу жумладан рус тилига ҳам ўзлашган. Масалан, адмирал, алгебра, азимут, маскарад, тариф, зенит, эмир, ҳалва сўзлари шулар жумласидандир.

Араб тилининг таъсирини ўзбек тилида ҳам кузатиш мумкин. Машҳур тилшунос олим Фотиҳ Абдуллаев ўзбек тилидаги арабизм ҳақидаги тадқиқот ишларида 55-60 фоиз араб сўзларининг ўзбек тилига ўзлашганлигини айтадилар. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган кўп шоир ва ёзувчилар араб ва форс тилларида ижод этганлар, улар "ذو اللسانين" (иккитиллик) ёзувчилар деб аталган.

Минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган бой маънавий меросимиз, асосан, араб ёзувидаги манбалар орқали етиб келган. Маълумки, бу

ёзув арабларнигина эмас, балки араб бўлмаган кўпгина шарқ халқларининг адабиёти ва фанида қўлланиб келган ҳарф-товушли ёзувдир. У қадимги финикий ёзувининг оромий тармоғидан келиб чиққан. Милоднинг III–IV асрларида шаклланиб, араб тилининг ифодаси учун қўллана бошлаган ва “араб ёзуви” номини олган. Оромий алифбосида 22 та ҳарф бўлган. Араблар бу алифбога 6 та янги товуш ҳарф (غ ظ ض ذ ح ث) қўшиб, 28 тага етказганлар. Ҳарфлар сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида ва алоҳида ёзилиш шаклларига эга. Улар ا (алиф), د(дол), ذ(зол), ر(ре), ز(зе), و(вов) бўлиб, сўз бошида ва сўз ўртасида қўшилиб ёзилмайди. Араб ёзувидаги 28 та ҳарфдан 18 таси мустақил график белгисига эга. Бошқа ҳарфлар устига ёки тагига қўшилган нуқталарнинг сонига қараб фарқланадилар. Араб алифбосидаги ҳарфларнинг деярли ҳаммаси ундош товушларни, фақат учтаси - ا (алиф), و (вов), ي(ё) унли товушларни билдириб келади. (“Вов ” ва “ё” ҳам унли, ҳам ундош вазифасини бажаради). Бу ёзувда унлиларни ифода қилиш учун ҳарфларнинг ост-устига қўйиладиган ҳаракатлардан фойдаланилади. Бироқ, араб ёзувида унлиларга ишора қўйилмаса ҳам, сўзлар сарфу наҳв қоидаларига кўра мазмунга мослаб ўқилаверади.

Эски ўзбек алифбоси араб ёзуви асосига қурилди. Ўзбек халқининг тарихда яратилган барча адабий ва илмий манбалар асосан, араб тилида битилди. Сақланиб қолган далилларга кўра Ўрта Осиё ҳудудида араб ёзувида битилган дастлабки ҳужжат Панжикент ҳукмдори Дивaштич томонидан Араб халифалигининг Хуросондаги ноиби Амир ал-Жарроҳ номига 719 йилда ёзилган мактубдир.

Араб ёзувининг VII асрдан XIV асргача шаклланган ва машҳур назариётчи хаттотлар томонидан эътироф этилган – куфий, сулс, насҳ, муҳаққақ, райҳоний, тавқиъ, риқо деб аталган етти услуби мавжуд. Айрим хаттотлар куфийни асосий услублар қаторига киритмайдилар. Чунки, улар кейинги олти услуб куфийдан ўсиб чиқиб шаклланган, деб ҳисоблайдилар. XIV аср охирларида юзага келган настаълиқ ва XVIII асрда пайдо бўлган шикаста хатларини ҳам баъзи хаттотлар араб ёзувининг асосий услубларига қўшадилар.

Ислом дини ва араб тилининг VII аср иккинчи ярмидан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарқдаги қатор ўлкаларга, кейинроқ эса Африка, жанубий Европа ва Осиёдаги кўп жойларга тарқалиши билан араб ёзуви ҳам биргаликда кириб борди. Натижада араб ёзуви ўша ўлкалардаги халқлар томонидан ўзлаштирилди ва маҳаллий тилларга мослаштирилган ҳолда қўллана бошланди.

Араб ёзуви Мовароуннаҳрга VII асрнинг иккинчи ярмида кириб келди. VIII аср бошларида араб хатида ёзилган ҳужжатлар сақланган.

Бу юқорида тилга олинган Панжикент ҳокими Диваштичнинг Араб халифалигининг Хуросондаги ноибига йўллаган мактубдир. Бу ҳужжат араб тилида ёзилган.

Маданий жиҳатдан ўзбек ва тожик халқининг ота-боболари ўз адабиёт ва маданиятларини араб тилида яратдилар. Машҳур маҳаллий олимлар ҳам ўз асарларини араб тилида ёздилар. Бу эса араб тилининг имкониятини янада юқорига кўтарди. Иккинчидан, араб тилининг бойлиги, ифодалилиги илмий терминлар яратишда анча қулай эди.

Араб ёзуви Мавароуннаҳрга кириб келгандан бошлаб XIII асрларга қадар бу ёзувда битилган бирорта туркий тилдаги ҳужжат, манба ҳозиргача маълум эмас. XIII асрга қадар мазкур ёзувдаги барча манбалар асосан араб тилида ва қисман форс-тожик тилида китобат қилинган.

XI аср бошларида Марказий Осиёда туркий халқ, қабила ва уруғларнинг йирик марказлашган давлати – Қораҳонийлар сулоласи ташкил бўлиши билан эски туркий тилнинг нуфузи ошди, унинг юксак адабий тил даражасига олиб чиқиш жараёнида қатор олим-у шоирлар етишиб чиқди. Буларга XI-XII асрларда ижод қилган Маҳмуд Қашғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ижодларини кўрсатиш мумкин. Бу муаллифларнинг асарлари ҳам ўзлари яшаб ижод этган XI-XII асрлар китобат тил маҳсулоти сифатида эмас, балки XIII асрдан бошлаб кўчирилган қўлёзмалар орқали етиб келган. Демак, араб ёзувида яратилган ҳозирги туркий қўлёзмалар китобатларининг тарихи XIII асрдан бошланади.

ДАРС №1

ЛЕКСИКОЛОГИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА ЛЕКСИКОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Лексикология фанининг тилшунослик тизимидаги ўзига хос ўрни, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, сўз-лексикологиянинг лексик бирлиги эканлиги, лексикология – сўзларнинг номинатив, яъни номланиш томонини ўрганадиган фан эканлиги, лексикология сўзнинг фақат ички томонининг маъноли таркибини ўрганиши, грамматикада сўз лексик – грамматик сўз ҳисобланса, лексикологияда у лексик-семантик (англатувчи) бирлик ҳисобланишини тушунтириш. Семасиология ва ономасиология маънолари ва ана шу соҳанинг тадқиқот обьектини очиб бериш.*

Таянч иборалар: Семасиология, антонимия, омонимия, ономасиология, синонимия, паронимия.

Асосий саволлар:

1. *Лексикология фани ҳақида маълумот.*
2. *Лексикология фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.*
3. *Лексикология сўзнинг ички тузилишини (таркибини) ўрганувчи фан.*
4. *Сўз – лексик-семантик бирлик.*
5. *Семасиология – ономасиология.*

1.1. Лексикология фани ҳақида маълумот

Лексикология – тил таркибини ўрганувчи лингвистиканинг бир қисмидир. Лексикология сўзи грекча "лексус" – сўз ва "логос" – сўз, фан, таълимот деган маъноларни англатади. Мазкур ибора сўзма-сўз таржима қилинганда "сўз ҳақидаги сўз", "сўз ҳақидаги фан" маъноларини англатади.

Шундан келиб чиқиб, лексикологиянинг асосий мавзуси сўз ёки тилнинг лексик бирлигидир. Лекин сўз нафақат лексикологиянинг мавзуси бўлмай, балки, у тилнинг асосий ўрнини эгаллайди.

Фонетика фани учун сўз – товушларнинг занжири (қатори), яъни у товушлар қобиғи ҳолос, у сўзларнинг маънолари билан шуғулланмайди. Фонетика нуқтаи-назари билан қараганда, сўз бу фонетик сўз ҳисобланади. Шундай қилиб, сўзлар фонетика хусусиятлари билан бир хил эмас. Сўзларнинг ташқи кўринишидан, яъни уларнинг талаффузидан маъноларни англаб бўлмайди. Бунинг учун уларнинг ички томонига – таркибига назар солиш керак. Иборалар алоҳида сўзлар-

дан тузилади, уларнинг асл моҳиятларини сўзлаш вақтида аниқлаш қийин. Морфология сўзни сўз туркуми сифатида ўрганади. Сўзлар сўз туркумларига бирлашади. От предметни, сифат предметнинг белгисини, феъл предметнинг иш-ҳаракатини билдиради. Турли сўз туркумларидаги сўзлар нафақат абстракт маънолари билан, балки, ўзига хос маънолари билан ҳам фарқланади. От турланади, феъллар тусланади, равишлар ўзгармайди. Шундай қилиб морфология сўзларнинг формал томонини ўрганади. Фонетика эса сўзларнинг товуш соҳасини, морфология эса унинг шаклий томонини ўрганади.

Сўз ҳақидаги тушунчанинг 3 томони очиб берилмаса, сўз ҳақидаги таъриф тўлиқ бўлмайди. Сўзловчи учун, биринчи навбатда, сўзнинг қандай маънони англатиши, улар қандай предметни, ҳодисани, хусусиятларни, иш- ҳаракатни англатишини билиши қийин. Бу масала билан лексикология фани шуғулланади.

Маълумки, араб сўзлари кўпинча ундош ҳарфлардан иборат бўлади. Ундош ҳарфлар муайян сўзнинг маъносини, қисқа унлилар эса, унинг турланиши (ўзгарган шаклини) ифодалайди. Лексикология ана шу ундош ҳарфлар англатган маънолар билан шуғулланади.

Лексикология сўзларнинг номенатив (лотинча "номинатио" – ном, номлаш) томонини ўрганади. Сўзларнинг номинатив бирлиги – унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Лексикология, асосан, сўзларнинг номланишига аҳамият беради. М: طَيَّارٌ сўзини олсак. Морфология фани бу сўзнинг ҳолати жинси, сони, келишиги каби грамматик томонларини аниқласа, лексикология эса бу сўз самолётни бошқарувчи киши яъни учувчи эканлигини кўрсатади. Сўзларни таҳлил қилишда биринчи ўринда мазкур сўзнинг индивидуал (алоҳида) ўз маъноси, яъни индивидуал семантик (грекча "семантикос" – англатувчи) маъноси туради. Сўзнинг индивидуал маъноси лексик маъно деб аталади.

1.2. Лексикология фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги

Шундай қилиб лексикология сўзнинг ички томонининг маъноли таркибини ўрганади. Сўз лексикология нуқтаи-назаридан лексик сўз дейилади. Агар грамматикада сўз лексик грамматик сўз ҳисобланса, лексикологияда у лексик – семантик бирлик ҳисобланади. Сўзларнинг бундай функциялари – вазифалари сўзнинг асосий номенатив маъносидан келиб чиқади. Шундай сўзлар борки, улар номенатив вазифани бажармайди, шунинг учун ҳам уларни лексикология фани ўрганмайди. Бундай сўзларга ёрдамчи сўзлар, اَلنِّداءُ ва сонлар киради. Ёрдамчи сўзлар гапдаги сўзларни ва гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилади. Бунда улар турли муносабатларни англатади.

Сон эса предмет сонини ва саноғини билдиради. Сонлар ҳеч қандай воқеликни (реалликни) англатмаганлиги учун улар билан грамматика фани шуғулланади.

Араб тилида олмошлар мураккаб мавзу ҳисобланади. أنا, من, أيٌّ, متى, حينما нутқда булар ёрдамида аниқ бир нарса – предмет маъноси кўринмайди. Олмошлар бошқа сўзлар билан бирга ишлатилади. Шунинг учун ҳам олмошларни лексикология фани ўрганмайди.

Шундай қилиб, лексикология фанини ўрганиш ва тадқиқот предмети – тилнинг номенатив бирлиги, яъни объектив борлиқнинг аниқ элементларини англатадиган сўзларни ўрганади. Бундай сўзлар сирасига от, сифат, феъл ва равишлар киради.

1.3. Семасиология ва ономасиология

Лексикологиянинг асосий вазифаларидан бири – сўзларнинг маъноси ва уларнинг қўлланишини ўрганишдир. Сўзларнинг маъноси ва қўлланилиши семасиология ва ономастика доирасига киради. Семасиология (грекча семасия-англатиш) – тил бирликларининг маъноларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Сўз – тил бирлигининг марказида туради. Сўзнинг маъноси масаласи семасиологиянинг муҳим масаласи ҳисобланади. Тил бирликларининг маъноларини ўрганувчи фан семантика деб аталади. Ономасиология (ономаталогия-грекча онома-ном) – аташ, номлаш, номинация ҳақидаги фан. Реал исмлар ясалишида ономасиология алоқа сифатида хизмат қилади. Масалан, جزار сўзи جزر – сўймоқ, кесмоқ феълидан, فعال вазнидан ясалган бўлиб, сўювчи, кесувчи – қассоб маъносини англатади. Шундай қилиб семасиология – сўзларнинг ички маънолари тартибини, ономасиология эса сўзларнинг татбиқ этиш томонларини ўрганади.

1.4. Сўз – лексик-семантик бирлик

Демак, сўзларни тилнинг лексик семантик бирлиги сифатида ўрганишда қуйидаги уч масалага эътибор бериш талаб этилади.

Сўз маънолари қурилиши (структураси). 2. Сўзларнинг семантик структураси (кўп маъноли). 3. Сўзларнинг қўлланилиши.

Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар. Бир маъноли сўзлар (моносемантик) фақат доимий бир маънони англатади. Масалан, طعام، جوعان каби. Кўп маъноли сўзлар семантик икки ёки ундан ортиқ (полесемантик) маъноларини англатади. كاد أحمد يطير من الفرح "Аҳмад хурсандчиликдан учаёзди"(учишига оз қолди). Бу мисолда طار – учмоқ феъли фақат қуш, самолётга ишлатилишидан ташқари инсон учун ҳам қўлланилиши кўрсатилган. Яъни, бу феълнинг полесемантик – кўп маъноли томони кўрсатилган.

Омонимия - омонимлар (грекча " homos" – бир хил, onyma – ном) ёзилиши ва талаффузи бир хил, аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан, باب – эшик, кириш, дарвоза, боб (китоблар), мақола, нав, боб (феъл боблари) каби маъноларни англатади.

Синонимия – синонимлар (грекча “ synonymos” – бир хил) шакли ҳар хил бўлсада, маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлар. جلس=قعد – ўтирмоқ, جيد=طيب – яхши, جميل=حسن – чиройли. Баъзан شاهد، رأى، نظر феъллари синоним сўз бўлсада, ишлатишда бир-биридан фарқ қилади. شاهد феъли кино, спектакл томоша қилмоқ маъносида келса, уни “Мен кеча Аҳмадни кўрдим” жумласидаги رأى феъли ўрнида ишлатиш мумкин эмас. Ёки نظر – қарамоқ, назар ташламоқ феълининг ҳам ўз ишлатиш ўрни бор. Шу учала феъл қўлланилганда иш-ҳаракатга кетган вақт нуқтаи-назаридан тафовутлар борлиги намоён бўлади. Масалан, رأى – “кўрди” маъносидаги феъл نظر “назар, разм солди” феълига қараганда иш-ҳаракат бироз кўпроқ вақт оралиғида содир бўлганини англатса, شاهد “кўрди”, “шоҳиди бўлди”, “томоша қилди” маъносидаги феъл ишлатилганда эса иш-ҳаракат унданда кўпроқ вақт ичида бажарилгани англашилади.

Антонимия – антонимлар (грекча “anti”– қарши) бир-бирига маъно жиҳатидан қарама-қарши сўзлардир. بعيد–قريب، يمين–يسار، نهار–ليل، اليوم–أمس، عجوز–شاب، صيف–شتاء

Паронимия – паронимлар (русча “пара” - жуфт) талаффузи бир-бирига яқин, аммо ёзилиши ва маъноси ҳар хил бўлган сўзлардир. دولة–دول، ماء–مياه، أم–أمهات

Назорат учун саволлар:

1. Сўз ҳақида тушунчанинг уч жиҳатини айтиб беринг.
2. Сўз нега лексик сўз дейилади?
3. Сўз тил бирликларининг маъносини ўрганувчи фан қандай аталади?
4. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзларнинг фарқини айтинг.
5. Лексикология арабчасига қайси иборалар ёрдамида номланган?

Адабиётлар

1. *Ахманова О.С. О фонетических и морфологических вариантах слова. –М.: Изд-ва. АН СССР. 1956.*
2. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975. –С.25-33.*
3. *Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно-историческом освещении. –М., 1963. –С.10.*
4. *ابن جني أبو الفتح "الخصائص" القاهرة 1956*

ДАРС № 2.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

(АРАБ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИ)

Дарснинг ўқув мақсади: *Лексикология – сўз тўғрисидаги билимлар мажмуи сифатида, лексикология тадқиқот маркази – тилнинг сўз заҳираси эканлиги, араб лексикологларининг араб лексикологиясига қўшган ҳиссалари ҳақида, ҳозирги араб лексикологияси ҳолати ҳақида тушунча бериш.*

Таянч иборалар: علم الفقه وعلم اللغة, лексикография, лексикология, صاحب في فقه اللغة وسنن العرب في كلامها, فقه اللغة وأسرار العربية

Асосий саволлар:

1. *Лексикологиянинг тадқиқот объекти.*
2. *Араб лексикологияси ҳақида умумий маълумот.*
3. *Араб лексикологиясининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган араб олимлари.*

2.1. Лексикология – алоҳида лингвистик фан сифатида

Тилшуносликка доир илмлар силсиласида лексикология махсус ўрин тутади. Лексикология – бу, бошқача қилиб айтганда, сўз тўғрисидаги билимлар мажмуи бўлиб, ўзимизнинг сўзларимиз билан ифода этсак, сўзшуносликни англатади. Лексикологиянинг тадқиқот мавзуси эса муайян тилнинг сўз заҳирасидир. Шу тил заҳирасидаги барча сўзларнинг тоифаларини фарқлаш, ҳар тоифа ичидан гуруҳларни ажратиш, ҳар бир гуруҳ ичидаги шаҳобчаларни фарқлаш, уларнинг шаклларини ажратишдан ҳар бир сўзнинг шаклигача аниқлаш, шаклдош сўзларни фарқлашдан мақсад уларнинг маъноларини аниқлаш, улар билдирган маънонинг асл ва туб томирларига етиб борувчи тадқиқот ўтказиш, ушбу тадқиқотларни умумлаштириш, таҳлил натижаларини изчил илмий баён қилиш, ушбу фаннинг асосий вазифаларини ташкил этади.

Бундан ташқари лексикология ўзининг моҳиятига кўра фонетика, морфология, семасиология фразеология, мантиқ(логика), шунингдек, тилшуносликка оид барча соҳалар билан чамбарчас боғликдир. Лексикография (сўзнавислик) эса лексикология учун таъминотчи вазифасини адо этади, зероки у маҳдуд замон ва макон учунгина махсус бўлиб, синхрон хусусиятига эгадир.

Араб тили грамматикасидаги асосий принциплар исломдан олдинги жоҳилиятдан, то шу кунгача деярли ўзгармаганлиги сабабли тилшуносликка доир атамалар ҳам шакли ва мазмун эътибори билан ўзгармай келмоқда ва фойдаланилмоқда.

2.2. Араб лексикологияси ҳақида умумий маълумот

Лексикология соҳасида араб классик олимлари олиб борган тадқиқотлари чуқур изланишларга асосланганлигидан ташқари, улар ўзининг кўлами, мавзу ва мазмун доираларининг хилма-хиллиги, қарашларининг ранг-баранглиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Лексикология фан сифатида гарчи анча кеч, яъни эндигина тан олинаётган бўлсада, аслида у арабларда XI аср бошидаёқ фан сифатида тан олинган бўлиб, у فِقْهُ اللُّغَةِ, عِلْمُ اللُّغَةِ номлари билан машҳур бўлган.

Абу Ҳайян, Ибн Фарис, Ал-Кисоий, Абдул-Латиф Бағдодий, Сибавайҳи, шунингдек Ибн Жиннийларнинг асарлари шулардан далолат беради.

Масалан, 1002 йили вафот этган Ибн Жиннийнинг الخصائص – "Хусусиятлар" деб номланган асари кўпчилик мутахассислар фикрича ўша даврнинг назарий асарлари ичида энг яхшисидир. Бу асар 1952-55 йилларда Мисрда нашр этилган 1200 саҳифадан иборат асар бўлиб, унда ўз даврига нисбатан ўта юқори савиядаги назарий масалалар билан бир қаторда сўз мазмунининг ўзаро алоқадорлиги, сўзнинг ҳосил бўлишидаги таркибий тизимлари, масалалари, қиёс ва беназирлик (аномалия) нинг аҳамияти, сўз вариантлари, унинг ишлатилиши ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилган.

1004 йилда вафот этган Ибн Фариснинг الصاحب في فقه اللغة وسنن العرب في كلامها "Соҳибу фи фиқҳи ал-луға ва сунанул-араб фи каламиҳа" (қисқачаси "Ас-саҳобий") (Фиқҳ соҳиби ва арабларнинг қонунларини тилда ифодаланиши) асарида эса жуда мўъжаз ва айни пайтда, лўнда бир усулда грамматик, филологик, лексикологик, семасиологик масалалар қамраб олинган. Жумладан унда араб адабий тили сўз заҳираларининг таркиби, сўзнинг ишлатилишига кўра таснифи, асл ва ўгай сўзлар, сўзнинг фономорфологик вариантлилиги, ифода этувчи ва ифодаланувчининг ўзаро муносабати масалалари, сўзнинг туб ва кўчма маънолари, кўп маънолилик, шаклдошлик (омонимия), маънодошлик (синонимия), этимологиядаги асл ўзакнинг исмий ва феълий синфларга тасниф қилиниши ва бошқа кўпгина масалалар қамраб олинган.

Тилшуносликка оид жуда кўп машҳур асарлар орасида бир оз кейин яшаган олимлардан Жалолиддин Ас-Суютийнинг (1445-1505) "Ал-мизҳар фи улуми ал-луға ва анваъиҳа – "المزهر في علوم اللغة وأنواعها" – "Лексикологияга оид шеърий ижодиёт ва унинг турлари" асари алоҳида ўрин тутади. Олимнинг ўзи кўп қиррали, ўта лаёқатли бўлиб, ўз асарида

тилшуносликка оид турли қарашлар ва нуқтаи назарга эга бўлган олимларнинг фикрларини имконияти борича тўплаган бўлиб, уларнинг ярмидан ошиқроғини лексикологияга доир масалалар эгаллайди. Ундаги ўхшаш ёки қарама-карши фикрларнинг ўзига хос бир усулда тақдим этилиши унгача бўлган бутун бир даврдаги илмий жараённинг қандай кечгани ҳақида аниқ ва яхлит тасаввур ҳосил бўлади.

2.3. Араб анъанавий классик тилшунослигида лексикология соҳасида олиб борилган асосий тадқиқотлар таснифи

Махсус изланишлар бўйича лексикологияда шуҳрат топган олимлар ва уларнинг асарларидан қуйидагиларга тўхталиш лозим:

Ал-Жаваликий (1073-1144) "Ал-Муарраб минал-калами ал-ажамий" – "المعرب من الكلام العجمي" – "Чет тилларидан кирган араблашган сўзлар" ёки "Араблаштирилган ажамий сўзлар". Адди Шир Ибн Сида (1066) ўзининг "Ал-Мухассас" номли тематик луғатининг кириш қисмида синонимия, омонимия, полисемия яъни кўп маънолилик, этимологик, сўз ясаш, иқтибос ва бошқа масалаларга атрофлича тўхталиб ўтади.

Сўз шарҳи ва талқинига бағишланган кўп масалалар Абу Ҳатам ар-Розийнинг (вафоти 933) "كتاب الزينة" – "Зийнат китоби" асарида яхши ёритилган. Арабшунослар орасида катта шуҳрат топган асарлардан яна бири Абу Мансур Саълабийнинг "فقه اللغة وأسرار العربية" – "Лексикология ва араб тилининг сирлари" асари алоҳида ўрин тутади. Бу асарда чет тилидан, асосан форс тилидан ўзлаштирилган сўзлар рўйхати берилган.

Лексикологиянинг соф муаммоларидан кўпроқ тадқиқ қилингани бу сўзларни бир-биридан ажратиш масаласи, яъни сўзлар классик тилга мансубми ёки адабий тилга оидми, шунингдек сўзлашув тилига мансубми ёки халқ тилига оид сўзми, худди шунингдек, сўзлар туб арабчами ёки ўзлаштирилганми ана шу томонларига эътибор қаратилган. Араб олимлари сўзларнинг луғавий маъносини атрофлича ўрганганлар. Жумладан, арабшунос олимлар қуйидаги атамалардан сўзларнинг маъноларини беришда фойдаланганлар. Сўзларнинг туб маъносини "ал-ҳақиқату" – "الحقيقة", мажозий маъносини эса "المجاز", омонимларни "المشترك اللفظي", синонимларни "الترادف", икки антоним маъносига эга бўлган сўзларни "التضاد" деб номлаганлар.

Ҳозирги замон араб миллий тилшунослиги баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда араб тилининг грамматикаси, лексикаси, семасиологияси (яъни сўз ва ибораларнинг маъноси ва унинг ўзгаришини ўрганиш соҳаси) анъанавий йўлидан кетмоқда. Аксарият ҳозирги замон муаллифларининг асарларида эски лингвистик анъана давом этмоқда. Жумладан, эски анъана билан университетларнинг дарсликлари, хусусан араб тилшунослиги курсларида "فقه اللغة" атамалари қўлланилмоқда. Бундай олимлар қаторига мисрлик Абул-Воҳид Вофий,

Суриялик Муҳаммад Ал-Муборак, ироқлик Субҳий ас-Салоҳлар киради. Уларнинг асарлари баёнининг мухтасарлиги, тилга оид материалларнинг айниқса замонавий материалларнинг сийраклиги билан характерланади.

Бу соҳадаги амалий ишлар ҳам анъанавий услубдаги принципларга бўйсунган. Масалан, Генри Ламменс, Иброҳим ал-Язижий, Рофаил Наҳла асарларидаги ғоя унинг Ибн Сиккат ал-Ҳамазаний, Абдул-Ҳалал Аскарий, Саълабий ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланганликларидан далолат беради.

Назорат учун саволлар:

1. Лексикология фани нимани ўрганади?
2. Лексикология фани қандай фанлар билан алоқадор?
3. Араб лексиколог олимларидан кимларни биласиз?
4. Араб лексикологияси қачон шаклланган?

Адабиётлар:

1. *В.М.Белкин. Арабская лексикология. –М.,1975.*
2. *Н.В.Юшманов. Строй арабского языка. Второе издание. –М., 1994.*
3. *Б.М.Гранде. Арабская грамматика в сравнительно – историческом освещении. –М., 1996.*

ДАРС № 3.

АРАБ СЎЗИНИНГ ЛЕКСИК БИРЛИК СИФАТИДАГИ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Лексикологиянинг тадқиқот маркази – сўз эканлиги тўғрисида, ана шу мавзу ҳақида арабшунос олимлар ва рус олимлари Б.М.Гранде, А.А.Ковалёв ва Г.Габучанларнинг илмий фикрлари ҳақида, сўз – фикрнинг элементи сифатида тушунилиши ва қўшма сўзлар ҳақида тушунча бериш.*

Таянч иборалар: Сўз, морфема, лексема, морфологик функция, сўз бирикмаси, қўшма сўз.

Асосий саволлар:

1. *Лексикологиянинг тадқиқот маркази ва вазифалари*
2. *Ёрдамчи лексик элементларнинг вазифалари*
3. *"Мураккаб сўзлар" ва "сўз бирикмаси" тушунчалари ўртасидаги фарқлар.*

3.1. Замонавий тилшуносликда "сўз" тушунчасининг маъноси

Лексикологиянинг тадқиқот маркази – сўздир. Тилшунослик фанидаги турли соҳаларнинг мутахассислари сўзга турлича нуқтаи назардан ёндошадилар, бинобарин ўзларига хос турлича хулосаларга келадилар ва натижаларга эришадилар.

Лексикология учун асосий вазифалардан бири нимани сўз деб аташ ёки атамасликка аниқлик киритишдир. Масалан "минал-қоҳира" деб талаффуз қилинувчи ибора من القاهرة тарзида ёзилади ва бу ерда нечта сўз бор деган саволга من (1), ال (2), قاهرة (3) деб учта сўз бор деб айтувчилар бир тоифани, ال артиклини сўзга киритувчилар алоҳида ва бу сўз "Қоҳирадан" деган маънони билдиргани учун ва яна узлуксиз талаффуз қилингани сабабли бир дона сўз деб айтувчилар бошқа тоифага ажраладилар.

Шунингдек "بسبب" – "сабаби билан" деган иборада بِ алоҳида сўз деб қаровчилар ҳам бор.

Масалан, машҳур арабшунос олим Б.М.Гранде "ҳарф" тоифасига кирувчи сўзларни сўз санамайди, балки олд ва кет қўшимчалар сирасига киритади, яъни морфемалар (яъни сўзнинг бўлинмайдиган, маъно англатувчи қисмидир) деб атайди. Лекин бошқа арабшунос олимлар А.А.Ковалёв, Г.Габучанлар эса предлогларни алоҳида сўз деб таъкидлайдилар. Ҳарф тоифасидаги сўзлар "ал", "фа", "ва", "би", "ли", "ка" аслида морфологик функцияга эга бўлганлиги сабабли морфемаларга тенглаштириш ўринлидир. Бирикма олмошлари ҳам ўзбек тилидаги

эгалик қўшимчалари каби характерга эга эканлиги бир жиҳатдан уларни алоҳида сўз деб қарамасликка имкон берса, лекин феъл билан бириккан ўринларда уларни сўз эмас дейишлик нотўғридек кўринади. Мана шу каби ўринларда "сўз"ни ажратиш, унинг сони ва функцияларини аниқлашдаги чалкашликларни бартараф қилиш лексикологиянинг туб вазифаларидан биридир. Чунки қўшилиб ёзилиш яхлит бирликни англатмайди. Бу бирликларни тавсифлаш масаласи араб тилшунослигида янги масала эмас. Бир пайтлар Сибавейҳи ўз асарининг энг қисқа сўзлар ҳақидаги бўлимида "و"، "ف" богловчилари, "أ" сўроқ юкламаси, таъкидловчи "ل" ва бошқа бир қатор содда бирликлар ҳақида гапириб, уларни сўзлар деб атаган эди.

3.2. Араб сўзлари асосини аниқлаш масалалари

Ҳозирги кунда тадқиқот олиб бораётган муаллифлар бу масалани, яъни сўзнинг асосини аниқлашда ўз нуқтаи назарларини батафсил асослаган ҳолда қарама-қарши хулосаларга келмоқдалар. Бир тарафдан тенг богловчи "و" ва олд кўмакчи "ب" (би) каби тил элементлари, имло қоидаларига қарамасдан, шубҳасиз сўз ҳисобланади, чунки улар фонетик жиҳатдан анча муаммолироқ тенг боғловчи ثمّ ва олд кўмакчи على билан бир хил вазифани бажаришлари аниқ. Бундай ёрдамчи бўлаклар фақат бошқа сўзлар ва сўз бирикмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнигина кўрсатади. Аммо Б.М.Гранде масалага бошқача ёндошиб, улар "ўз моҳиятига кўра морфема" (сўзнинг ўзаги), "яхлит (қўшиб ёзиладиган) бўлаклар ҳисобланади" деган хулосага келган. У нафақат имло нуқтаи назаридан, балки мазкур бўлаклар ҳақиқатан ҳам ўзидан кейин келадиган сўз билан (олд қўшимча ҳисобланганликлари учун) бирикиши сабабли шундай хулосага келади.

Юқорида айтилганлардан маълумки, ёрдамчи лексик элементлар сўзнинг морфологик элементлари билан бир хил грамматик вазифани бажарганликлари сабабли улар билан тенглашади, деган хулоса чиқиши мумкин. Бу қоида мазкур ҳолатда фақат зикр қилинган вазифаларни бажара оладиган элементларнинг тор доирасига тааллуқлидир. Олд кўмакчилар эса алоҳида сўз ҳисобланади ва уларга алоҳида ташқи белгилар сифатида қаралади.

Сўз билан морфемани фарқлаш муаммоси одатда ўқув амалиётида кишилик олмошларининг бош келишиқдан бошқа келишиклари сифатида тушунтирилганда бирикма олмошларини татбиқ этиш пайтида юзага келади. Бу хусусда Б.М.Гранде уларни мустақил равишда мавжуд бўла олмасликларини ва улар фақат у ёки бу сўзнинг бир қисмини ташкил қилувчи сўз ясовчи қўшимчалардангина иборат эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, олим бошқа бир ўринда, улар ўзидан олдин келувчи феъл, от, олд кўмакчи билан кишилик олмоши объект мазмунида алоҳида сўз кўринишида ажралиб турган ҳолларда "إياه" юкламаси қўлланилади деб ҳисоблайди.

3.3. Сўзларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган янги формалари

Маълум бир сўзнинг "ўша сўздан бошқа маънони англатувчи ўзга сўздан фарқи нимада" эканлигини аниқлашга қаратилган, сўз ўхшашлиги муаммоси асосий назарий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммони ўрганишда, *"сўзнинг грамматик жиҳатдан ўзгариши унинг аслига салбий таъсир кўрсатмайди деган фикр сўзнинг грамматик тузилишига тааллуқли ва аниқ бир сўзга даҳли йўқ, мазкур сўз ўзининг ҳар қандай грамматик шаклида ҳам, лугат бирлиги (яъни лексик) сифатида ўша сўзнинг ўзи бўлиб қолаверади".*

Сўзни фикрнинг элементи сифатида тушуниш, одатда сўзнинг негизи билан боғлиқдир. Сўзнинг негизини аниқлашда ўша сўзнинг грамматик ва сўз ясовчи элементлари ҳисобга олинади.

Сўзнинг негизини аниқлаш деганда, негиз сўзнинг асосий бўлаги эканлиги сифатида қаралади.

Араб тилида сўзнинг ўзаги келишик қўшимчаларини тушириш, агар у ноаниқ ҳолатда бўлиб, уч келишикли бўлса "танвин"ни тушириш билан амалга оширилади. Масалан: **китабун**-"китоб" сўзининг негизи **китаб,** унинг кўплик шакли **кутубун**-"китоблар", унинг негизи эса **кутуб**дир.

Феълларнинг негизига келсак, у шахс, сон, жинс қўшимчаларини (яъни аффиксларни) тушириш билан ажратилади. Жумладан, كتب – "ёзмоқ" феълининг ўтган замон негизи **"катаб"** бўлса, унинг ҳозирги-келаси замон шакли бўлмиш يكتب – "у ёзяпти" феълининг негизи – **"кутуб"** дир. Арабшунос олимлар Г.М.Габучан ва А.А.Ковалёвнинг фикрларича, агар тадқиқ килинаётган тил бирлиги ҳар-хил негизларга эга бўлса, у ҳолда бундай тил бирликлари ҳар-хил сўзлар ҳисобланади ва ҳар хил негизларнинг сони ҳар хил сўзларнинг сонини аниклаши мумкин.

Бошқа нуқтаи назарга кўра, бирлик сондаги негиз **"китаб"** билан кўплик сонидаги негиз **"кутуб"** параллел ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Худди шунингдек **"катаб"** билан **"ктуб"** (ҳозирги-келаси замон негизлари)нинг негизлари параллел мавжуд бўлиб, улардаги қисқа унлилар сўзнинг грамматик шаклига кўра ўзгариши мумкин. Сўзга грамматик ва лексик жиҳатдан киёсий ёндошиб, Б.М.Гранде қуйидаги фикрни билдиради. Луғатчилик нуқтаи назаридан сўз алоҳида бўлмаган грамматик форма эмас (масалан: исмнинг келишиги, феълнинг шахс қўшимчалари ва ҳоказолар), балки лексик бирлик бу ўзининг барча грамматик шакллари, барча маъноларини ўз ичига олган тўлиқ парадигма – сўздир.

3.4. Арабча сўзларнинг икки синфга ажралиши

Барча арабча сўзларни икки катта синфга ажратиш мумкин. 1) Морфологик жиҳатдан ўзгариб, янги грамматик маъноларга эга бўлувчи исмлар ва феъллар, 2) Морфологик нуқтаи назардан ўз шаклини ўзгартирувчи сўзлар – бу асосан олд кўмакчилар (предлоглар), боғловчилар, юкламалар, шунингдек баъзи исмлар ва феъллардир. Бунда келишик ва кўрсатиш олмошлари морфемали бирликлари билан жинс ва сонни ифодалайдилар.

Араб тилида сўз таркибий – грамматик жиҳатдан ривожланган, зеро ундаги грамматик ўзгаришлар негизи ташқи аффиксларни қўшиш билан, шунингдек сўзнинг ички таркибини ўзгартириш ёрдамида амалга ошиши мумкин. Жумладан қуйидаги сўзларнинг кўплик сонини ҳосил бўлишига эътибор беринг:

قطار → "поезд" – قطار – قطارات

مشكلة → "муаммо" – مشاكل – مشكلات

محل → "жой" – محال – محلات

Яна синиқ кўпликни ҳосил қилишда сўзлар бир неча шаклларга эга бўлиши мумкинлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Масалан:

بحث – "тадқиқ қилиш", унинг кўпликлари – أبحاث، بحوث

مكان – "жой", унинг кўплик шакллари – أماكن، أمكنة

Ушбу мисоллар битта грамматик категорияни (яъни кўплик категориясини) ҳар хил услубларда ҳосил бўлишини кўрсатади.

Араб тилида яна шундай сўз турлари борки, улар бир пайтда ҳам алоҳида сўз, айни пайтда қўшимчага айланган бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

"أبو"، "أخو"، "ابن"، "ذو"، "غير"، "شبه"، "صاحب"، "أب"، "أم"، "عدم" каби сўзлар шулар жумласидандир. Масалан: أبو الهول – "сфинкс", أبو اليقظان – "хўроз", ابن الأخ – "жиян", "شبه الجزيرة" – "ярим орол", صاحب البيت – "уй эгаси", عدم الإعتداء – "ҳужум қилмаслик", أم النجوم – "сомон йўли" бирикмаларида юқоридаги сўзлар қўшимча сифатида қўлланилаяпти.

Араб тилида шунингдек қўшма сўз билан сўз бирикмасини ажратиш осон кўчмайди. Чунки ёзилишда бир хил, айтилганда эса фарқ қилиши мумкин. Масалан, رأس مال бундай сўзлар гоҳида бошқа грамматик воситалар қўшилганда аниқланади. Масалан, ال артикли қўшилса, رأس المال каби сўз бирикмаси ёки الرأسمالي каби қўшма сўзга айланиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Тилшунослик нуқтаи назаридан сўз тушунчасига таъриф беринг.
2. "Сўз" ҳақида тилшунос олимларнинг фикрлари қандай?
3. "Араб сўзининг негизи"ни аниқлаб беринг.
4. "Қўшма сўз" ва "сўз бирикмаси" тушунчалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

Адабиётлар:

1. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975. –С.15-25.*
2. *Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно-историческом освещении. –М., 1963. –С.10.*
3. *«Арабская филология» тўплам – МГУ нашри. 1968. –С.48-50.*
4. *Ахманова О.С., Мелчук И.А. ва бошқалар. О точных методах исследования языка. МГУ нашри. 1961. 17-б.*
5. *Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. –М., 1928. –С.109.*

ДАРС № 4.

АРАБ ТИЛИДА СЎЗ ВАРИАНТЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: *"Сўз вариантлари" тушунчаси ҳақида, сўзнинг вариантлилиги ҳақида араб тилшуносларининг фикрлари, араб адабий тили ва лаҳжа ўртасидаги фарқ, араб тилидаги сўз негизларининг тўрт хил вариантлари, фонематик вариант, ҳозирги-келаси замон феълининг ўрта ўзаги аҳамияти ҳақида маълумот бериш .*

Таянч иборалар: Вариантлилик, коррелатив, фонематик ўзгаришлар, "الإبدال اللغوي"

Асосий саволлар:

1. *Вариантлилик тушунчаси ҳақида;*
2. *Араб сўзларининг вариантлилиги;*
3. *Сўзнинг вариантлилиги ҳақида араб тилшуносларининг фикрлари;*
4. *Адабий тил билан шева ўртасидаги фарқлар.*

4.1. Араб тилида сўзларнинг вариантлари ва у ҳақда араб тилшуносларининг фикрлари

Сўз вариантлари деб бир нарсани англатган сўз бир неча хил талаффуз этилса ва уларнинг ҳар бири адабий тил нормалари учун маъқул ва мақбул топилган ҳолатига айтилади. Араб тили бундай ҳодисаларга жуда бой, масалан, **"кўпик"** мазмунидаги сўзлар: **рағва, руғва, риғва, риғава, риғоя** каби вариантларга эга, шунингдек **"кўзгу"** мазмунидаги сўзларнинг: **зужаж, зажаж, зижаж** каби вариантлари бор. Баъзи сўзларнинг ундан ҳам ортиқ вариантлари бўлиши мумкин.

Араб тилшунос олими Ибн Жинний, сўзнинг шакли ўзгариши мумкин, лекин маъноси ўшандайлигича қолади, деб фикр юритади. Бундан ташқари бир маънодаги сўзнинг 2-3 турли шакли бўлиши мумкин.

Бошқа арабшунос олим Ибн Фариснинг ёзишича, "Бир сўз иккита вариантга эга бўлиши мумкин. Масалан **"сирам ва сарам"** (жиддий, талабчан, қаттиқ). Шунингдек арабча сўзлар учта вариантга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, **зужаж, зажаж зижаж**. 4 вариантли сўзга мисол: **"шидақ", "шадақ", "шадуқат", шудқа"** (жавраш, нотиқлик қилиш). Энг кўпида 6 та вариант бўлиши мумкин. Масалан, **"қустас", "қистас", "қастас", "қуссат", "қиссаа", "қиссат"(энг сезгир тарози).** Лекин баъзи тилшуносларнинг айтишича, "бармоқ", яъни **"исбаъ"** сўзининг 9 хил талаффузга эга тури мавжуд.

Замонавий араб адабий луғатига сўзни фономорфологик ўзгаришининг асосий мумтоз даврига мансуб бўлган турлари кирган. Шунинг учун қадимги тилшуносларнинг тутган ўрни ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу билан бирга араб дунёсида ҳозир мавжуд бўлган тил ҳолатини назардан туширмаслик керак. Биринчи масала – адабий тилни қоғозга тушириш. Иккинчи масала – қоғоздаги ёзувни товуш – фонетикага ўзгартириш. Учинчи масала – ҳудуд шевалари ўртасида фарқланиш. Шунинг учун бир классик матн турли ҳудудларда турлича ҳаракатлар билан ўқилиши мумкин. Бу ҳодиса замонавий адабиётда оддий ҳол бўлиб қолган. Шу каби фонетик ўзгаришлар алоҳида сўзларгагина эмас, балки таркибида аниқ фонемаларга эга бўлган бутун адабий лексикага хосдир. Маълумки, адабий ج ҳарфи Миср шевасида **“г”**га ўзгарган. Сурияда эса **“ж”**га ўзгарган. Бу ҳол ҳудудий фонетик вариантлар ёзувида ҳам ўз аксини топган. Баъзида уларнинг турли график вариантлари юзага келади. Улар асосан араб тилига хос бўлмаган **“г”** фонемаси билан боғлиқ ва бу араб ёзувида **“жим”, “қаф”, “каф”** ва (Сурия ва Ирокда) **“ғайн”** орқали ҳам ифодаланади. Масалан “божхона” сўзи Мисрда **“жумрук” (гумрук),** Сурия, Ирокда **“кумрук” (гумрук),** Тунисда **“қумруқ”** шаклида қўлланилади.

4.2 Араб мамлакатларида луғавий ҳолат. Араб адабий тили билан шева ўртасидаги фарқлар

Шунингдек, фонетик даражадаги ҳудудий вариантларга сўз урғусининг ўзгариши ҳам хосдир. Бу ерда ҳам ҳудудлар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Масалан, Қоҳира шевасида “мактаб” сўзи **“мадрàса”**, Дамашқ шевасида **“мàдраса”** ва Марокашда **“медрàса”** деб талаффуз қилинади. Баъзи кам қўлланиладиган ёки деярли қўлланилмайдиган вариантларни умумадабий вариантлар қаторига киритиб бўлмайди. Масалан, طايور (одамлар колоннаси) ўрнига تايور каби сўзлар, шунингдек طربيد (торпеда) ўрнига تربيد ва бошқалар. Бу ерда гап талаффузда онгли ва онгсиз равишда қўйилган хатолар ҳақида кетяпти. Масалан **“тажриба”** ўрнига **“тажруба”, “дастур”** ўрнига **“дустур”** ишлатилади.

Араб тилида сўз негизларининг 4 хил варианти фарқланади: **1. Фономатик 2. Фонетик 3. Грамматик 4. Орфоғрафик.**

Фонематик вариантлар деганда, бир ўзак ичида сўзнинг фонетик таркибида қисман ўзгариш рўй бєрилиши тушунилади. Бу гуруҳ ўзгаришлар энг кўп учрайдиган вариантлар туридир. Бир ўзак ичида, яъни ундош ҳарфлар ўзгармасдан туриб, унли ҳарфлар (ҳаракатлар) ҳисобига турлича ўқиш вариантлари ҳам мавжуд. Масалан, **кабд-кабид** – “жигар”, **фахз-фахиз** – “сон”, **хутва-хатва** – “кадам, **катиф-китф** – “елка”, **узн-узун** – “қулоқ” ва бошқалар.

Кўпинча уч ўзакли феълларнинг масдарлари турлича ҳаракатланади. Масалан: **кизб-казиб** – “ёлғон” (масд. **Казаб**); **қабул-қубул** –

“қабул” (масд. **қабила**); **ваддун-виддун-вуддун** – “муҳаббат”, “севги”; **мақрабатун-мақрибатун-мақрубатун** – “яқинлик”. Бундай фонетик жараён кўпинча феълларга ҳам тегишлидир. Феълларда асосан ўрта ундош ҳарфининг унлиси ўзгаради. Масалан فزِعَ – فزَعَ – “қўрқмоқ”, “ҳайиқмоқ”, فرِغَ – فرَغَ – “бўш бўлмоқ”, قذِرَ – قذَرَ – “ифлос бўлмоқ; – كمِلَ – كمَلَ – “тўлиқ бўлмоқ” ва ҳоказолар. Бу мисолларда феълларнинг ўрта ўзак ҳаракатининг ўзгариши сўзларнинг лексик маъноларини ўзгартиргани йўқ ёки ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантиргани йўқ.

Маълумки, ҳозирги-келаси замон феълининг ўрта ўзаги ўтган замон феълининг ўрта ўзагига қараб аниқланади. Вариантлилик бу ерда ҳам тез-тез учрайди. Масалан: قَدَرَ (и)дан يَقْدِرُ; قدر (а)дан يَقْدُرُ – “мумкин бўлмоқ”. Баъзида икки перфектга (яъни ўтган замон шаклига) бир имперфект (яъни ҳозирги-келаси замон) тўғри келиши мумкин. Масалан: كَمَلَ ва كَمُلَ дан يَكْمُلُ Кўпинча бир феълнинг ўрта ўзаги иккита ҳам бўлади. Масалан: فَتَكَ дан يَفْتِكُ ва يَفْتُكُ –“ёндирмоқ, йўқ қилмоқ” ёки فَسَدَ дан يَفْسِدُ ва يَفْسُدُ – “бузилмоқ” (овқат).

Ўзак ундошларнинг ўзгаришлари камроқ учрайди, улар одатда фонетик қоидалар томонидан “ҳисобланиб” турилади. Бу ҳодиса араб тилшунослигида "الإبدال اللغوي" (Луғавий алмаштириш, луғавий бадал) атамасини олган. Унинг маъноси “ҳарфларни алмаштириш ва бир ҳарф ўрнига бошқа ҳарф қўйиш” демакдир. Шу билан бирга қолган ўзак ҳарфлар ўзгармай қолади. Бир-бирига алоқадор (коррелатив) ундошлар жуфт сўзларда талаффузда барча ўринларда махражда бўлишлари керак.

Назорат учун саволлар:

1. Лексик вариантлилик деганда нимани тушунасиз?
2. Араб тилида сўзларнинг қандай вариантлари мавжуд ва уларнинг сони қанча?
3. Сўзларнинг грамматик ва фонематик вариантлари ўртасида қандай фарқ мавжуд?
4. Сўзнинг вариантлилиги ҳақида Ибн Жинний ва Ибн Форисснинг фикрлари.

Адабиётлар

1. *Ахманова О.С. О фонетических и морфологических вариантах слова. –М., Изд-ва. АН СССР.1956.*
2. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975. –С.25-33.*
3. *Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно-историческом освещении. –М., 1963. –С.10.*
4. *ابن جني أبو الفتح "الخصائص" القاهرة 1956*

ДАРС № 5.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АРАБ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛУҒАВИЙ ТАРКИБИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Бир ярим минг йил давомида араб тилининг ўзгариши, араб тили тараққиётининг тўрт даври ҳақида, араб тили қадимги луғатининг шаклланиши, "кун ва тун" сўзларининг номлари, янги яратилаётган сўзлар ҳақида тушунча бериш.*

Таянч иборалар: Иқтибос, классик лексика, янги яратилган сўзлар, сутканинг коронғу қисми, сутканинг кундузги қисми, туянинг номлари.

Асосий саволлар:

1. *Замонавий араб сўзлигининг шаклланиш босқичлари;*
2. *Араб сўзлигининг хусусиятлари;*
3. *Қадимий лексика хусусиятлари.*

5.1. Замонавий араб сўзлигининг шаклланиш босқичлари

Маълумки, бир ярим минг йилдан буён оғзаки ва ёзма манбаларда сақланган араб тили, гарчи ўз нормаларини сақлаб қолган бўлсада, бироқ у лексик ўзгаришларга учрамай қолмади. Бу албатта инсон ҳаётидаги ўзгаришлар ўзида акс эттирган реалликнинг тилда намоён бўлиши табиий ҳолдир, зероки, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт биринчи ўринда, албатта, тилда акс этади, яъни бир хил қадриятлар қадрсизланиб йўқ бўлади ва уларни англатган сўзлар ҳам бир четга сурилиб архаиклашади, унинг ўрнини янгича қадриятлар олади. Бу ҳодисалар, албатта, ўз даврида яратилган луғатларда ўз аксини топган. Бунда олимлар 4 даврни белгилашган, улар қуйидагилар:

1. Исломгача бўлган давр;
2. Ислом цивилизацияси даври XII асргача боради;
3. Турғунлик даври бўлиб, у XIII – XVIII асрларни ўз ичига олади;
4. Тўртинчи давр эса ҳозирги даврнинг бошланиши бўлиб, у техник революция билан боғлиқ давр деб эътироф этилади.

5.2. Араб сўзлигининг шаклланиш босқичлари

Араб сўзлигининг энг қадимги (эски) ва асосий қисми бу сўз ясовчи морфемалардан ҳоли ўзак сўзлар бўлиб, кейинчалик инсон ҳаёти тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланган лексик таркиб учун асос бўлган сўзлар мажмуаси киради. Бу сўзлар, албатта, ҳаёт учун энг зарур сўзлар бўлиб, инсонни ўраб турган ташқи муҳит

конкрет шароитга оид сўзлар катламини ташкил этади. Улар кўлинча умуминсоний характерга ҳам эга бўлади. Масалан:

“ер” – أَرض ; “осмон” – سَماءٌ ; “қуёш” – شَمْسٌ ; “сув”- ماءٌ ; “зайтун ёғи” - زَيْتونٌ ; “узум” - عِنَبٌ ; буғдой” – قَمْحٌ ; “сармсоқпиёз” – ثُوْمٌ ; “бодринг” – قِناءٌ ; “тарвуз” – بَطِيخ ; “туя” – جَمَل ; “эшак” - حِمارٌ ; “ит, кучук” – كَلْبٌ ; “бўри” – ذِئْبٌ ; “чўчқа” – خَنزِيرٌ ; “ҳўкиз” – ثَوْرٌ ; “бургут” – عَقَرَبٌ ёки қариндошликни англатувчи қатламлардан қуйидагилар: “ота, падар” - أَبٌ ; “она” - أُمٌّ ; “ўғил, фарзанд” - إِبْنٌ ; “қиз” - بِنت ; “ака, ука” - أَخ ; “опа, сингил” - أُخت кабилар ёҳуд жисмнинг аъзоларига тааллуқли сўзлар, масалан: “ бош” - رَأْسٌ ; “кўз” – عَيْنٌ ; “қулоқ” - أُذُنٌ ; “бурун” – أَنف ; “оғиз” – فَمٌ ; “лаб” - شَفَة ; “тил” – لِسانٌ ; “тиш” – سِنٌّ ; “қўл” – يَدٌ ; “оёқ” – رِجْل ; “кафт” - كَفٌّ ; “жигар” - كَبِدٌ ; “буйрак” - كُلْيَة ; “қон” - دَمٌ ; “кўнгул” – نفسٌ ; “шох” - قَرْنٌ ; “дум” - ذَنَبٌ кабилар, ёки хўжаликка оид сўзлар, масалан: “челак” – دَلْوٌ ; “тарелка” - صَحْنٌ ; “тегирмон тоши” - رَحًى . Шунингдек уларнинг қаторига қуйидаги кенг қўлланилувчи сўзлар ҳам киради: “ҳудо, тангри” – إِلٰهٌ ; “жаноб” - رَبٌّ; “уруш” - حَرْبٌ ; “олтин, тилла” - ذَهَبٌ ; “шаҳар” - مَدِينة ; “йил” – سَنَة ; “китоб” - كِتَابٌ ; “уй” - بَيْت ; “ўқувчи” - تِلميذٌ ; “подишоҳ” - مَلِكٌ ва бошқа турли соҳаларга кирувчи сўзлар, ҳамда сонлар, олмошлар, предлоглар (яъни олд кўмакчилар) ва бошқалар. Ушбу сўзлар араб адабий тилининг асосини ташкил этади, чунки улар адабий араб тилига хос бўлиб, бошқа сомий тилларда бўлмаслиги мумкин, зероки бундай сўзлар араблар учунгина хос бўлган ҳаёт тарзи билан боглиқ бўлганлиги сабабидан бўлса эҳтимол.

Тил нуқтаи назаридан бундай сўзлар одатда кўп бўғинли ва феъл тоифасидаги сўзлар 4 ўзаклидир; улар қадимги шеъриятда учрайди. Масалан:

“орқада қолмоқ” -إِقْعَنْسَسَ ; “тушмоқ” – إِسْلَنْقَى ; “тўпланмоқ” – إِحْرَنْجَمَ ; “гердаймоқ” – إِتْلَخَمَّ ; “қаердадир бўлмоқ” - إِجْرَنْسَمَ, шунингдек, Имрул Қайснинг “Муаллақот”ларида қўлланилган сифатдошлар: “лиқ тўлган овқат” – مُسْعَنْجِرٌ ; “ўта кескир, кесувчи” - مُسْحَنْفِرٌ шулар жумласидандир.

Араб тилининг қадимги луғатини шаклланишида сомий тиллар, хусусан оромий тили ва қисман эфиопия ҳамда қадимги яҳуд тиллари муайян рол ўйнайди. Мазкур тиллардан ўзлаштирилган сўзлар қадимги араб адабий асарларида учрайди. Жумладан, Қуръонда бошқа тиллардан ўзлаштирилган қуйидаги сўзлар қўлланилган:

“қалам” - قَلَمٌ ; “бир варақ қоғоз” – قِرْطَاسٌ ; “ўроғлик қогоз” - سِفْرٌ ; “рўйхат” – قِت ; “сиёҳдон” – دَواة ; “сатр” - سَطْرٌ ; “сиёҳ” - حِبْرٌ ; “кодекс” – مَجَلَّة ; “кирим-чиқим дафтари” – فِنْدِكٌ ; “нусха” – نسْخَة ; “даста (ёзув қоғозининг ўлчов бирлиги)” –كُرَّاسَةٌ .

5.3. Классик сўзликлар

Классик сўзликлар қадимги луғатларда акс эттирилган бўлиб, гарчи битта сўзнинг варианти бўлсада, улар мураккаб ва кўпинча бир-бирига зиддир. Унинг натижасида классик луғатларнинг сўзлари каби кўп маънолини,хусусан омонимияни вужудга келишига сабаб бўлган. Худди шунингдек бир маънони англатувчи, аммо ҳар хил талаффуз қилинувчи жуда кўп синонимларни вужудга келтирган.

Қадимий лексикада инсонни қойил қолдирадиган нарса шундан иборатки, унда баъзи бир ҳаётий нарсалар ва лаҳзалар жуда ёркин тарзда ўз ифодасини топган: кундуз ва туннинг ҳар бири 12 тадан номга эга бўлиб, улардан ҳар бири муайян пайтнигина англатган. Жумладан, бир сутканинг кундузги қисмини ифодаловчи сўзлар қуйидагилардир:

أَسِيلٌ رَوَاةٌ ضُحًى شُرُوقٌ عَشِيٌّ عَصْرٌ هَاجِرَةٌ بُكُورٌ غُرُوبٌ قَصْرٌ ظَهِيرَةٌ غُدْوَةٌ

Шунингдек сутканинг коронғи қисмини эса 12 та ном билан акс эттирилган, улар қуйидагилар:

صُبْحٌ، سَحَرٌ، زَلْفَةٌ، فَحْمَةٌ، عَتَمَةٌ، شَفَقٌ، صَبَاحٌ، فَجْرٌ، ظُلَّةٌ، سُدْفَةٌ، غَسَقٌ، بُهْرَةٌ

Шунингдек қадимги араб кўчманчилари уйларининг нимадан қилинган ёки тўқилганига қараб уларнинг ҳар бирига алоҳида ном берилган. Масалан: агар уй лойдан ясалган бўлса – قُبَّةٌ, агар уй қилдан ясалган бўлса – مِظَلَّةٌ , агар уй қўй жунидан ясалган бўлса – حِيَاءٌ, агар туя жунидан ясалган бўлса –بِجَادٌ, агар ёғочдан бўлса - خَيْمَةٌ, ва агар уй тошдан ясалган бўлса - أُقْنَةٌ . Бу борада туяга оид лексикалар диққатга сазовордир. Унга кўра ҳар бир туянинг ёши, ранги, туси ва юриши (яъни йўрғалаши, лўкиллаши ёки чопиши) ҳисобга олинган. Масалан: янги туғилган туяни - سَلِيلٌ , сўнгра у - سَقَبٌ деб аталган. У бир ёшида онасидан айрилганини - فَصِيلٌ ; 2 ёшида эса – إِبِنُ مُحَاضٌ ; 3 ёшида эса – إِبْنُ لَبُونٍ ; 4 ёшида - حِقٌّ ; 5 ёшида - جَذَعٌ ; 6 ёшида – ثَنِيٌّ (ثَنِيَّةٌ) ; 7 ёшида - رَبَاعٌ ; 8 ёшида - سَدِيسٌ ; 9 ёшида - بَازِلٌ ; 10 ёшида - مُخْلِفٌ ; 11 ёшида – مُخْلِفٌ عَامٌ ; 12 ёшида – مُخْلِفٌ عَامَيْنِ . Куч-қувватдан қолиб қартайган туяни - عَوْدٌ ; ўта қариган туяни - قَحْرٌ ; энг қари туя - كَخِلٌ деб номланган.

Ўша давр араб луғатида, умумий маънога эга бўлган сўзлар билан бир қаторда қисман махсус маъноларни англатувчи сўзлар ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, “оқ” маъносини умумий бир أَبْيَضُ сўзи билан берилган.

Одамга нисбатан эса - أَزْهَرُ ; отга нисбатан - أَشْهَبُ ; қўйга нисбатан - أَمْلَحُ дейилган сўзларни билиш, албатта, сўзшунослик яъни лексикология фани доирасига кирсада, уни бошқа сўзлар билан ҳамроҳ-

ликда ишлатиш, баён, балоғат, фасоҳат каби фанлар лаёқатига бориб тақалади. Шунингдек баъзи сўз турлари борки, иқтисодий формациялар алмашинуви, ижтимоий-сиёсий-маданий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда амалда қолади ёки кучга киради. Демак, уларни англатувчи сўзлар ҳам буларни акс эттиради. Масалан, исломгача бўлган ширк ва будпарастлик билан боғлиқ бўлган ойларнинг номлари ва кунлар каби атамалар ана шундай сўзлар сирасидандир. Янги яратилган сўзлар жумласига масалан, "رَأْسُمَالِيَّة", "إِشْتِرَاكِيَّة", "شُيُوعِيَّة", "رَجْعِيَّة", "مَوْضُوعِيَّة", "ذَاتِيَّة", "حَضَارَة", أَخْلَاقِيَّة кабилар "капитализм", "социлаизм", "коммунизм", "реакция", "объективлик", "субъективлик", "цивилизация", "ахлоқ" каби сўзлар билдирган тушунчаларнинг ифодаси ўлароқ юзага келди.

"Пароход" – "باخِرَة", "герб" - "شِعَار", "модемуазел" - "آنِسَة", "ресторан" - "مَطْعَم", "конгресс" – "مُؤْتَمَر", "фожеа" – "مَأْسَاة" каби сўзлар ҳам юқоридаги турлардандир. Шунингдек техник революция сабабли кириб келган янги тушунчаларни калка қилиш орқали, таржима қилиш ёки қилмасдан ёки иқтибос қилиш учун 1892-йилдан буён фаолият кўрсатаётган Қоҳира Академияси бу борада сезиларли натижага эришмади. Ҳаёт эса ўз оқимида давом этмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Замонавий араб адабий сўзлигининг шаклланиш босқичларини айтинг.
2. Араб сўзлигининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Қадимий лексиканинг хусусияатлари ҳақида нима биласиз?

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М.– Арабская лесикология. –М., 1975, –С.34-44.*
2. *Белкин Б.М - Формирование словарного состава в современном арабском литературном языке –М., 1965.*
3. *Крачковский И.Ю - Избранные сочинения. Т, 1 Из-во АН СССР, 1955, –С.48-50.*

ДАРС № 6.

СЎЗ ЯСАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ АРАБ АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Сўз ясаш – лексика соҳасидаги тил тараққиётининг асоси эканлиги, сўз ясашнинг ўзига хос бўлган "иштиқоқ" усули ҳақида, сўз ясаш тўғрисида Ал – Халилнинг асари моҳияти, Ибн – Жиннийнинг сўз ясаш соҳасида яратган "Ал – Хасоис" асари ҳақида, "Нахт" (кесиш) сўз ясаш усули, ўзак ва андоза, редубликация ҳодисаси, сўз ясашда "уя" усулининг ўрни ҳақида асосий тушунчалар бериш.*

Таянч иборалар: الاشتقاق العام, الإبدال اللغوي, الاشتقاق الكبير, субтитуция

Асосий саволлар:

1. *Сўз ясаш – лексика соҳасидаги тил тараққиётининг асосидир. Араб тилида сўз ясашнинг асосий услублари: морфологик ва лексико-семантик соҳаларига оид.*
2. *Сўзларнинг морфологик услубда ясалиши. Лексика билан грамматика ўртасидаги боғланиш.*
3. *Ўзак. Араб сўзларининг ўзагига ва таркибий андозасига кўра таснифи.*
4. *Сўз ясовчи андозалар.*

6.1. Сўз ясаш – лексика соҳасидаги тил тараққиётининг асосидир

Сўз ясаш деганда тилда мавжуд бўлган лексик ва грамматик элементларни бир-бирига қўшиш, мослаштириш орқали янги сўзларни ҳосил қилиш тушунилади. Бошқа сўзлардан уларнинг негизлари тузилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳосил қилинган сўзлар ҳосила сўзлар деб аталади. Уч ҳарфли ўзакли бўлган арабча янги ҳосила сўзларнинг кўпчилик қисми кенгайтирилган асосга, тўрт ҳарфли ўзаклилари эса содда асосга эга. Сўз ясалиш муносабатлари – бу грамматик эмас, балки лексик ҳодисадир. Араб тилида сўз ясаш "иштиқоқ" деб аталади. Араб тили бу борада энг сермаҳсул ва жаҳон тиллари ичида иштиқоқ қонуниятлари бойлиги нуқтаи назаридан барчасидан ажралиб туриши ажаб эмас.

"Ал-иштиқоқ" атамаси икки хил турли маънога эга бўлган. Биринчи ҳолда сўзнинг маъносини талқин қилиш, унинг келиб чиқишини аниқлаш, унинг сўз ўрни билан ягона ўзак орқали бирлаштирилган

генетик алоқаларни аниқлаш мақсадларида сўзнинг ўзак асосини аниқлаш назарда тутилган. Мазкур терминнинг кейинчалик бошқа маънода қўлланилиши эса тўғридан-тўғри янги лексик маъноли янги сўзларни ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлиб, *"сўзнинг иккинчи бир сўздан сўз ясовчи ва ҳосиланинг ўртасидаги шакл ва маъно жиҳатдан алоқаларини сақлаб қолган ҳолда ясалишини англатган"*. Биринчи марта Ибн Жинний асарида берилган ушбу кенг таъриф сўз ясалишининг тўрт турини белгилаш учун назарий асос сифатида хизмат қилади.

6.2. Сўз ясашнинг асосий услублари: морфологик ва лексико-семантик

Улардан биринчиси сўз ясаш "الاشتقاق العام" деб ҳам номланадиган, кичик ва содда сўз ясаш "الاشتقاق الصغير" бўлиб, у бир сўзнинг иккинчи бир сўздан сўзларнинг шакл ва маънолари ўртасидаги алоқаларини, туб ундош ҳарфларнинг ўхшашлиги ва уларнинг жойлашиш тартибини сақлаб қолган ҳолда ўзгартириш сифатида тушунилган.

Иккинчи тури лексик субтитуция (яъни биринчи товушни бошқа товуш билан алмаштириш – бу кўпроқ ўзлаштирилган сўзларда учрайди)"الابدال اللغوي" деб ҳам юритиладиган катта сўз ясаш الاشتقاق الكبير усулидан фойдаланилган ҳолда ясалган сўзлар. Бу турга бошқа сўзлардан ўзгармас ундошлари ўхшаш бўлган туб негиздош ундошларнинг бирини алмаштириш йўли билан ясалган сўзлар киради. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳолда товуш шакли ва маъно жиҳатидан бир-бирига яқин жуфт сўзлар ўзаро алоқадор деб талқин этилади. Масалан: مدح – مده – "мақтамоқ", ختر – ختل – "алдамоқ", سرب – زرب – "оқмоқ" (сув ҳақида), "оқиб кетмоқ", هشب – حشب – "(нарсаларни) йиғмоқ", سفح – سفك – "қуймоқ (суюқликни)", فلج – فلق – "ёрмоқ", جدث – جدف – "қабр", "гўр". Ибн Жинний ўзининг "كتاب الإبدال" асарида мазкур назарияни фонетик жиҳатдан асослаб берган.

Учинчи тур – янада каттароқ сўз ясаш "الاشتقاق الأكبر" усули орқали ҳосил бўлган сўзлар, ёки бошқача қилиб айтганда, лексик метатезалар القلب اللغوي яъни бир сўзни иккинчи сўзнинг туб негизи таркибига киритувчи ундошлар ўрнининг таркибини ўзгартириш билан шарҳланади. Бунда ҳарфлар ва маъноларнинг ўхшашлиги сақлаб қолинади. Ушбу тур Ал-Ҳалилнинг "كتاب العين" луғатида алоҳида кўрсатилган. مدح – حمد – "мақтамоқ", غرب – غبر – "кетмоқ", يئس – أيس – "умидсизланмоқ", سكب – سبك – "қуймоқ", زعبق – بعزق – "сочмоқ", بضع – بعض – "маълум миқдор". Биринчи марта Ибн Жинний ўзининг "ал-Ҳасоис" асарида 3 ёки 4 ундошни уларнинг жойлашиш тартибидан қатъий назар териш орқали ҳосил қилинган сўзларнинг маъноларида умумийлик бўлиши мумкин эканлигини таъкидлаган эди. Масалан

جبر، نجد ўзакларининг иштирокида ҳосил қилинган ҳар қандай бирикма (ҳар қандай 3 ҳарфли ўзак ҳарфларининг ўрнини 6 хил кўринишда алмаштириш имконини беради) куч-қудрат тушунчасини берса, قول нинг вариантлари эса иккита "тезкорроқ" ва ҳаракатчанлик" маъноларини англатади ва ҳоказо. Мазкур фикрни исботлаш учун ўхшаш маънолари ажратиб кўрсатилиши мумкин бўлган тегишли ўзакка эга бўлган алоҳида сўзлардан фойдаланилган. Метатезанинг сўз ясовчилардан биттаси сифатида кўрсатилиши ҳар бир ҳарф (товуш)нинг алоҳида маънога эга эканлиги ҳақидаги маълумотига асосланади, ундошларнинг ўрнини туб ўзак доирасида алмаштириш мазкур бирликларнинг умумий маъносининг ўзгаришига олиб келмаслиги ҳақидаги қоиданинг асосида ҳам шу фикр ётади. Бундан анча вақт олдин луғатшунос Ал-Ҳалил метатезадан "كتاب العين" асарида сўзларни *уялаштириш* учун юзаки усул сифатида фойдаланган эди.

Ва ниҳоят тўртинчи тур – энг катта сўз ясаш الاشتقاق الكبير ёки бошқача қилиб айтганда "النحت" – "кесиш" тури икки ва ундан ортик сўзлардан янги сўз ясашдан иборат, бунда ҳар бир сўз ясовчи бирикмалардан битта ёки ундан ортиқ ҳарф "кесилади", қолганлари эса ўзаро бирлашиб, тилда мавжуд бўлган андозаларга мувофиқ равишда вокализацияланган битта сўзни ташкил этадилар. Мазкур назариянинг изчил тарафдори Ибн Форис 4 ҳарфдан кўпроқ ўзакдан ҳосил қилинган сўзлар 2 та 3 ҳарфли ўзакнинг бирлашиши орқали ҳосил қилинади, деб таъкидлаган ва "مقاييس اللغة" асарида, унинг фикрига кўра 2 уч ҳарфли сўзлардан ҳосил қилинган 4 ҳарфдан иборат ўзакли сўзлардан 300 тага яқинини мисол қилиб келтиради. У масалан, қуйидаги دحرج – "думалатмоқ" феълини دحر – "итармоқ" ва جرى – "югурмоқ" феълларига, هرول – "шошилмоқ" феълини هرب – "қочмоқ" ва ولّى – "айлантирмоқ, бурмоқ" феълларига, صهصلق – "ўткир", "баланд" (овоз ҳақида)ни صهل – "кучли овоз" ва صلق – "баланд овоз" сўзига киёслайди.

Замонавий муаллифнинг фикрича, Ибн Форис ўзининг 4 ва 5 ҳарфли арабча ўзакларнинг таркибий хусусиятлари ҳақидаги назариясини хорижий (мазкур ўринда форсча) сўз ясаш қоидаларининг таъсири остида яратилган деб тахмин қилади. "Нахт" қоидасини биринчи бўлиб мисрлик тилшунос Абдуллоҳ Аминнинг ҳозирги замонавий асарларида кенг шарҳлаган.

Ўзак ва андоза тилнинг фақат мустақил бирлик – сўзнинг таркибидагина мавжуд бўлган маълум маънога эга, лексик мустақил бўлмаган тил бирикмаларидан иборат ва улар бир вақтнинг ўзида (сўз ясовчи суффиксларни ҳисобга олмаганда) сўз негизи морфологик бўлакларнинг кам маънога эга бўлган бирликлари ҳисобланади. Ўзакнинг тури, ундаги туб бирикмаларнинг сони сўз ясаш андозасининг турини

белгилаб беради. Қадимий сўзлар ўзининг таркибида 5 тадан ортиқ бўлмаган туб ундошларни ўз ичига олган. Уларнинг бу хусусияти энг кадимги араб грамматиклари томонидан қайд этилган. Улардан 3 ҳарфли ўзаклар, андозаларнинг энг кўп сонли андозалари турларга бўлинган. 4 ҳарфли андозалар сон жиҳатдан кам бўлиб, бунда улардан баъзилари 3 ҳарфли ўзакка эга бўлган кенгайтирилган негизлар учун хос бўлган типлари вариантлашади. Феъл ва исмларнинг кўпчилик қисми 3 ҳарфли, озроқ қисми эса 4 ҳарфли ўзакка эга. Бундан ташқари, исмлар 5 ҳарфли ва айрим ҳоллардагина 2 ҳарфли ўзакка эга бўлишлари мумкин. Юкламалар учун 1 ва 2 ҳарфли ўзаклар характерлидир. Ҳақиқий маъноли ўзак ва андозаларга эга бўлмаган юкламалар أب – "ота", يد – "қўл", سنة – "йил", ابن – "ўғил", أخت – "опа" ва бошқалар шу каби 2 ҳарфли отлар ҳамда морфологик жиҳатдан ишлов берилмаган ўзлаштирма сўзлар андозалаштириш тизимидан ташқари туради.

6.3. Ўзак ҳақида маълумот

Ўзак сўзнинг ашёвий, яъни нограмматик маъноси уларга боғлиқ бўлган ундошлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Синхронлик (яъни бир вақтнинг ўзида) жиҳатидан у сўзнинг таркибига кирувчи морфологик бўлакларнинг бўлинмас қолдиғи ҳисобланади. Бироқ тарихий-этимологик нуқтаи назаридан қараганда ўзакларнинг кўпчилиги таҳлил этилиши, уларнинг таркибий бирликлари алоҳида маънога эга бўлган элементларга ажратилиши мумкин. Бунда сўзларнинг икки ҳарфли уя (ячейка)ларга ажратилиши диққатга сазовор ҳолдир. Кўпчилик сўзлардаги (одатда, содда негизли феъллардаги) иккита дастлабки туб ҳарфларнинг ўхшашлиги, қандайдир умумий семантик белгининг мавжудлиги билан характерланади. Масалан, анча кенг қўлланувчи феъллар таркибига кирувчи نب уяси асосида ясалган сўзлар умуман ниманингдир ичидан юқорига ёки ташқарига содир этилган ҳаракат маъносини англатади. Масалан: نبأ – "кўтарилмоқ, баландлашмоқ, ошмоқ", نبت – "ўсмоқ", نبس – "ташлаб юбормоқ", نبج – "ташқарига чиқмоқ", نبخ – "кўтарилмоқ (хамир ҳақида)", نبر – "улғаймоқ", نبض – "уриб турмоқ (юрак ҳақида)". فر (фр) (ҳар тарафга қараб содир этилган ҳаракатни англатади) уясидан ҳосил қилинган сўзлар. Масалан: فرج – "ёрмоқ, майдаламоқ, парчаламоқ", فرد – "ажратмоқ", فرس – "ғажиб ташламоқ, бурда-бурда қилмоқ", فرك – "майдаламоқ, суркамоқ, уқаламоқ", فرم – "майдаламоқ, бурдаламоқ" каби маъноларини англатса, шунга ўхшаш قت уясидан ясалган сўзлар "кесмоқ, киркмоқ, узмоқ, йиртмоқ", قل уяси ёрдамида ясалган сўзлар эса "кесиб ажратмоқ ёки бўлмоқ" маъноларини англатса, فخ уяси эса "эсмоқ, эсиб турмоқ" маъноларини ифодалайди.

Мазкур масалани ўрганиш билан шуғулланаётган мутахассисларнинг кўпчилиги, шу жумладан Европа сомийшунос (семитолог)лари *бундай уяларнинг негизида товушга тақлид қилиш хусусияти ётади, бунда учинчи ундош махсуслаштирувчи, "суффикслаштирувчи" ҳисобланади,* деб таъкидлайдилар. Бошқа сомий тиллар томонидан тасдиқланган мазкур материал бир тарафдан арабча сўзлар тарихий келиб чиқиш жиҳатдан дастлаб икки ҳарфлиликка асосланганлиги ҳақида хулоса чиқаришга, иккинчи тарафдан эса, кўп сонли араб лексикаси ичидан анча миқдордаги товушга тақлидан яратилган лексикани ажратиб кўрсатиш имконини беради. Тилнинг пайдо бўлиши ва унинг илк ривожланиш босқичи ҳақидаги масалани бир тарафга қўйиб туриб, араб тилшунослигида ўта изчиллик билан яратилган тақлидий сўз назариясини эътироф этмоқ лозим. Айнан битта ёпиқ бўғиндан иборат бўлган икки ҳарфли уя негизида (уяни ташкил қилувчи ундошлардан иккинчисини иккилантириш оркали), икки ҳарфли феълларнинг ва (икки ҳарфли уяни редубликация – такрорлаш йўли билан) умум томонидан тақлидий сўз ясаш хусусиятига эга деб эътироф этилган 4 ҳарфли феъллар деб аталмиш бирликларнинг ҳосил қилинганлигига шак-шубҳа йўқ. Араб тилшуносларининг кўпчилиги "кесмоқ", "қирқмоқ", "синдирмоқ", "бурдаламоқ" қаби маъноларни англатувчи иккилантирилган ўзакли قتّ – "кесмоқ", قطّ – "қирқмоқ", قدّ – "узмоқ, йиртмоқ", قظّ – "узиб ташламоқ, йиртиб ташламоқ", جذّ – "кесиб ташламоқ", جزّ – "қирқмоқ", هرّ – "шилдирамоқ (сув ҳақида), хуррак отмоқ", رنّ – "жаранглламоқ", غطّ – "қаттиқ хуррак отмоқ", صرّ – "ғижирламоқ" каби феъллар тақлидий сўз ясаш учун хизмат қилувчи негизга эга деб ҳисоблашга мойилдир.

Икки ҳарфли уяни товушга тақлидан иккилантириш орқали ҳосил қилинган 4 ҳарфли феъллар тақлидий лексика орасида муҳим ўрин тутади: قهقه ва هاها – "ҳаддан ошиқ кулмоқ, қаҳқаҳа отмоқ", زقزق – "ҳар замонда сайраб қўймоқ" (қуш ҳақида)", تمتم – "минғилламоқ, ғулдирамоқ", تهته – "дудуқланмоқ (ҳижолатчиликдан)", نحنح – "томоқ қириб йўталмоқ", قرقر ва كركر "ирилламоқ (ит ҳақида)", قعقع – "жаранглламоқ, данғилламоқ", زعزع – "тебратмоқ, пирпиратмоқ, ҳилпиратмоқ", قلقل – "силкитмоқ, титратмоқ, қалтиратмоқ, ликиллатмоқ". Шунингдек ҳайвонот оламидаги баъзи бир вакилларининг номлари ҳам ўзларининг товушларига тақлид қилиш асосида ҳосил қилинган ҳисобланади. Юқоридаги феъллардан фарқли ўлароқ қуйида зикр этилган редубликация қоидасига асосан ясалган қушлар ва ҳашоротларнинг номлари ҳам мавжуд. Масалан: وطواط – "кўршапалак", وروار – "буздоқ (кичикроқ қуш)", زرزورّ – "чуғурчуқ", زيز – "ниначи" ва бошқалар шулар жумласидан.

Юқорида кўрсатилган икки усул ёрдамида ҳосил қилинган икки ҳарфли уядан иборат тақлидий сўзлар кўп ҳолларда иккинчи нусхаларига эга бўладилар. Бунда 4 ҳарфли феъллардаги такрорланиш фаоллигининг бир марталик эмас, балки такрорланиш хусусиятига эга эканлигини билдириши мумкин. Таққосланг: صل ва صلصل – "жаранглламоқ, жирингламоқ", خرَّ ва خرخرَ "хуррак отмоқ" نسَّ ва نسنسَ – "дарз кетганда тарсилламоқ", جر ва جرجرَ "тортмоқ, судрамоқ".

Замонавий араб муаллифлари турли товуш ҳодисаларини англатувчи уч ҳарфли ўзакка эга бўлган сўзларнинг кўпчилигини тақлидий сўзлар қаторига киритадилар. Қуйидаги мисолларда феъл ва масдар шакллари берилган. Бунда масдарнинг оҳангида товушларни ҳаётийроқ ифодаланиши кўзга ташланади. زفر–زفير – "огир хўрсинмоқ", شهق–شهيق – "ҳикиллаб йиғламоқ", صرخ–صراخ – "қичқирмоқ", زعق–زعيق – "додламоқ", سعل–سعال – "йўталмоқ", عطس–عطاس – "акса урмоқ", زئر–زأر – "бўкирмоқ (шеър ҳақида)", صهل–صهيل – "кишнамоқ (от ҳақида)", نهق–نهيق – "ҳанграмоқ", خار–خوار – "маърамоқ (сигир ҳақида)", ثغا–ثغاء – "маърамоқ (қўй ҳақида)", ماء–مواء – "миёвламоқ", نبح–نباح – "вовулламоқ, акилламоқ (ит ҳақида)", هدل–هديل – "ғурилламоқ (каптар ҳақида)", هزم–هزيم – "ғулдирамоқ (момакалдироқ ҳақида).

Бироқ тақлидий сўзларнинг рўйхати товуш билан боғлиқ бўлмаган ҳодисаларни англатувчи сўзлар ҳисобига узайиб бораётган ҳоллар ҳам қам эмас. Масалан: شَرِبَ–شُرْبٌ – "ичмоқ", نَجِسَ–نَجْسٌ – "яламоқ", بَصَقَ–بَصْقٌ – "тупурмоқ", نَفَقَ–نَفْقٌ – "пуфламоқ", صَفَحَ–صَفْحٌ – "тарсаки туширмоқ", لَطَمَ–لَطْمٌ – "тапиллатиб уриб қўймоқ".

Кўпчилик замонавий араб тилшуносларининг ишларида тақлид сўзларига оид назарий масала муҳим ўрин тутади. Бунда мазкур назария алоҳида муаллифлар (М.Муборак, С.Солиҳ ва бошқалар)нинг асарларида араб лугатининг асосий қисмига боғлиқ ҳолда талқин қилинади.

Ўзак соф семантик қийматдир. Унинг аниқ семантик материали у таркибига кирувчи сўзларнинг маънавий миқдорига боғланмаган ҳолда мавжуд бўлади. Ўзакнинг умумийлиги одатда унинг таркибига кирган сўзларнинг келиб чиқиш бирлигининг ва маънавий бирлигининг белгиси ҳисобланади. Араб луғатида муайян бир ўзак асосида ҳосил қилинган сўзларнинг изчиллик билан ва яхши ташкил этилган семантик қаторлари мавжуд эканлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан: شرك ўзакли каторни таққосланг: شَرِكَ – "иштирокчи бўлмоқ, شارَكَ – "нимададир ўзи иштирок этмоқ", شِرْكٌ – "иштирок", شِرْكَةٌ – "ҳамжамият", شريك – "барча иштирок этувчи, шерик". Шунингдек, ضرب، نزل، قطع، سمع، ذكر، فهم ва бошқа ўзаклар мисолида ўзакнинг лексикадаги роли изчиллик билан тадқиқ этилган. Бироқ муайян бир тартибдаги ўзакнинг ўзи биттадан ортиқ маънолар гуруҳига эга

бўлиши ҳам мумкин. Масалан, سعر ўзаги иккита маънолар гуруҳига эга. Улардан бири “олов”, “аланга”га алоқадор. سعير (سعر، سعَّر، أسعر) “олов, гулҳан ёқмоқ”, استعر، تسعر – “ёнмоқ”, سعار – سُعْرٌ – “иссиқ ҳаракат”, مِسْعَرٌ – “қасддан ўт қўйган одам” бошқа бир ўзак нархларга алоқадор маънолар гуруҳига эгадир.

6.4. Араб сўзларининг ўзаги ва таркибига кўра таснифи ва “уя” услуби

Ҳақиқатан, араб тили кўп жиҳатлардан барча шу фалсафий тил ихлосмандларини ҳайратга солиб, қойил қолдириб келади. Айниқса, янги сўзлар усуллари бетакрор гўзал ва мантиқан бойдир. Дунёнинг бирор миллат тилида бундай ёқимли ва ўзига ярашиқли хусусиятни тополмайсиз .Қаран-ки, араб тилининг баъзи феъллари бошланган икки ҳарфига қараб унинг қандай маъно англатишини билиб оласиз. Бунда ана шу икки ҳарфга – “уя”га учинчи бўлиб қўшилган ҳарфлар янги шакл ҳосил қилса-да, феълнинг шакли ўзгаришига қарамай, ўзининг бирламчи маъносидан узоққа кетмайди. Феълнинг мазкур хусусияти талабаларга феълларни (сўзларни) тез ёдлаб олишларига ва кейинчалик уларни эслашларига катта ёрдам беради. Бунинг сири – аввал икки ҳарфлардан иборат бўлган “уя”нинг маъносини, кейин эса, шу “асос”га кўпинча қўшиладиган учинчи ҳарфларни эслаб қолишдир.

Узоқ йиллик муаллимлик тажрибамиз қуйидагиларни мулоҳаза сифатида келтиришни тақозо этади. Уламолардан “Араб тилини ким яхши билади?” деб сўрашганда, улар: “араб тилини фақат пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) мукаммал билганлар, - деб жавоб бериш тўғри бўлади” - деганлар.

Тажрибали ҳар бир араб тили устозлари мазкур лаззатли тилнинг у ёки бу муаммоли томонларига ўзларининг шахсий фикр – мулоҳазаларини билдирадилар. Тўғрида, кўп йиллик педагогик тажриба соҳиби бўла туриб, араб сарфи ва наҳви ҳақида ўз мустақил фикрларига эга бўлмаслик, уятда. Кўп устозлар қатори биз ҳам араб тили грамматикасига доир мураккаб мунозарали, лекин ёқимли бўлган масалалар ҳақида кўп ўйлаймиз, фикр юритамиз. Барибир у ёки бу муаммоли масалалар хусусида бирор илкис фикр айтишга ботина олмайсан, киши. Шундай бўлсада, биз ҳеч қайси адабиётда кўрмаган ва ўқимаган бир масала ҳақида фикр юритмоқчимиз. Гап бу ерда юқорида айтилган араб тилидаги “уя”ларнинг бой имкониятлари чексиз эканлиги ҳақида кетаяпти. Шунга асосан араб тилидаги баъзи феъллар бир хил ҳарф билан бошланиб, бир-бирига яқин маъноларни англатади. Бинобарин, س ҳарфи билан бошланган баъзи феъллар оқмоқ, ичмоқ,

қуймоқ, ютмоқ, яъни сув ва суюқлик билан боғлик иш - ҳаракат маъноларини англатади.

Оқмоқ, оқиб ўтмоқ سَالَ (и)

Ариқча, сув йўли سَيْلٌ

Оқмоқ, (ёмғир) سَابَ (и)

Оқмоқ, қуймоқ سَحَّ (у)

Оқмоқ, оқиб ўтмоқ سَحْسَحَ

Оқмоқ (қон) (и) سَرَي

Оқмоқ, оқиб ўтмоқ, сувни очиб юбормоқ سَرَبَ (а)

Ютмоқ, ютиб юбормоқ سَرَطَ (а)

Арақ ичмоқ, маст бўлмоқ سَكِرَ (а)

Осон ютмоқ, ёқимли бўлмоқ (ичимлик) سَاغَ (у)

Қуймоқ سَكَبَ (у)

Ирмоқ, жилға سَاعِدَةٌ

Ичирмоқ, суғормоқ سَقَي (и)

Оқова сувлар سَرَابٌ

Шунингдек, қуйидаги ص ҳарфи билан бошланган сўзлар ҳам айни шундай маъноларни билдиради.

Қуймоқ صَبَّ (у)

Сувсамоқ صَدِيَ

Ташна صَدْيَانُ

Сувга туширмоқ صَقَّي (а)

Покланмоқ تَصَقَّي

Покиза, покланган مُصَقَّي

Совунламоқ صَوْبَنَ

Шу қаторда араб тилидаги учунчи ث билан бошланган қуйидаги сўзлар ҳам хўл бўлмоқ, қор ёғмоқ, маст бўлмоқ маъноларини англатади:

Ҳўл бўлмоқ ثَرِيَ (а)

Қор ёғмоқ ثَلَجَ (у)

(Музлатилган) салқин ичимликлар مُثَلَّجَاتٌ

Арақ ичмоқ, маст бўлмоқ ثَمِلَ (а)

Маст ثَمِلٌ=سَكرَانُ

Изланишларимиз натижасида ўзбек тилидаги сув ва суюқлик билан боғлиқ маънодаги сўз ва феъллар ҳам С ҳарфи билан бошланганлиги аниқ бўлди. Масалан: Сепмоқ, симирмоқ, сочмоқ, соғмоқ, сузмоқ, соқий бўлмоқ, сачратмоқ, сувсамоқ каби феъллар, сув, сувлоқ (сувли жой), сут, сел каби сўзлар шулар жумласидандир.

Назорат учун саволлар:

1. Сўз ясаш – лексика соҳасидаги тил тараққиётининг асоси.
2. Сўз ясашнинг асосий услублари: морфологик ва лексико-семантик.
3. Ўзак ҳақида маълумот.
4. Араб сўзларининг ўзаги ва таркибига кўра таснифи. Сўз ясаш тизимида феълнинг ўрни.

Адабиётлар

1. *Ахманова О.С. О фонетических и морфологических вариантах слова. –М., Изд-ва. АН СССР.1956.*
2. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975. –С.25-33.*
3. *Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно-историческом освещении. –М., 1963. –С.10.*
4. *ابن جني أبو الفتح "الخصائص" القاهرة 1956*

ДАРС № 7.

СЎЗ ЯСАШ ТИЗИМИДА ФЕЪЛНИНГ ЎРНИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Феъл бобларининг семантикаси, тўғри ва мажҳул феъллар, каузативлик, конативлик, масдарлар, "исмул - марра" – яъни бир марталик отлар, маъноларнинг кенгайиши ва торайиши ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш.*

Таянч иборалар: Семантика, ўтимли ва ўтимсизлик, феълнинг ички деревантлиги, деноменативлар, конативлар, маънолар умумийлиги, феъллардан ясалган деревантлар.

Асосий саволлар:

1. *Ҳозирги-келаси замон феъли ўрта ҳарфи ҳаракатининг аҳамияти нимада?*
2. *Феълнинг ички ва ташқи дериваңияларининг фарқи нимада?*
3. *Семантика нуқтаи назаридан феъл бобларининг таснифи.*
4. *Иш-ҳаракат номи. Феъл ҳосила бобларининг моделлари.*

7.1. Феъл бобларининг семантикаси

Араб феъллари ўзига хос тизимни ташкил этади. Бу хусусияти унинг морфологик категорияси ва маъноларининг ўзига ҳослигида кўринади. Содда уч ҳарфли феълларнинг (I боб) семантикаси унинг ўтган замон шаклидаги ўрта ҳарфнинг ҳаракати билан боғлиқдир. Шунга кўра ўрта ҳарфнинг ҳаракати фатҳа "а" бўлса, ташқи иш - ҳаракатни, "ضرب" – урмоқ, "ذهب" – бормоқ, маъноларини англатиши, ўтимли ёки ўтимсиз бўлиши мумкин. Агар "и" касра унлиси билан келган бўлса, бундай феъллар ўтимли, вақтинчалик ёҳуд тасодифий ҳолат ҳамда сифатини англатади. "مرض" – касал бўлмоқ, оғримоқ, "فهم" – тушунмоқ феъллари каби ўтимли ёки ўтимсиз бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, "у" дамма унлиси билан келган феъллар доимийлик ёки узоқ ҳолатни ва доим ўтимсизликни англатади: "كبر" – катта бўлмоқ, "حسن" - яхши бўлмоқ. Араб тилидаги сифатларнинг кўпи шундай шаклдаги феъллардан ясалади.

Агар феълдан ясалган сўзлар ҳақида гап кетадиган бўлса, бу ерда феъллардан ички деревация (феъллардан феъл ясаш) ёки феълдан ташқари деревация йўли (феъл бўлмаган сўзлардан феъл ясаш) бунда неологизм (янги сўз) феъллар орасида деноменативлар (отдан феъл ясаш) катта аҳамиятга эгадир. Феълнинг ўзагидан феъл ясалганда, яъни ҳосила бобларида I, II, IV боблар ўтимлиликни, V боб II бобга нисбатан мажҳулликни, ўзликни VII, VIII, IX боб мажҳулликни, III,

VI боб ўзаро муносабат маъноларини англатади. Янги феълларни амалда вазнлар асосида ясаш ихтиёрий эмас, луғатларда ҳар бир бобнинг асосий ва иккиламчи маънолари мавжуд. Араб тилидаги феъллардан сўз ясаш тизимида иккита бир - бирига қарама – қарши томон мавжуд бўлиб, улардан бири иш - ҳаракатни ўзи учун бажариш (ўзлик) ва бирор объектга қаратиш ёки иш - ҳаракатни ўша объектнинг ўзи бажаришини (мажҳуллик) маъноларини билдиради. Ўзликнинг морфологик кўрсаткичи "ت" элементидир. Феъл асосларини ташкил этувчи интенсив ва экстенсив томонлари бўлиб, улар иш-ҳаракатни кучайтириш ҳамда такроран содир бўлишини, иш – ҳаракатни ўзаро бажариш маъноларини англатади. Иш-ҳаракатни кучайтириш, такроран бажариш ёки узоқ давом этиш хусусияти иккинчи бобга тегишли. V боб II бобдан ясалиб, худди II боб хусусиятини тўлиқ қабул килган, лекин бу хусусиятлар ўзи учун бажариши, амалга ошириши маъноларини англатади.

Конативлик (ўзаро муносабат) хусусияти III бобга хосдир. "طارد" – изма-из қувмоқ ("طرد" – "ҳайдамоқ"дан). Шунингдек, мазкур бобга субъектнинг объектга муносабатида объектнинг қандайдир хусусияти намоён бўлади. М: "لاطف" – яхши муносабатда бўлмоқ (ким биландир).

Агар феъл боблари таркибида "إستـ/انـ/تـ" префикслари бўлмаса, улар мажҳулликни англатмайди ва тўғри феъллар дейилади. Агар феъл боблари юқоридаги префикслар ёрдамида ясалган бўлса, бундай феъллар мажҳул (ўзлик) феъллар дейилади.

Тўғри	فَعَلَ
	فَعَّلَ
	فَاعَلَ
	أَفْعَلَ
Мажҳул (ўзлик)	تَفَعَّلَ
	تَفَاعَلَ
	إِنْفَعَلَ
	إِفْتَعَلَ
	إِفْعَلَّ
	إِسْتَفْعَلَ

Каузативлик (мажбурлаш) маъноларини IV ва II боблар англатади. Нокаузативлик субъектнинг обьектни бирор иш-ҳаракатини бажаришга

ундаш ёки уни феъл англатган ҳолатга киришида кўринади: "أجلس" – ўтқазмоқ ("جلس" – "ўтирмоқ"дан), "أسكت" – жим қилмоқ ("سكت" – "жим бўлмоқ"дан). II бобнинг мажбурлаш маъноси унча кўп бўлмасада бор: "علّم" – ўқитмоқ (кимнидир), "عَلِمَ" – билмоқ (ниманидир).

Ўзлик мажҳуллик маъноларини англатган феъллар ташқаридан қилинган таъсирдан эмас, балки иш-ҳаракатни предметнинг ўзи бажараётганини англатади. (ўзбек тилидаги "эшик очилди" каби). "إنفتح" – очилмоқ. Қайтувчи ўгимсизлик маъноларини бирданига, ташқаридан бировнинг таъсирисиз бўладиган иш-ҳаракатни англатади. "إنفعل" VII боб, V боб "تفعّل", VI боб "تفاعل", ва X боб "إستفعل" .

Ўтимсиз қайтувчи (ўзига) феълларда иш – ҳаракатни субьектнинг ўзи учун амалга оширади. М: "إفتتح" – очмоқ, "إقتطع" – ўзи учун бўлиб олмоқ.

Бу хусусият V, VI, VIII, X бобларга хосдир.

Отлардан феъл ясаш хусусияти II, IV, X бобларга тегишли. М: "عرّب" – араблаштирмоқ ("ألعرب" – "араблар" дан), "أبحر" – денгиз томонга бормоқ ("بحر" – "денгиз" сўзидан), "أمصر" – мисрга бормоқ ("مصر" – "Миср" сўзидан), إستحجر (حجر - "тош" сўзидан) тошга айланмоқ.

7.2. Грамматик феълий дереватлар. Масдар

Феъллар билан бир қаторда грамматик хусусиятга эга дереватлар ҳам бор. Масдар, сифатдошнинг аниқ ва мажҳул даражаси, сифатлар, бир марталикни англатувчи отлар, жой ва пайт номлари, қурол номлари. Масдар - ҳаракат номи, бу иш – ҳаракатнинг абстракт номи ёки иш – ҳаракатнинг ўзини ёки иш – ҳаракатнинг ҳолатини англатади. Аслини олганда, феълнинг бу исмий эквиваленти феъл каби бошқариш хусусиятини қабул қилиб олган, лекин у исмдан сифат ва сон категориясининг йўқлиги билан фарқланади.

Масдарлар ясалиши қатъий морфологик аналогия ҳодисасига бориб тақалади. Ҳаракатни англатувчи "فعل" қолипига тушувчи феъллардан " دخول" кириш"فعول" вазни бўйича масдар ясалади. Овозни, шовқинни англатувчи феъллардан "صفير"- чинқириш, шувуллаш сўзлари "فعيل" вазнига асосан масдар ясалади. Иш-ҳаракатнинг такрорланиб турилишини англатувчи феъллардан "فعلان" – "طيران" учиш каби сўз ясалади. Араб масдарлари муайян иш-ҳаракатни бажарилганлиги ва унинг натижасини англатади. Масдар семантикасининг кенгайишига қуйидаги мисолларни кўрсатиш мумкин: "جمع" – тўпланиш, йиғилиш, "شحن" – юклаш, юк, "جراحة" – жарроҳликни амалга ошириш, операция қилиш.

Шунга ўхшаш ҳолатлар кенгайтирилган асослардан ҳосил бўлган масдарларда ҳам кузатиш мумкин. Проект – лойиҳа –"تصميم", портлаш – "إنفجار".

Феълдан от ясалишининг кўрсаткичи қуйидагилар:

Морфологияда - кўплик сон шаклларининг ясалиши, синтаксисда бундай формаларнинг эркин қўлланиши, феълий бошқарувнинг йўқлиги, обьект субьект муносабатлари ўзгариши билан характерланади. Юқоридаги мисолларда абстракт маънолардан конкрет (аниқ) маъноларга ўтиш ҳодисаси ҳеч қандай ташқи морфологик ўзгаришсиз пайдо бўляпти. Масдар англатган бир марталик отларда (إسم المرة) ўзига хос морфологик шаклнинг мавжудлиги умумийлик (мавҳумлик) дан конкрет маънога ўтишига олиб келади. Қоидага кўра унинг ясалиши аниқ маъноларни англатувчи бир қатор масдарлар билан чегараланган: "رقصة" – рақс, "قفزة" – сакраш, "تعذيبة" – азоблаш, қийнаш, "تظاهرة" – намойиш ва бошқалар. Бундай шакллар масдарга "ة" – "та"марбута суффиксини қўшиш билан ясалади.

Назорат учун саволлар:

1. Араб феълларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. Феъллар ҳаракатларининг аҳамияти нимада?
3. Феъл боблари ҳосилаларининг аҳамияти тўғрисида гапиринг.
4. Қандай феъллар тўғри ва нотўғри феъл дейилади?
5. Каузативликнинг маъноси нима?
6. Грамматик феълий дереватлар нима?

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лексикология. –М., 1975, 98-108.*
2. *Крачковский И.Ю - Избранные сочинения. –Т.: 1 Из-во АН СССР, 1955.*
3. *Ковалёв А.А, Шарбатов П.Ш. Учебник арабского языка, –М., 1998.*
4. *عبد الرحمان السيوطى "المزهر فى علوم اللغة و أنوائها" القاهرة*
5. *Н.Д.Финкельберг "Курс теории перевода" –М.: Восток-Запад 2007.*

ДАРС № 8.

ФЕЪЛ ВА ОТЛАРДАН ЯСАЛГАН ҲОСИЛАЛАР

Дарснинг ўқув мақсади: *Иш-ҳаракатни бажарувчи ва бажарилганлигини англатувчи сифатдошлар, сифат ва сифатдошларнинг субстантивация қилиниши, асбоб-ускуналар номларининг ясалиши, иккилик ва кўплик шакллари, "Нахт" сўз ясаш усуллари ҳақида маълумот бериш.*

Таянч иборалар: Сифат ва сифатдошларнинг субстантивацияси (отлашуви), адеъктивация, отдан ясалган исмлар, сўз ясовчи суффикслар, лексикалаштириш.

Асосий саволлар:

1. *Сифатдошларнинг аниқ ва мажҳул даражаларининг хусусиятлари;*
2. *Аслий сифатларнинг характеристикаси;*
3. *Субстантивация ва адъективация;*
4. *Қурол, ўрин ва пайт номлари;*
5. *Нисбий ва абстракт отлар;*
6. *Араб тилидаги сўз ясовчи суффикслар;*
7. *Сўз ибораларнинг лексиколизация қилиш;*
8. *Сўз ясашнинг "Нахт" (кесиш) усули.*

8.1. Сифатдош ва сифат гуруҳлари

Иш-ҳаракатни бажарувчи ва бажарилган (сифатдошнинг аниқ ва мажҳул даражалари) шакллари феълдан ясалган деревантлар сифатида ўзида қуйидаги учта асосни жамлайди:

1. Шахс ёки предметнинг иш-ҳаракатни амалга оширишдаги вақт тушунчаси.

2. Маълум иш-ҳаракатни амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган хусусиятларни англатиш.

3. Муайян иш-ҳаракатни амалга оширувчи шахс ёки предмет ҳақидаги тушунчани англатиш.

Шундай килиб, сифатдошнинг аниқ ва мажҳул даражалари - бир томондан, феълдан ясалган иш-ҳаракат тушунчасини англатувчи махсус шаклни билдирса, иккинчи томондан, иккита отлашган шакл бўлиб, у феълнинг сифатлари сақланган шакл орқали шахс ёки предметнинг хусусиятларини англатади.

Сифатдошнинг аниқ ва мажҳул даражалари ўзининг иккинчи маънода қўлланишида сифатлар сингари (гап бу ерда иккала сўзнинг

адеъктив функциясини адо этаётганлиги ҳақида кетаяпти) ёки отлашган исм сифатида ишлатилади. Бу айтилган фикрлар сифатга ўхшаган сўзларга ва нисбий сифатларга ҳам тааллуқлидир. Иккаласи синтактик вазифага кўра у гапнинг тобе (аниқловчи - сифат) бўлаги ёки синтактик конструкцияларда мустақил гап бўлаги (изоҳловчи) бўлиб келиши мумкин. Шунинг учун "كاتب" – сифатдош шакли уч хил грамматик контексда амалга оширилади: 1. Феъл шаклидаги "هو كاتب رسالة" хат ёзаяпти", 2. Сифат – аниқловчи сифатида "آلة كاتبة" -"ёзув машинкаси", 3. От каби "كاتب مشهور" -"машҳур ёзувчи". Лекин бу ерда алоҳида аниқлаб олиш лозимки, баъзи исмлар умуман от сифатида хизмат қилса, баъзилари от сифатида ҳам, сифат вазифасида ҳам келади. Аммо фақат сифат каби ишлатиладиган сўзлар йўқ. "فاعل" – вазнидаги бажарувчи маъносида келаётган сифатдош мунтазамлик, доимийлик маъносида келаётган "فعّال" – вазнидаги сўзга қараганда бетараф ҳисобланади.(**сифатдошлик вазифасида**). М: "زارع" – ишлов берувчи сифатдошини "هو زارع قطنا" – "У пахтага ишлов бераяпти" жумласида уни "زرّاع" – сўзи билан алмаштирилса, жумла "زرّاع قطنا" – шаклига ўзгаради. Бунда мазкур иш-ҳаракат субекти иш-ҳаракатнинг доимийлик, мунтазамлик маъноси тўхтатилади. Соф сифатдош иштирокидаги сингари бу сўзнинг иштироки ҳам иш-ҳаракат кучайтирилганлигини ёки хусусиятини англатаверади (**сифат вазифасида**) ёки мазкур иш билан шуғулланувчи киши ёки предметни англатиши мумкин (**соф от вазифасида**).

Араб тилида бунга ўхшаш ҳосилалар кўп: " باسم – "بسّام"-"بسم" – кулмоқ феълидан, "صائم - صوّام"- "صام" – рўза тутмоқ феълидан, " نائم - نوّام"-"نام" – ухламоқ феълидан, "لامع - لمّاع"- "لمع" – ялтирамоқ феълидан, " واضح - وضّاح"- "وضح " – аниқ бўлмоқ феълидан, "راقص - رقّاص"- " رقص " – "рақсга тушмоқ" феълидан. Иш-ҳаракатнинг фаоллигини англатувчи сифатдошнинг аниқ даражасига иш-ҳаракатнинг кўпинча эришилган натижасини англатувчи сифатдошнинг мажҳул даражаси қарама-қарши қўйилади. Сифатдошнинг мажҳул даражаси маъносини англатган "مفعول" – вазнига сўз ясовчи полисемияга ўхшаш "فعيل" вазни яқин қўйилади. М: "جريح - مجروح" – жароҳатланган, " - حبيس محبوس" – қўлга олинган, маҳбус.

Юқорида зикр этилган сифатлар иш-ҳаракатнинг бажарувчиси сингари келиб, у маъноси ва ясалиши жиҳатидан ўтимсиз феъллар гуруҳига кириб, вақтинчалик ва доимийлик ҳолатини англатади. Сифатларга ўхшаш шаклларнинг орасида "فعيل" вазни кўпроқ ишлатилади. М: "كبير" – катта, "كريم" – саҳий. Қолган шакллар орасида кўпинча "فعل" вазнидаги сифат кўпроқ қўлланилади.М: "حسن" – яхши;

"فرح" – хурсанд; "فعل" дан"سهل" – осон ва бошқалар. Сифатга ўхшаш сўзларга "فعلان" вазнидаги сўзлар киради. М: "شعبان" – тўқ, "جوعان" – оч, "سكران" – ичувчи. Кишининг жисмоний ёки руҳий ҳолатини билдиради ва улар сифатдош сингари баъзи сифатлар "فعّال", "فعال" вазнидан ясалиб, кучайтирувчи маънони англатади. М: " - كبار "كبير"-"كبّار" – катта. Мазкур қаторга "أفعل" - "فعلاء" қолипларида ясалган, ташқи хусусият ва сифатни англатувчи сифатлар ҳам тааллуқлидир. Улар орасида 1. Рангни англатувчи сифатлар ("أسود" – қора) ; 2. Киши ташқи кўринишидаги жисмоний камчиликларни англатувчи сифатлар ("أعور" – қийшиқ, "أصمّ" – кар.) бор.

Айтиб ўтилганидек, ҳар бир номланган шакллар субстантивация қилинган (отлашган) кўринишда келиши мумкин ва бунда отлашганлик хусусияти киши ёки предмет маъноси билан боғлиқ бўлади. Сифатдошнинг аниқ нисбати шахс бажараётган ишнинг турига мос номланади. М: "ناقد" – танқид қилувчи, "مغنّ" – қўшиқчи, ашулачи. Касб-кор номини англатувчи сўзлар "فعّال" вазни бўйича ясалади. "طبّاخ" – ошпаз, "خطّاط" - хаттот. Шахсни англатувчи сифатдошларнинг сони кўп эмас. Улар кишига юклатилган маъсул иш маъносини англатади. М: "مسؤول" – масъул шахс. Шунингдек, сифатлар қолипига ўхшаш (فعيل) колипидан ясалган "طبيب" – врач, "خبير" – мутахассис каби сўзлар ҳам бор. Кўпинча мажҳул даражадаги сифатдошларнинг ҳам отлашиш ҳодисаси кузатилади. М: "مشروب" – ичимлик, "مضمون" – мазмун.

8.2. Қурол номлари гуруҳи. Ўрин ва пайт номлари

Араб тилида қурол номлари (اسم الآلة) асосан "مفعال", "مفعلة", "مفعل" вазнлари оркали ясалади. Ўтимли феъллардан мазкур вазнлар ёрдамида меҳнат қилишга ёрдам бера оладиган воситаларнинг номлари ясалади. М: "مقبض" – ручка, "مفتاح" – калит, "مفتح" – портфел, катмон.

"مفعل" – ва "مفعالة" – шаклларининг иккиласидан ҳам қурол номлари ясалиши мумкин ("مفتاح " ва " مفتح " калит) "مفعل" ва "مفعال" вазнлари ҳам шу қоида бўйича ишлатилади.

Қурол номлари сифатдошнинг қолипи "فاعل" дан ясалиши мумкин, бунда унга "ة" марбута қўшилади. "رافعة" – кўтарма кран; "طائرة" – самолёт.

Механизм ва машиналарнинг номларини ясаш учун "فعّال" вазни ишлатилади. "خلّاط" – миксер (аралаштиригич), "ثلّاجة" – музлатгич.

Худди шу лексик – семантик гуруҳга қуйидаги қурол, кийим ва предметлар номларини ясовчи "فعال" вазнини ҳам қўйиш мумкин. "نطاق" – белбоғ, "حزام" – қайиш.

"اسم المكان" ва "اسم الزمان" номлари иш-ҳаракатнинг қачон ва қаерда бўлганига ишора қилади ва у "مفعل" ва "مفعل" вазнлари орқали ясалади. "مكتب" – ёзадиган жой, "مجلس" – мажлис қиладиган жой, "مشرق" – қуёш чиқадиган жой, "مغرب" – қуёш ботадиган жой.

Бу сўзларни вақт маъносида ҳам тушуниш мумкин. М: " وقت المشرق" – "қуёш чиқиш вақтида". "مفعلة" вазнидан отдан ясалган сўзлар ўша ерда кўп, сероб бўлган нарсалар, ҳайвонлар, кўкатлар ва бошқа предметларга ишора қилади. "مقبلة" – дала ("بقل" – кўкатдан), "مكتبة" – кутубхона ("كتب" – китоблар кўп жой), "مأسدة" – шерлар кўп жой ("أسد" – "шер" сўзидан). Тўрт ҳарфли ҳосила бобларидан жой ва пайт маъносини англатадиган сўзлар ясалади. "مخيّم" – чодирлар жойи, "منخفض" – пастлик, "معسكر" – ҳарбий лагер.

8.3. Нисбий сифат. Абстракт отлар. Сўз ясовчи суффикс

Араб тилидаги баъзи сўзлар ташқи аффиксация натижасида ҳосил бўлади. Ташқи флекцияга ички от ясаш суффикслари-нинг чегараланганлиги хосдир. Бу "يّ" ва "يّة", унинг яна бир тури "انيّ" бўлиб, нисбий сифат ясовчи суффикс ҳисобланади.

Агар "يّة", "ة", "ات" суффикси отга қўшилса абстракт отлар ясалади. "يّ" қўшимчаси ёрдамида "اسم النسبة" – "нисбий отлар" деб номланадиган сўзлар ясалади ва у ўзи ясалган нарса - предмет билан алоқада бўлиб, келиб чиқиш, хусусият каби маъноларни англатади. Ҳозирги сўз ясаш жараёнида нисбий отлар ҳамма сўз турларидан – шунингдек олмошлар, равиш, қўшимчалар, ҳаттоки, саноқ сонлардан ҳам ясалади. "كيفي" – "كيف" "қандай"сифатидан; "فوقي" – "فوق" "тепа" сифатидан; "خمسي" – "خطة خمسية" "беш йиллик режа"дан; "هو" – "هوية"кишилик олмошидан– шахсият сўзи ясалган. Нисбий отларнинг кўпчилиги ҳар қандай морфологик асослардан ясалади. "أبوي" – оталарча, "قطني" – пахтали, "محلي" – маҳаллий. "يّ" нисбий от ясаш қўшимчаси синиқ кўпликдаги сўзларга ҳам қўшилиши мумкин. "عمالي" – ишчи, меҳнатга доир, "سكاني" – аҳолишуносликка доир. Шунингдек, айнан бир сўзнинг бирлиги ва синиқ кўпликдаги шаклига "يّ" қўшиш билан янги сўз ясалади. "ضريبي" – солиққа доир, "طليعي - طلاعي" – илғор, олдинда борувчи. Барча нисбий от ҳам сифат ўрнида ишлатилиши мумкин. От сифатида ишлатилганда у кишининг келиб чиқиши, унинг туғилган жойига тегишлилигини, қайси миллатга хослигини, у ёки бу оқимга хослигини, лақабини, хоббийсини (севган машғулот) англатади.

Шунингдек, нисбий от ясаш қўшимчаси кишининг ўзи шуғулланаётган касби номига ҳам қўшилиб келиши мумкин. "كتابي" – китоб сотувчи, "سكاكني" – пичоқчи. Нисбий от баъзан ранг номини

англатувчи сўзлардан ҳам ясалиши мумкин. "عسلي" – қўнғир ("عسل" - асал), "رماضي" – кулранг ("رماض" - кул).

"مصدر صناعي" ёки "اسم الكيفية" деб номланувчи абстракт отлар "يّة" қўшимчасини қўшиш билан ясалади ва улар бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўз асосларидан ясалади. Абстракт отлар нисбий отлар каби кўп қўлланилади. Бундай сўзларнинг кўпи умумийлик хусусиятини, ҳолатни англатади. "ثورية" – инқилобга доир, "حضارية" – маданиятлилик, "جماعية" – жамоатчилик.

Неолигизм – абстракт отлар орасида ижтимоий – сиёсий, фалсафий, бадиий - адабий, оқим, йўналиш, давлат бошқаруви, ижтимоий – иқтисодий, формацияга доир сўзлар ҳам кўп. "إشتراكية" – социализм, "جمهورية" – республика, "واقعية" – воқийлик, "مثالية" – идеализм ва бошқалар.

Абстракт отларнинг бир қисми таълимот ва унинг тарафдорлари, вакилларини англатади. "خنفية" – ханафийлик, "صوفية" – суфизм. "يّة" ва "ة" суффиксларининг сўз ясаш вазифаси устида тўхталиб, унинг кенг миқёсда қўлланилишини ҳамда кўплаб маъноларда келишини айтиб ўтиш жоиз:

1) шахсни билдириб, аёл жинсига оид отлар: "طبيبة" – врач аёл;

2) масдардан бир марталик отни англатган сўзларни ясаш: "ضربة" – зарба (битта); 3) умумий маънони англатган отлардан якка от ясаш: "تفاحة" – битта олма; 4) "ة " суффикслари баъзан содда, қўшимчасиз асосларга қўшилиб, маъно кучайтирувчи бўлиб хизмат қилади: "نابغة " – машҳур шахс; 5) "ة" суффиксларининг яна сифатлардан от ясаш вазифасини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Шу йўл билан сифат ва сифатдошлардан ясалган отлар конкрет – аниқ предмет ва ҳодисани англатади. "حادسة" – ҳодиса; "منظمة" – ташкилот; "غريبة" – ғариб.

8.4. Иккилик ва кўпликдаги шаклларни лексикалаштириш

Одатда сўзларнинг грамматик алоқаларини ифодаловчи иккиликдаги ва кўпликдаги шакллар баъзан бирликдаги шаклга нисбатан бошқача мазмунга эга бўлади. Замонавий луғатга классик даврдан бир катор лексикалаштирилган иккилик шакллари ўтган. М: "أبوان - والدان" – ота-она, "ألحرمان" – икки ҳарам (Макка ва Мадина), "ألرافضان" – икки дарё (Тигр ва Ефрат), "ألقمران" – ой ва қуёш.

Кўпинча ҳозирги тилда "ات" суффиксли кўплик шакллари лексикалаштирилади. Бунда ўзининг одатдаги вазифасидан ташқари у аниқ фаолият, нарса, ҳодиса ва ғояларнинг умумийлигини англатади. "إنتخابات" – сайловлар, "إمتحانات" – имтиҳонлар, "إضترابات" – намойиш ва бошқалар.

“Нахт” (кесиш). Масдар ҳақида гапирганда бир марталик фаолият категориясининг мавжудлиги, ундан иккилик ва кўплик шаклларини ясаш ва уларни аниқ фаолиятлар сифатида қабул қилиш мумкинлиги, бир жинс ва турдан иборат кўпликни ифодалайдиган “ات” суффиксли кўплик шаклларини бевосита ҳосил қилишни осонлаштирилишини таъкидлаш лозим. М: “نجاحات” – муваффақиятлар, “توجيهات” – йўл-йўриқлар, “تعليمات” – кўрсатмалар, “تحديدات” – таҳдидлар, “إنشاءات” – иншоотлар, “تغيرات” – ўзгаришлар.

Ҳақиқий сифатдошлар негизида ўз навбатида восита, мослама, иш қуроллари ва уларнинг фаолияти ва таъсири остида вужудга келадиган ном турлари ҳосил қилинади. М: “منظفات” – тозалаш воситалари, “الحشائش” – гербицидлар.

Анъанвий “нахт” усули баъзи фразеологизмли элементлардан янги ҳосил қилинган туб негизлар сифатида талқин қилинади. Бундай услуб билан янги лексик негизлар мавжуд бўлган сўз ясаш андозалари асосида ҳосил қилиниши мумкин. Бунда нутқнинг қисқароқ бўлиши учун қўлланиладиган туб ундошлари ислом динининг қоидаларига мос келадиган сўзлардан олинган тўрт ҳарфли феъллар ва уларнинг масдарлари ясалади. “بسمل” – “Аллоҳнинг номи ила” демоқ, “حمدل” – “Алҳамду лиллаҳ!” – “Аллоҳга мақтовлар бўлсин” демоқ, “سبحل” – “Субҳаналлоҳ демоқ”, “طلبد” - "أطاك الله بقاك" – “Аллоҳ умрингни узун қилсин демоқ”.

Ибн Жинний кўрсатиб ўтган “لو لا” – “агарда... маганда” (илтимосга жавобан) дан ҳосил қилинган “لول” – “демоқ” феъли ўша шаклдаги ҳосилалар қаторига киради.

Араб тилшунослигида фақат туб негизлари биттадан ортиқ ўзакларнинг элементларидан ясалган сўзларгина нахт сўзлар ҳисобланади. “بسمل” – сўзи “سمّى” дан, “حمدل - حمد” дан олинган уч ўзак ҳарфли исмдан ҳосил қилинган ҳосилалар ҳисобланади ва уларга морфологик деревантлар сифатида қаралади. “Нахт” бир неча сўзларнинг товуш элементларидан янги туб негиз ясаш усули сифатида, турли сўзларнинг негизларини бириктириш йўли билан янги номлар ҳосил қилиш услубидир. Турли сифатлар ва мавҳум отларга инкорни англатувчи “لا” қўшиш билан арабча сўзлар ясалади. “لاشرعي” – ноқонуний, “لاإنساني” – гайри инсоний, “لاديموقراطي” – демократияга қарши, “لانهائي” – чексиз, “لاسلكي” – симсиз, “لاشيء” – ҳеч нарса. Шунга ўхшаш чақириқ, ҳайратланишни ифодаловчи “يا” юкламаси отга қўшилиши билан аглютинация усули орқали “يا + نصيب” = “لانصيب” – “лоторея” сўзи ясалган. Араб алифбосидаги биринчи ва иккинчи ҳарфларнинг қўшилишидан “алифбо” сўзи ясалган (ёки қадимги “أبجدية” сўзини таққосланг. Бунда алиф, бе, жим, дол ҳарфларидан битта сўз ясалган).

Араб тилида оз бўлсада шундай мураккаб сўзлар борки, улар мустақил равишда мавжуд бўлган ёки бошқа тиллардаги сўзларни калкалаш йўли билан яратилган сунъий сўзлардир. "مشلوز" – ширин, мағзи бор, данакли ўриклар. Бу сўз "مشمش" – ўрик ва "لوز" – бодом сўзларидан ясалган. Тавфиқ ал-Ҳаким янги синтетик жанрнинг номини "مسرحية" – "драматик асар" деб атаган. Шунингдек, сунъий сўзларнинг қуйидаги "ي" суффикси билан аффикслашуви кўрсатилган мисолга эътибор беринг. "برمائي" – сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшовчи, ("بر" – "қуруқлик" ва "ماء" – "сув" сўзларидан ясалган) ёки "كهرمائي" – сўзи "كهرباء" – электр ва "ماء" – "сув" сўзларидан ясалган.

Ҳосил қилиниши тасодифий характерга эга бўлган мураккаб арабча сўзлар рўйхати деярли юқорида келтирилган мисоллар билан чегараланади. Араб тилидаги бундай сўзлар аслида фақат баъзи атамашунослик муаммоларини ҳал қилишнинг бир йўли бўлсада, у кўп баҳсларга сабаб бўлувчи йўл ҳисобланади. Араб негизларини бошқа тиллардан, хусусан туркчадан бевосита ўзлашган мураккаб сўзлардан фарқлай билиш керак.

Назорат учун саволлар:

1. Сифатдошларнинг аниқ ва мажҳул даражаларининг фарқи нимада?
2. Сифатдошнинг ўз маъносида, сифат маъносида ва соф от маъносида келишига мисоллар айтинг.
3. Ўрин ва пайт номларининг ясалиш қоидаларини айтинг.
4. Абстракт отлар ва сўз ясовчи суффикслар ҳақида гапиринг.
5. "Нахт" (кесиш) усули нима?

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лексикология. –М., 1975, –С.98-108.*
2. *Крачковский И.Ю - Избранные сочинения. –Т.: 1 Из-во АН СССР, 1955.*
3. *Ковалёв А.А, Шарбатов П.Ш. Учебник арабского языка, –М., 1998.*
4. *عبد الرحمان السيوطى "المزهر فى علوم اللغة و أنواعها" القاهرة*
5. *Н.Д.Финкельберг "Курс теории перевода" –М.: Восток-Запад 2007.*

ДАРС № 9.

ИҚТИБОС – ЯНГИ СЎЗЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

Дарснинг ўқув мақсади: *Иқтобос – сўз ўзлаштириш усули сифатида, иқтибосдаги тўрт давр ҳақида, форс, оромий, юнон, қадимги яҳуд, қадимги миср, копт тилларидан ўзлашган сўзлар ҳақида, Абу Мансур Жаволикийнинг асарида иқтибос ҳақидаги фикрлар, рус арабшунос олими В.М.Белкиннинг "Арабская лесикология" китобида ўзлашган сўзлар ҳақида фикрлар, бошқа тиллар орқали араб тилига ўзлашган сўзлар ҳақида маълумот бериш.*

Таянч иборалар: Иқтибос, **"اَلدَّخِيلُ", "كَلِمَاتٌ أَعْجَمِيَّةٌ" , "اَلْمُعَرَّبُ"**

Асосий саволлар:

1. *Форс, оромий, юнон, қадимий яҳуд, қадимги миср ва копт ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳақида.*
2. *Европа тилларидан ўзлаштирилган лексикалар ҳақида.*

9.1. Иқтибос –янги сўзларнинг ўзлашиши

Араб тили сомий тилларнинг орасида иқтибосга бой тил ҳисобланади. Иқтибос жараёни араб тилига кирган сўзларнинг турли даврларни босиб ўтганидан дарак беради. Иқтибос ҳодисасига турли даврлардаги турлича шароит, ўзига хос услублар билан таъсир этганлиги сабаб бўлган. Иқтибос қилинган сўзлардан тўла ўзлашган, ярим ўзлашган, ўзлашиб улгурмаган ёки чала ўзлашганлари мавжуд. Семантик моҳиятига кўра тўлақонли бузилмай қабул қилинган, бузиб қабул қилинган сўзлар билан бир қаторда иқтибос қилинган мазмунларни ифодаловчи янги сўзларни ҳам тушуниш мумкин. Масалан: "تَلَفَنَ"- "қўнғироқ қилмоқ" феъли мисолида кўриш мумкинки, янги ўзлаштирилган сўзлар ёзма адабиёт орқали қабул қилинганига қараганда оғзаки нутқ орқали ўзлашиши тезроқ сингади.

Иқтибосда 4 та даврни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи энг қадимий давр бўлиб, ёзувгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврдаги сўзлар бутунлай араблашиб бўлган. У даврда кирган сўзлар одатда арабларнинг идроки, дунёқараши ортиб бораётган даврнинг маҳсули бўлиб, унинг таркибига кўпроқ атроф муҳитга оид, оддий ҳаёт, маиший ашёлар билан боғлиқ сўзлар киради. Бу жараёнда ўрта

форс тили муҳим ўрин эгаллайди, ундаги ҳунармандчилик, деҳқончиликка оид ўтроқ ҳаётни акс эттирувчи сўзлар кўпроқ жой олган. Масалан: "إبريق" – қўлли ва бурунли кўза, "جَرَّة" – сув ташийдиган кўза, сопли, лекин бурунсиз кўза, "طِشْت" ёки "طِسْت" – таз, "طَبَق" – тарелка, "قَصْعَة" – ёғочдан ясалган товоқ, "فِنْجان" – чашка, "طاجِن" – тава, "هاوُن" – ҳовонча, "خُوان" – хонтахта, "خُشاف" – компот, "جُلاب" – ширин ичимлик, "شَمعَدان" – шамдон, "سِراج" – чироғ, "كُشْتُبان" – ангишувона, "كِيس" – ҳалта, "لِجام" – юган, "سَرْج" – эгар, "خَنْجَر" – ҳанжар, "ماسورَة" – труба, "زِنْجِير" – занжир, "سِندان" – сандон, "فُولاذ" – пўлат, шунингдек, уй ва хонага тааллуқлилари: "دِهْلِيز" – даҳлиз, "سُرادِق" – амирлар ва давлат бошлиқлари учун мўлжалланган айвонли кўчма кошона чодир, "خَنْدَق" – қазилган жой, материал, газламалардан баъзиларининг номлари: "إبْرَيْسَم" – барҳат, дуҳоба, "دِيباج" – парча, "إسْتَبْرَق" – дағал парча, баъзи ҳайвонларнинг номлари "سَمُّور" – собал (сувсарнинг бир тури), "سِنْجاب" – олмахон, "قاقُم" – оқ сичқон, оқ сувсар, "جَوْرَب" – пайпоқ, "طَرْبُوش" – феска (туркча бош кийим), шунингдек қимматбаҳо тош ва минералларнинг номлари: "جَوْهَر" – гавҳар, "ياقوت" – ёқут, "كَهْرَباء" – янтар, "كَذَوَرَد" – лазурт, "زِئْبَق" – симоб, "رَصاص" – қўрғошин; мусиқа асбобларининг номлари: "كَمَنْجَة" – камон, "صَنْج" – чанг, "دُفّ" – доира, "قانون" – қонун (бармоққа кийиладиган ноҳин билан чалинадиган мусиқа асбоби), "نايٌ" – най, шунингдек қўкатлар, сабзавот ва полиз экинларининг номлари: "نَرْجِس" – наргис, "بِنَفْسَج" – бинафша, "ياسْمِين" – жасмин, "بابُونَج" – ромашка, "خِيار" – бодринг, "إسْبَناج" – шпинат, "فول" – боби – ловиянинг бир тури.

Қуйидаги сўзлар ҳам форс тилидан ўтган бўлиб, уларнинг орасида баъзиларининг маъноси силжигани ҳам учраб туради. Масалан: "أُسْتاذ" – мураббий, "بَرْنامَج" – дастур, "بُسْتان" – боғ, "دَرْوِيش" – дарвеш, "عَسْكَر" – қўшин, "نَموزَج" – намуна, "فِهْرِسْت" – мундарижа, "مِهْرَجان" – тантанали байрам, фестивал, "مَيْدان" – майдон, "وَزِير" – вазир.

Араб тилида, шунингдек, форс тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳам учрайди. Масалан: "بِطاقَة" – карточка, "دَفْتَر" – дафтар, "أُرُز" – гуруч, "راتِينَج" – сақич, "سُكَّر" – шакар, "شَطْرَنْج" – шахмат

каби сўзлар. Абу Мансур Жаволикий ўзининг "المعرب من الكلام العجمى" асарини иқтибос масалаларига бағишлаган бўлиб, унда классик шоирлар қофия учун форсча сўзларни ишлатиб ўз араб сўзларини қўллашмаганлиги ҳақида куйиниб ёзади. Ўз даврида буюк сўз устаси бўлмиш машҳур филолог олим ал-Жоҳиз ҳам бу ҳақда "بَطِيخ" – тарвуз сўзи туриб "هِرْبِز", "مِسْخاة" – бел (лопата) сўзи туриб шу маънодаги "بال", "سوق" – бозор сўзи туриб "بزار" сўзини, шунингдек "قِثَّاء" – бодринг сўзининг ўрнига шу маънодаги "خِيار" сўзининг ишлатилишини қаттиқ танқид қилади.

Арабшунос олим В.М.Белкиннинг ёзишига кўра, оромий тилидан Сурия шеваси орқали бир қанча сўзлар араб тилига кириб келган. Улар ўсимликлар, ҳайвонот олами, даҳқончилик, ҳунармандчиликка оид сўзлардир. Масалан:

"بَلُّوط" – дуб дарахти, "دُلْب" – чинор, "صَفْصاف" – мажнунтол, "آس" – оқ гулли, ҳушбўй ҳидли, доим яшил бута ўсимлиги, "جُمَيْز" – сикомора, "رَيْحان" – райҳон, "تِين" – анжир, "أُتْرُج" – лимон, "توت" – тут, "إِجَّاص" – нок, "بَرْقُوق" – олҳўри, "تُفَّاح" – олма, "رُمَّان" – анор, "بِطِّيخ" – тарвуз, "سَفَرْجَل" – беҳи, "لَوْز" – бодом, "فُسْتُق" – миста, "قَمْح" – буғдой, "قَنَّان" – зиғир, "قِنَّب" – каноп.

Паррандаларнинг номларидан: "وَزّ" – ғоз, "دَجاج" – товуқ, "فُرُوخ-فُرُوج" – жўжа кабилар. Бу номларнинг ҳаммаси ҳам араб тилига бошқа тилдан кирган деган фикрлар мунозарали, албатта. Масалан, ҳайвон – жонли маънодаги сўз аслида арабча бўлган сўз, араб тилига бошқа тилдан кириши шарт эмас, бошқа кўпгина сўзларнинг келиб чиқиши ҳам шунга ўхшайди. Ҳар ким ўз фикрига ҳоким албатта, уни қабул қилиш ёки қилмаслик масаласи бошқа гап. Шунингдек, бу ўринда оромий тили орқали грек тилидан кирган сўзларни зикр қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилар: "أَثِير" – эфир, "إِسْطُول" – флот, "أُسْطُورَة" – афсона, "أَفْيُون" – опиум, заҳар, "جِنْس" – жинс, "دِرْهَم" – дирҳам, "فَلْسَفَة" – фалсафа, "فانوس" – фонус, "قانون" – қонун, "قَلَم" – қалам, "كَرْنَب" – карам, "قِرْطاس" – қоғоз, "نافورَة" – фонтан каби сўзлар ҳам шулар жумласидандир.

Баъзи сўзлар араб тилига грек ва оромий тиллари орқали кирган. Улар қуйидагилар: "بَرِيد" – почта, "إِسْتَبْل" – ошхона, "قَصْر" – қаср, "صِراط" – йўл, "بُرْكان" – вулқон, "قَنْطَرَة" – арк, "قَيْصَر" – цезар (подшоҳ).

9.2. Форс, оромий, юнон, қадимги яҳудий, қадимги Миср ва копт каби тиллардан ўзлашган сўзлар

Араб тилига эфиоп тилидан, қадимги яҳуд ва бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар мавжуд, улар Қуръон ва ислом атамаларига оид сўзлардир. Масалан: "مِنْبَرٌ" – ваъзхон сўзлайдиган минбар, "مِحْرابٌ" – (каъбага) қараган масжиднинг меҳроби, "مُصْحَفٌ" – Қуръоннинг тўлиқ нусхаси, "بُرْهانٌ" – шарҳлаш, далил келтириш, "مائِدَةٌ" – дастурхон, "سِكَّةٌ" – йўл. Қадимги яҳудий тилидан ўзлаштирилган сўзлар қуйидагилар: "تَلْمودٌ" – Таврот, "تَوْراةٌ = تورَةٌ" – Тора, "خاخامٌ" – раввин, "قِصَحٌ" – рўза, "مَجَلَّةٌ" – китоб.

Бошқа тиллар орқали араб тилига кирган сўзлар қуйидагилар: мўғилчадан "بَطَلٌ" – қаҳрамон, хитойчадан "كُرْسِيٌّ" – тахт, санскритчадан "مِسْكٌ" – мускус, қадимий мисрчадан "كَعْكٌ" – пирожка (гумма) ва "بَطْرَخٌ" – икра, копт тилидан "قُطْنٌ" – пахта каби сўзлар.

Қуръони Каримда арабча бўла туриб бошқа тиллардан кирган сўзларнинг ишлатилиши диққатни ўзига тортади деб ёзади В.М. Белкин : "يَمٌّ" унинг арабча эквиваленти "بَحْرٌ" – денгиз, ёки "صِراطٌ" унинг шу маънодаги синонимлари "طَرِيقٌ" ёки "سَبِيلٌ" – йўл, ёҳуд "طورٌ" унинг арабча синоними "جَبَلٌ" – тоғ, шунингдек, "قِسْطاسٌ" унинг арабча синоними "ميزانٌ" – тарози ва бошқалар.

Иқтибос – ўзлаштирилган сўзларни аниқлашда турлича усуллар мавжуд бўлиб, улардан бири оронэтик қонуниятдир. Унга кўра, араб сўзларининг ўзагини ташкил қилувчи ундошлардан баъзилари бирин-кетин кела олмайди. Масалан: "с" ва "ж" ; "т" ва "ж" ; "н" ва "р" каби.

9.3.Европа тилларидан ўзлашган лексика ҳақида

Шунга кўра, "наргис", "ижжос", "санж" ва бошқа сўзлар арабча сўз бўлолмайди. Қадимдан араблашган сўзлар билан бир қаторда янги ўзлашаётган сўзлар ҳам талайгина. Масалан:

عَرَبَةٌ, بوغازْ, سَنْجاقْ, دَمْغَة, وُجاقْ, تَنْكَة, جَزْمَة, فُرْشَة, سُجوقْ, كَباسْ, بويَة, يَنْروم, كُبْرى, كُرْباجْ, صَمولَة, كَلاوُزْ, بورْجِ

Шунингдек "жий" ("чи") суффиксли сўзлар ҳам кўп учрайди. Масалан: "عَرَبْجِيٌّ" – извошчи, "عَطَشْجِيٌّ" – ўт ёқувчи, "مَخَزْنَجِيٌّ" – омборчи, "نَوْبَتْجِيٌّ" – навбатчи, шунингдек форс тилидаги "سَرْ" бош сўзи билан бошланган бир неча сўзлар араб тилига ўзлашган. Масалан: "سَرْ مُهَنْدِس" – бош муҳандис, سر عسكري – қўмондон кабилар.

Турк тили орқали янги мазмун касб этган асл арабча сўзлар ҳам шу қатордан жой олиши мумкин. Масалан: "إمْضاءٌ" – имзо, "رَسْمٌ" – бож, "أوْراقٌ" – ҳужжатлар, "مَعاشٌ" – нафақа, маош, "إفادَةٌ" – гувоҳнинг кўрсатмаси, "تَحْصيلٌ" – таълим олиш, "تَعَصُّبٌ" – фанатизм, "نُفوذٌ" – таъсир, "دائرَةٌ" – идора, "مَصْلَحَةٌ" – департамент, "قَلَمٌ" – бўлим, "مُحافَظَةٌ" – вилоят, "لِواءٌ" – қишлоқ, "مُلازِمٌ" – лейтенант, "مُشيرٌ" – маршал, "رَسْميٌّ" – расмий, "تَشْريفاتٌ" – протокол, маросим. Шунингдек, италянча, французча, инглизча билан бир қаторда рус тилидан кирган сўзлар ҳам бор. Масалан: "شايٌ" – чой, "ڤودكَة" – арақ-водка ва бошқалар. Бунда ҳарфларнинг ўзгариши қонуниятлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

Назорат учун саволлар:

1. "Иктибос" тушунчасига таъриф беринг.
2. Араб тилига қайси тиллардан сўзлар кириб келган ва араб луғатини бойитган?
3. Сўз ўзлаштиришнинг даврлари ҳакида маълумот беринг.
4. "ألمعرب" ва "ألدخيل" атамаларини фарқлаб беринг.

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лексикология. –М., 1975, –С.98-108.*
2. *Крачковский И.Ю - Избранные сочинения. –Т.: 1 Из-во АН СССР, 1955.*
3. *Ковалёв А.А, Шарбатов П.Ш. Учебник арабского языка, –М., 1998.*
4. *عبد الرحمان السيوطى "ألمزهر فى علوم اللغة و أنوائها" ألقاهرة*
5. *Н.Д.Финкельберг "Курс теории перевода" –М., Восток-Запад 2007.*

ДАРС № 10.

АРАБ ТИЛИНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК (АТАМАШУНОСЛИК) МАСАЛАЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Термин – атама тўғрисида биринчи тушунча, араб атамашунослигининг ривожланиши тарихининг икки босқичи ҳақида, бошқа тиллардаги атамалардан нусха кўчириш, янги атамалар яратишнинг тўрт усули ҳақида, бошқа тилларга мансуб атамалар учун арабча эквивалентини танлаб олиш ҳоллари ҳақида тўлиқ маълумот бериш.*

Таянч иборалар: Термин (атама) ва терминология (атамашунослик), калкалаш (нусха кўчириш), миллий терминология, терминлар дублети (иккинчи нусхаси).

Асосий саволлар:

1. *Термин – атама сўз ва тушунча сифатида;*
2. *Терминология – атамашунослик фан сифатида.*
3. *Араб атамашунослигининг тараққиёт босқичлари: классик ва замонавий даврлар.*

10.1. Термин – атама сўз ва тушунча сифатида

Инсон ҳаётининг ҳар бир соҳаси ўзининг муайян тилига хос бўлган терминлар – атамалар орқали ифодаланадиган тушунчалар тизимига эга. Атамалар – илм-фан, техника, саноат ва шу каби инсон фаолияти йўналтирилган алоҳида соҳаларга оид махсус тушунчаларни англатувчи, номинатив (атов бўлиб хизмат қилувчи) аҳамиятга эга бўлган сўз ва бирикмалардир. Улар адабий лексиканинг алоҳида қатламини ташкил қилади ва тор мутахассисликка алоқадор сўзлар сифатида атамаларга эмас, балки умумий қўлланиладиган сўзларга қарама-қарши қўйилади. Атамашунослик соҳасининг умумий тил семантикаси таркибидан чиқарилганлиги ҳақидаги фикр узоқ вақтлардан буён мавжуд. Ал-Хоразмийнинг бу ҳақда ёзишича, *олимларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида анология асосида ҳосил қилган ва кўпчилик қисми лексикадан ташқарида бўлган ифода ва атамаларга эга бўлган.*

Атамаларга муайян бир соҳанинг қобигига ўралашиб қолиш хусусияти мутлоқо хос эмас ва улардан кўпчилиги фан-техника соҳасида эришилган ютуқлар натижасида махсус қўлланиш доирасидан ташқарига чиқади ва умумий тил таркибидан жой олиб ҳаммага таниш сўзларга айланади. Шу билан биргаликда услубий тил лексикасининг элементига асосланиш билан бир вақтда, худди аввалгидек ўзи мансуб бўлган атамалар тизимининг аъзоси бўлиб қолаверади.

Атамалар махсус тегишли тушунчаларни аниқ ва тушунарли қилиб аташ лозим бўлган махсус лексик бирликлар сифатида айниқса ўзи фаолият кўрсатадиган соҳада, яъни ўзининг атама доирасида ягона бир маънога эга бўлишлари лозим, яъни биттадан ортиқ атама билан ифодаланмаслиги керак. Бундан ташқари қатъий атов бирлиги бўлмиш атама ҳис-ҳаяжон маъносини англатмаслиги, услубий жиҳатдан нейтрал (холис) ҳолатда бўлиши лозим. Атамаларнинг мукаммал тизимини яратишга нисбатан юқоридаги талабларга қуйидаги шартлар ҳам қўшимча қилинади: атама "меъёрий талабларга жавоб берувчи намунали парадигма нуқтаи назаридан имкон борича прагматик (яъни изчил) хусусиятга эга бўлиши", яъни дастлабки асосий атама атовлар тизимининг мантиқий изчиллигини таъминлаши лозим. Бундай изчилликка унинг ўта қисқа ва йиғиқ ҳолатда бўлиш орқали эришилади: *"бир сўздан иборат атама икки ва ундан ортиқ сўздан ташкил топган атамадан яхшироқдир"*.

Араб атамашунослигининг ривожланиш тарихи икки босқичдан – классик ва замонавий босқичлардан иборат. Араб тилида ривож топган ўрта аср анъанавий мусулмонча илмлар: шариат, араб тилшунослиги, тарих, шеърият ва бошқа тиллар луғатининг мустақил атамалар билан тўлиқ таъминланганлигидан далолат беради. Шу билан бир вақтнинг ўзида ўша даврда юнон тилида ўз аксини топган табиий фанлар – кимё, математика, геометрия, механика, астрономия ҳамда фалсафа, мантиқ, мусиқага оид атамалар орасидан келиб чиқишига кўра арабча бўлган атамалар билан бир қаторда яхши мослаштирилган ўзлаштирмалар ҳам мавжуд бўлганлиги кузатилади.

10.2. Терминология – атамашунослик фан сифатида

Бошқа тиллардаги атама тизимларидан нусха кўчириш турли йўллар орқали амалга оширилади. Бунда атамани яратиш ва атамалар мажмуини тўлдиришда умумадабий лугатни бойитиш учун мўлжалланган тил воситаларининг ўзидан фойдаланилади. Бунда қуйидаги усуллар қўлланилади: 1.Тил лексикасида қачонлардир мавжуд бўлган ёки ҳозирда мавжуд бўлган махсус тушунчаларни атамалаштириш. 2.Тилдаги мавжуд қонуниятлар асосида янги атама сўзлар яратиш. 3.Атамалар ва атама бирикмаларини таржима қилиш ва навбатдаги жараён сифатида уларни қисқартириш ва мураккаб сўзга айлантириш. 4.Атамаларни бевосита ўзлаштириш.

Баъзи тилшунослар тарафидан зўр бериб тавсия қилинаётган янги тушунчаларни ифодалаш учун эски сўзларни излаб топиш усули самара бермаяпти. Қуйидагилар классик сўзлардан атамалар сифатида самарали фойдаланишга мисол бўла олади.

ذرة – “атом” (физ.), نواة – “ядро” (физ.) (меванинг данаги).

Одатда умумий хорижий атамаларга мувофиқ келадиган аниқ семантикали эквивалентларни атамалаштириш мақсадида тил лексикасидан лотинча-юнонча асосдаги халқаро атамалар ва замонавий тилларда кенг қўлланишга эга бўлган миллий атамалар танлаб олинади. Масалан: نظير – “изотоп”-грекча “isotopos”, طيف – “спектор (кўриниш)-лотинча “spectrum”, فضاء – “космос (очиқ жой)-инглизча “space”.

Қуйидагилар ҳам худди ўша усулда калкалаш асосида яратилган. شحن – “зарядка” (мех.электр), مقاومة – “қаршилик” (электр), تردد – “частота” (электр токининг ўтиш тезлиги), تداخل – “интерференция” (товуш, ёруғлик ва ҳ.к. тўлқинларининг усма-уст келганда бир-бирини кучайтириш ёки сусайтириш (механ.), اهتزاز – “вибрация – тебраниш” (сиёс.иқтисод), غحتكار – “монополия”. Турли асбоблар, аппаратлар ва мосламаларнинг номларида калкалаш айниқса кенг намоён бўлади. Қуйидаги аппаратларнинг номларини таққосланг: مكثف – “конденсатор”, مولد – “генератор”, محوّل – “трансформатор”, منظم – “регулятор”, مردد – “альтернатор”, مؤشر – “регулятор” ва бошқалар.

Кўпинча сўз бирикмаси – атамаларни таржима қилишда қийинчилик туғдирмайди. Жумладан, كلئ صناعية – “сунъий буйрак”, محرك احتراق داخلي – “ички ёнув двигатели”, فولاذ لا يصدأ – “зангламайдиган пўлат”.

Арабча атамалар луғатини сўз ясаш йўли билан тўлдириш имконияти анча чегараланган. Чунки иккита лексик морфемадан ташкил топган арабча дереватлар (ҳосила сўзлар) кенг тузилишга эга негизли, содда ва қўшма негизлари префикс ва суффиксларга бой ҳинд-европа тилларидаги мураккаб атамаларга тенг эквивалент бўла олмайди. Бунинг устига арабча дереватлар кенг ва бироз тушинарсизроқ маънога эга бўлганликлари сабабли уларнинг атама сифатида талқин қилинишида қарама-қаршиликлар юзага келиши мумкин. Таққосланг: مصوّر – “тасвирчи” яъни “рассом” ёки “фотосуратчи”, جرافة – “тўплаш ва тозалаш учун қўлланиладиган иш қуроли, мослама” яъни “паншаха”, “белкурак”. Шунинг учун ҳам англатилиши зарур бўлган маънони аниқ ифодалаш учун уларга қўшимча аниқликлар киритилади. Жумладан: فوتوغرافي ёки مصور شمسي – “фотосуратчи”, جرافة هيدرولكي – “землеснаряд”.

10.3. Араб атамашунослигининг тараққиёт босқичлари: классик ва замонавий даврлар

Бошқа тилларга мансуб бўлган атамалар учун арабча эквивалентларни танлаб олиш кўп ҳолларда қийинчиликлар туғдиради. Ҳатто мавжуд арабча сўзларни атама сифатида қўллаш пайтида синонимлар қаторидаги сўзлардан биринчи атама учун танлаб олишда ҳам муаммолар юзага келади. Шу боисдан ҳам араб тилига таржима қилиш натижасида ҳар битта ва кўпинча, ҳатто халқаро юнончалотинча ёки бошқача атамага турли лексема (сўз) ёки турли лексик бирикмалари тўғри келади. Масалан физика атамаси "қувват" (энергия) Мисрда طاقة, Сурияда эса قدرة сўзлари билан ёки бошқа физикавий атама "қувват" эса аксинча, Мисрда قدرة, Сурияда эса طاقة. "Товар" тушунчаси ҳам юқоридаги тарзда سلعة–بضاعة сўзлари билан алмаштирилади. Морфологик деревация жараёнида турли андозалардан фойдаланиш ва сўз ясовчи негизларнинг танлаб олиниши ўртасидаги тафовутлар натижасида ҳам дублетлар пайдо бўлади. Масалан, "маятник"-"тебратгич", "кабгир" лотинча "pendulum" сўзи نواسْ ёки نواسْ (ناس – "тебратмоқ"дан), رقص – رقص – "рақсга тушмоқ"дан, خطر – خطار – "тебранмоқ"дан дериватлари билан таржима қилинади ва بندول шаклида араблаштирилади. Кимё – كيميا ва география – جغرافيا ва бошқа баъзи бир номлар аллақачон араблаштирилиб бўлинган фанлардан ташқари замонавий фанларнинг номланишининг ўзи араб тили учун сезиларли муаммолар туғдиради. Уларнинг кўпчилиги таржима қилинмаган ва бир нечта маъноларга эга бўлиши мумкин. Таққосланг: сўзма-сўз علم الحياة – "ҳаёт ҳақидаги илм" ёки бошқа аниқроқ таржимада علم الأحياء – "тирик организмлар ҳақидаги илм" деб таржима қилинган (الأحياء – биологияга доир сўз ясовчи ҳам шу бирикма таркибидаги сўздан олинган) билан бевосита ўзлаштирма بيولوجيا (унинг сўз ясовчилари билан биргаликда بيولوجيٌ) сўзи билан рақобатлашади. "Физика" юнонча phisika – "табиат ҳақидаги таълимот" Мисрда сўзма-сўз "табиат ҳақидаги илм" шаклида таржима қилинган, лекин у бошқа мамлакатларда ноаниқ атама сифатида баъзида كيميا – "кимё" андозаси бўйича فيزيا шаклида араблаштириладиган فيزيقا ўзлаштирмаси билан алмаштирилган. "Геология" (юнонча гео – "ер") ҳам баъзида علم الأرض – "ер ҳақидаги илм" ёки аниқроқ қилиб علم طبقات الأرض – "ер қатламлари ҳақидаги илм" бирикмаси билан таржима қилинади. Мазкур "стратиграфия" (қатламшунослик) атамасига тўғри келади, бироқ кўпинча "جيولوجيا" – геология атамасининг қўлланилиши кузатилади. Атамаларни тўлиқ таржима қилишда ҳам чегара бўлиши лозим. Кўп ҳолларда таржима арабча эквивалентининг атамасизланишига олиб келади. Бунинг сабаби лотинча-юнонча ва бошқа тилдаги хорижий атамаларнинг этимологияси унутиб қўйилади. Миллий тил воситалари ёрдамида қайта тикланган этимология атамалашти-

рилаётган тушунчаларнинг маъносини умумий шаклда ифода этади. Физика – бу табиат ҳақидаги илм, геология – ер ҳақидаги илм ва ҳ.к. атамаларда илмий билимлар табақалашиб борган сари табиат ва ер ҳақидаги алоҳида фан соҳалари шаклланиши ҳақидаги ҳақиқат ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам кўпинча араб мутахассислари транскрипцияланган أنتربلوجيا – "антропология", "библиография", "метафизика" ва бошқа сўзларнинг таржима эквивалентлари бўлсада, уларнинг ўзини қўллашни маъқул кўришади. *Бошқа тиллардан кириб келган атамалар бутун атамалар тизимининг оддий ва тушунарли бўлишига халақит беради*, деган нуқтаи назар тартибга солинган ва стандартлаштирилган атама тизимлари учун мувофиқ келади. Фаннинг янги соҳалари вужудга келаётган даврда эса она тили асосида яратилган атамаларни қабул қилиш хорижий атамаларга нисбатан катта қийинчиликлар билан ўзлашади: "она тилидан сўз ҳоли атамага айланиши лозим, хорижий сўз эса тайёр атамадир, у она тилидаги сўздан фарқли ўлароқ, маънони аниқ-равшан англатувчи белги хусусиятига эгадир. Ўзлаштирма атамалар қисқа, бир маъноли бўлганлиги учун ҳам улар тезда ўзлашади ва мутахассисларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминлайди. Агарда сўз – атама икки ёки ундан ортиқ тўлиқ маънода таржима қилинаётган элементлардан иборат бўлса, у ҳолда таржима масаласи осонлик билан ҳал этилади. Мазкур фикр масалан, avto, radio, photo, ва ҳоказолар мавжуд бўлган араб тилида атрибутив бирикмалар ҳосил қиладиган атамалар учун тааллуқлидир. Таққосланг: "радиоактивлик" – مشاط إشعاعي, лекин "радиотелескоп" – تلسكوف لاسلكي. Шунингдек омонимлаштирилган, 3та маънога эга бўлган hidro элементини таққосланг: 1) Сув билан алоқадор нарсалар (مائي) 2) Суюқликлар билан алоқадор нарсалар (سائلي ёки هيدروليكي) 3) Водород билан алоқадор нарсалар (هيدروجيني), ҳамда 3 хил талқинга эга бўлган auto элементи: 1) Ўзи мустақил равишда бажарувчи (ذاتي); 2)Автоматик равишда ишловчи (أوتماتيكي); 3) Автомобилга хос (خاص باسيارة) ва ҳоказолар ҳар бир ҳолда алоҳида ифода усулининг қўлланилишини тақозо қилади. Бунда мураккаб хорижий сўзни алоҳида морфемаларни араб тили воситалари билан ифодалашга бўлган табиий интилишнинг мавжуд бўлиши кузатилади. Ушбу лойиҳаларга кўра масалан, huper префексидаги арабча "fart" – فرط – "ҳаддан ташқари", "ўта ортиқлик", олд суффиксоидига арабча – شبه – "ўхшашлик" ва бошқалар мувофиқ келиши лозим.

Infra-, ultra-, intra-, hummer-, pre-, post-, sub-, extra типидаги ва бир семантикасига кўра арабча узун ва муваққат олд кўмакчиларни маъносига мувофиқ келувчи префиксоидли сифатларни таржима қилиш тилшунослик нуқтаи назаридан анча қийинроқ ҳисобланади.

Таркибидаги юқорида санаб ўтилган элементлар мавжуд бўлган бошқа тилларга мансуб сифатларни сўзма-сўз таржима қилинганда

улар аниқловчи атама бирликларининг таркибида, аниқловчи ва аниқловчининг ўртасига олд кўмакчини киритиб, араб грамматикаси қоидаларига зид келувчи атрибутив конструкцияларни ҳосил қилади. Таққосланг: أَشِعَّة، فوْق (ما فوق)، بَنفسَجِيَّة طائرة – "ультрабинафша нурлар", فوق صوتية طائرة – "товушдан тез учар самолёт" (узунроқ шаклда эса – أسرع من الصوت – "самолёт товушдан тез учади" билан бир қаторда)

Фойдаланиш нокулай бўлган ясама атамалар турли йўллар билан қисқартирилмоқда. Улардан биттаси кўпинча тузилишини қисман ёки бутунлай ўзгартиради. Таққосланг: فابلية الإنتاج – "унумдорлик", "самарадорлик" – دفاعٌ ضدَّ الطائرات; إنتاجية – "ҳаво ҳужумига қарши мудофаа" – تجهيز بالمعدات الميكانية; دفاعٌ جويٌ – "механик жиҳозлар билан таъминлаш", изоҳи, яъни "механизация" ўзлаштирма асосида ҳосил қилинган ميكنة сифатида қўллана бошлади. Арабча атамалар тизимининг яратилиши ва тартибга солиниши билан боғлиқ масалалар араб мамлакатларида кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилмоқда. Атамашунослик масалаларига бағишланган мунозаралар иштирокчиларидан бири: *"илмий атамашуносликдаги зиддиятлар тилимизнинг касаллигига айланди"*, деб ҳисоблайди. Кўпчиликнинг фикрича, атамаларни яратишнинг ўзи эмас, балки уларни бир хиллаштириш ва улардан фойдаланиш қийинчиликлар туғдирмоқда. Арабча атамалар тизимининг асосий камчилиги – атамавий дублетларнинг ҳаддан ортиқ даражада кўплиги уларнинг нутқ амалиётига бетартиб ва мувофиқлаштирилмаган тарзда киритилишидир. Битта тушунчанинг ўзини ифодалаш учун мўлжалланган бир нечта атама мавжуд бўлиши мумкин. Булар: а) академиялар томонидан тасдикланган ёки яратилган расмий атамалар, б) фанни оммалаштирувчилар, таржимонлар ва журналистлар томонидан яратилган атамалар, в) мутахассис амалиётчилар тарафидан кундалик иш жараёнида фойдаланиладиган атамалар. Бундан ташқари, айрим асар ва тадқиқот ишларида иштирок этувчи муаллифларнинг мавжуд атамаларни билмасликлари ёки ўзлари яратган атама муайян маънони ифодалаш учун қўлланиб келинаётган атамага қараганда яхшироқ англатишига ишонган ҳолда қўллаган индивидуал атамалар пайдо бўлмоқда. Кўпинча араб тилида ўз мустаҳкам ўрнига эга бўлган атамалар рад этилмоқда, уларга тузатишлар киритилмоқда ва лингвистик нуқтаи назардан аниқроқ лекин мавжуд тизимга қўшимча англашилмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа махсус ясама атамалар билан алмаштирилмоқда.

Миллий атамаларнинг ривожланиш даражаси мазкур миллий тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий ва техникавий ривожланиши билан бевосита боғликдир. Араб тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг баъзилари эндигина замонавий саноат

ва техниканинг ривожланиш даврига қадам қўймоқда. Замонавий фанларнинг кўпчилик соҳаларидаги илмий изланишлар эса эндигина бошланмоқда. Шунинг учун ҳам миллий кадрлар тайёрланаётган ва миллий тилда мустақил илмий ва техникавий адабиётни шакллантириш имконияти юзага келган бир вақтда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлардан хабардор бўлиш ҳамда керакли илмий ва техникавий адабиётларни таржима қилиш ва айрим илмий муаммоларни ҳал этиш жараёнида араб газета ва журналларида араб тилида реферат ва мақолалар кўринишида нашр этиш орқали хорижий атамаларни оммалаштириш, замонавий техникани жорий этиш ва саноатни ривожлантириш орқали ўзлаштирма атамалар тизимининг шаклланаётганлиги табиий ҳолдир.

Миллий атамаларнинг ривожланиши тилда юзага келган вазият билан боғлиқдир. Икки тилли шароитда хорижий тил фан, техника ва таълим соҳаларидаги асосий тил ҳисобланади ва шунинг учун ҳам миллий атамашунослик амалда ривожланмаслиги мумкин. Масалан, Араб Мағриби мамлакатларида аҳвол шундай ҳолда. Ҳар иккала ҳолда ҳам махсус атамалар тизимининг ҳолати махсус муомала соҳасида миллий тилдан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Терминология тушунчасига таъриф беринг;
2. Араб терминологиясининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Араб терминологиясининг олдида турган қийинчиликлар нималардан иборат?
4. Араб терминологиясини ривожлантириш йўлида қандай ишлар олиб борилмоқда?
5. Араб терминологиясининг муаммолари ва камчиликлари қайсилар?

Адабиётлар:

1. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975. –С.118.*
2. *Реформацкий А.А. Что такое термин и терминология. «Вопросы терминологии». –М., 1961.*
3. *Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. –М.: «Наука», 1970.*
4. محمد تيمور. مشكلات حياتنا اللغوية، القاهرة.
5. عبد الله أمين. "اشتقاق"، القاهرة 1956

ДАРС № 11

БОШҚА ТИЛЛАРДАН АРАБ ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Талабаларга تعريب – араблаштириш, المعرب – бошқа тилларда яратилган сўзларни араблаштириш, الداخل – "бегона" (кириб келган) янги сўзларнинг ўзлашиши, араб тилининг янги атамаларини ўзлаштирганда икки манбаға таянишни, биринчи манба XVIII-XIX асрлардан то Европа босқинчилигига қадар ва иккинчиси, Европа тилларидан олинган сўнгги ўзлаштирма сўзларни тушунтириш.*

Таянч иборалар: تعريب، المعرب، الداخل, ўзлаштирилган сўзларнинг 2 манбаи.

Асосий саволлар:

1. *Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳақида Ал-Жоҳизнинг фикрлари*
2. *Ўзлашган янги атамалар ҳақида Ас-Суютийнинг қарашлари*
3. *Араблаштириш усули, Ал-Жавҳарийнинг ўзлаштирилган лугавий бирликларини тасниф этиши*

11.1. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳақида Ал-Жоҳизнинг фикрлари

Ҳозирги даврда барча мамлакатлар, жумладан араб мамлакатларининг ҳам ривожланиши, техника асрида яшаётганлиги ва бошқа мамлакатларда тараққий этган замонавий техник воситаларнинг араб дунёсига кириб келиши муносабати билан замонавий араб тили янги атамалар ва сўзлар билан бойиб бормоқда.

Араб атамашунослигининг вазифаларидан бири фан ва техника тараққиёти натижасида вужудга келаётган замонавий тушунчаларни тўлиқ ифодалай оладиган атамалар яратишдан иборатдир. Атамалар ҳосил қилиш усулларидан ҳозирги кунда кенг тарқалганларидан бири бу чет тилидаги сўзларни айнан кўчириш, яъни араб графикасига ўтказишдир.

Ушбу жараённи араб тилида ифодалаш учун махсус "تعريب" "сўзни араблаштирмоқ" атамаси қўлланилади. Сўз бойлигини кенгайтиришнинг илм-фан, адабиётга оид замонавий тушунчалар ва техник атамаларни ифодалаш зарурати туфайли пайдо бўлган ушбу усул араб филологиясида доимо ўз тарафдорлари ва мухолифларига эга бўлган.

Ўзлаштириш жараёни чоғиштирилган икки тил ўртасидаги алоқалар мобайнида табиий ва зарур жараён ҳисобланган. Ал-Жоҳиз сўзи билан айтганда, "ҳар икки тилдан бири иккинчисини ўзига жалб этади ва ундан озиқланади"[1].

---

[1] المغربي عبد القادر. كتاب الإشتقاق و التعريب

11.2. Ўзлашган янги атамалар ҳақида Ас-Суютийнинг қарашлари

Ас-Суютий лексик ўзлаштиришга المعرب атамаси, яъни "бошқа тилларда яратилган маъноли сўзларни араблаштириш"[1] сифатида таъриф берган. Ўзлаштиришга берган бу қисқа таърифида у Сибавайҳи ва унинг шогирдлари нуқтаи назарига қўшилган. Улар учун хорижий сўзнинг тилда қўлланилиши "араблашув"нинг ягона мезони бўлиб хизмат қилган: шу нуқтаи назарга кўра ўзлашган сўзнинг араб моделларига мувофиқ тузилганлиги айни муддао, бироқ бу шарт асло мажбурий эмас. Сибавайҳи фикрига кўра, хорижий тилдан олинган отнинг шаклан ўзлашуви икки элементар жараён - унинг арабча сўз ўзгартирувчи флексиялар билан таъминланганлик ва ال аниқлик артикли билан қўлланиш имкониятидан иборат бўлиб қолади.

Таниқли тилшунос олим ал-Жавҳарий ўзлаштирилган луғавий бирликларни иккига: араблашган ҳамда хорижий сўзларга ажратган. "معرب", яъни "араблашган" атамаси арабча шакл қабул қилиб, ассимиляциялашган сўзларни белгилаган. "الداخل", яъни "бегона" (кириб келган) атамаси морфологик ассимиляцияга учрамаган ва ўзининг дастлабки, асл шаклини сақлаб қолган ўзлашган сўзларни англатади.

Демак, сўзнинг шаклан ассимиляциялашуви учун бош ва асосий талаб: а) ўзлаштирилаётган атаманинг товуш таркибини бузмаслик, яъни ўзга тилга оид сўзни араб тили товушлари ёрдамида талаффуз килиш, б) сўз ясаш муқобиллиги қоидасига мувофиқлик, яъни ўзга тилдан кирган сўзни арабча моделларга мослаш[2].

"Араб тилида, қадимги манбаларнинг далолат беришича, Сурия ва Месопотамия оромий тиллари, грек ва лотин каби қўшни сомий тиллардан кириб келган жуда кўп атамалар қатлами мавжуддир. Замонавий араб тили эса Ғарб, Европа тилларидан техник атамалар ўзлаштирилганлиги билан характерланади"[3].

11.3. Араб тилига итальян ва француз тилларидан ўзлашган сўзлар

Демак, замонавий араб адабий тили атамалар ўзлаштиришда икки манбага таянади. Булар биринчи навбатда, классик тилдан, яъни XVIII-XIX асрлардан то Европа босқинчилигига қадар қабул қилинган дастлабки ўзлашмалар.

Иккинчи манба эса замонавий Европа тилларидан олинган сўнгги ўзлашма сўзлар. Мазкур ўзлашган сўз гуруҳлари нафақат ўзлашти-

[1] السيوطي عبد الرحمان "المزحر في علوم اللغة و إنواعها"

[2] Белкин В.М. Арабская лексикология. –М.,1975. –С.105.

[3] http://www.fundararabist.ru/Know/arabianlanguage2.htm

рилган вақти, балки манбалари, ўзлашиш усуллари, шунингдек, миқдорига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Мумтоз, яъни классик давр қатлами тўлик ўзлашиб бўлган ва ассимиляциялашган, тил тизимидан муқим жой эгаллаган сўзлардан иборат бўлса, Европа тилларидан ҳозирги даврда ўзлаштирилган атамалар тилнинг лексик-семантик тизими томонидан буткул ўзлаштирилган ва ассимиляциялашган деб бўлмайди.

Аввалги ўзлашган классик сўзлар замонавий ўзлашмалар қатламига қарши туради. Классик ўзлашмаларда давомли ассимиляция ва истеъмол жараёнининг тугалланган натижаси намоён бўлса, замонавий сўзларда давом этиб тараққий қилиб бораётган жараённи кўришимиз мумкин.

Ўзга тилларга оид атамалар араб тилига унинг кўп асрлик тараққиёти давомида кириб келган.

Мумтоз араб тилидаги ўзга тилдан олинган луғавий бойликлар асосан мумтоз даврда (IX-XI аср) қабул қилинган бўлиб, асосан, форс, юнон ва бошқа тиллардан олинган ва деҳқончилик, ҳунармандчилик, маиший турмуш, моддий маданият, фалсафа, илм-фанга оид, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг турли кўриниш ва ҳодисалар номини англатган тўлиқ ўзлаштирилган сўзлардан иборат бўлган.

Европа тилларига оид атамалар эса XIX аср охири ва XX аср бошларида катта миқдорда ўзлаштирила бошланди. Бу жараён аксарият араб давлатларининг Европа мамлакатлари томонидан босиб олиниши билан боғлиқ бўлиб, улар ҳарбий қўшин ва маъмурий бошқарувдан ташқари европача маданият кўринишларини ҳам олиб келдилар[1].

Колониал босқинчилик даврининг бошланиши араб тилининг ўзга тиллар ҳисобига бойиши хусусиятига ҳам ўзгартириш киритди. Сурия, Ливан, Тунис, Жазоир ва Марокаш французлар, Ирок ва Судан инглизлар, Ливия эса итальянлар ҳукмронлиги остида қолди. Натижада ҳар бир мамлакат ёки минтақа ўзлашган сўзлар билан бойиш учун ўзгача алоҳида манбага эга бўлди.

Шунингдек, ушбу сўзларнинг соҳаларига кўра фарқланиши ҳам қайд этилади. Масалан, "Тунис аҳолиси тилига итальян тилидан балиқчилик, савдо ва молия" соҳасига, ливия халқи тилига эса маъмурий бошқарув, ҳунармандчилик ва маданий турмушга оид атамалар кириб борди[2].

"Араб тилининг Миср лаҳжасига эса жуда кўп миқдордаги география ва табиатга оид атамалар кириб келган"[3].

---

[1] Белкин В.М. Арабская лексикология М.1975 с.114-116.

[2] الرمدي، صالح الترجمة من حيث هي عامل هام من هوامل العدوي اللغوية في العلاقات بين اللغة العربية و اللغة الفونسية

[3] http://www.membrana.ru/horm/artikles

Европа тилларидан араб тилига дастлаб, итальян тили жиддий таъсир кўрсатди. Бу тилдан кириб келган атамалар, қуйидаги мисоллардан кўриниб турганидек, асосан савдо ва денгиз иши бидан боғлиқ.

Биржа - (بورصة (بورصات Капитан - (قبطان (قباطنة

Банк - (بنك (بنوك Қарокчи - (قرصان (قراصين

Бундай атамалар орасида умумий маънони англатувчи сўзлар ҳам мавжуд. Масалан,

Грипп – إنفلونزا

Шим - (بنطلون (بنطلونات

Шляпа- (برنيطة (برانيط

Ўрмончилик материаллари - (صقالة (صقالن

Араб тилидаги замонавий ўзлашган атамаларнинг катта қисми француз тилидан кириб келган. Бунда халқаро муносабатлар соҳасига француз тилининг миллатлараро муомала тили бўлганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Турли соҳаларга оид мазкур мисоллар ҳам француз тилидан олинган.

Пролетариат – بروليتاريا Фильм - (سينما (سينمات

Парламент - (برلمان (برلمانات Фильм - (فلم (أفلام

Телефон - (تلفون (تلفونات Радио - (راديو(راديوات

Бошқа тиллардан кириб келган ўзлашмалар озчиликни ташкил этади. Масалан, инглиз тилидан қуйидаги сўзлар кириб келган.

инг. winch - кўтарма кран - (ونش (أوناش

инг. workshop - устахона - (ورشة ورش)

инг.launch – катер - (لنش (لنشات

Араб мамлакатларининг барчасида муомалада бўлган пул бирликларининг номи ҳам турли тиллардан ўзлаштирилган: جنيه (جنيهات) "фунт' (Миср) сўзи инглизча "guinea" сўзидан, دينار (دنانير) "динор" лотинча "denarius" сўзидан, ليرا (ليرات) "лира" (Сурия, Ливан) итальянча "lira" сўзидан, درهم (دراهم) "дирхам" юнонча "drachma" сўзидан ва مليم (مليمات) "меллим" эса французча "milliema" сўзидан ўзлаштирилган.

Араб мамлакатларида узунлик, вазн ва электр қуввати ўлчов бирликларига оид атамаларнинг ҳам ўзлаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан,

Километр - (كيلومتر (كيلومترات Метр - (متر (أمتار

Сантиметр - (سنتيمتر (سنتيمترات Миллиметр - (مليمتر (مليمترات

Килограмм (كيلوغرام (كيلوغرامات Тонна - (طن (أطنان

Киловатт - (كيلووات (كيلووات Эл.ватт - واط

Эл.вольт – ولط

Арабшунос олим В.М.Белкиннинг таъкидлашича, "Замонавий араб адабий тилини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Европа тилларидан олинган ўзлашма сўзларнинг умумий миқдори у қадар кўп эмас ва луғат бойлигининг бир фоизига яқин қисминигина ташкил қилади"[1].

Ҳозирда ҳам адабий тилниинг лексик заҳираси ўзлашган сўзлар билан бойишда давом этмоқда, чунки араб жамияти ўзга давлатларнинг маданияти, илм-фани, техника ютуқлари билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганиб, аксар ҳолларда уларни атамалар сифатида қабул қилган ва ушбу ҳол замонавий араб атамашунослик тизими шаклланишида акс этади.

Масалан:

Интернет - إنترنت Телекс - تلكس

Компьютер - كمبيوتر Принтер - برينتر

Хулоса қилиб айтганда, бой меросга эга бўлган араб тили луғавий бойлигида хорижий тиллардан ўзлашган сўзларнинг кенг кўлами мавжуд бўлиб, бу ўзлаштириш жараёни ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Араб адабий тили атамаларини ўзлаштириш нечта манбага таянади?
2. Европа тилларидан олинган замонавий ўзлашма атамалар ҳақида гапиринг.
3. Сўзнинг шаклан ассимиляциялашуви учун асосий талаб нимадан иборат?
4. Классик тилдан (XVIII-XXаср) то Европа босқинчилигига қадар қабул қилинган дастлабки ўзлашмалар ҳақида мисоллар билан тушунтириб беринг.

Адабиётлар:

1. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975.*
2. *المغربي عبد القادر. كتاب الإشتقاق و التعريب*
3. *السيوطي عبد الرحمان "المزحر في علوم اللغة و إنواعها"*
4. *الرمدي، صالح الترجمة من حيث هي عامل هام من هوامل العدوي اللغوية في العلاقات بين اللغة العربية و اللغة التونسية*
5. *http://www.fundararabist.ru/Know/arabianlanguage2.htm*
6. *http://www.membrana.ru/horm/artikles*

[1] Белкин В.М. Арабская лексикология М.1975 с. 115

ДАРС № 12

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТУФАЙЛИ АРАБ ТИЛИГА КИРИБ КЕЛГАН ЭНГ ЯНГИ АТАМАЛАР

Дарснинг ўқув мақсади: *талабаларга араб тили лексикасига кириб келган энг янги техник, илм-фан, ишлаб-чиқариш, алоқа, автоматлаштириш, телевидение, интернетга алоқадор терминлар ҳақида маълумот бериш, аббревиатура – сўзларни қисқартириш тўғрисида тушунча бериш.*

Таянч иборалар: Янги технологияга доир атамалар, алоқага доир атамалар, интернетга доир атамалар, автоматлаштириш атамалари, телевидение атамалари, ўлчов атамалари.

Асосий саволлар:

1. *Н.С.Боднарнинг (М.2002) араб тилига янги кириб келган атамалар ҳақидаги маълумотлари.*
2. *"Бунн" ва "قهوة" қаҳва" сўзларининг изоҳи.*
3. *اتصال ومواصلات сўзларининг изоҳи.*
4. *Араб тилида аббревиатура – сўзларни қисқартириш.*

12.1. Н.С.Боднарнинг (М. 2002) араб тилига янги кириб келган атамалар ҳақидаги маълумотлари

Дунё миқёсида рўй бераётган фан-техниканинг узлуксиз тараққиёти натижасида истеъмолга янги техник атамалар кириб келмоқда. Бу ҳолатни араб тили лексик бойлигига ҳам таъсирини кузатиш мумкин. Араб тили луғатига аввал мавжуд бўлмаган ва қўлланилмаган янги атамалар кириб кела бошлади. Бу жараённи асосан фан, ишлаб чиқариш технологияларига, қишлоқ-хўжалик, алоқа, интернет, радиотелевидение, ўлчов, автоматлаштириш соҳаларида кўриш мумкин. Янги терминлар кириб келиши билан эски терминлар ўз-ўзидан истеъмолдан чиқади. Масалан:

Ўзбекча	Янги арабча	Эски арабча
Пасанги юк	رضراض	دقشوم
Пул бирлиги	عملة، نقد	قطع
Монополия	إحتكار	انحصار
Намуна, қолип	قالب	أورنيك
Пружина	نابض، زنبرك	ياي

Симоб	زئبق، زاووق	زيبق
Шайба	حلقة، وردة	فلكة
Фанера	خسب رقائقي، خشب معكوس	أبلكاج

С.Н.Боднарнинг 2002-йил Москвада нашр қилинган китобида берган маълумотига кўра, алоқа (почта) объекти мақсадида ишлатиладиган район, област, округга доир сўзларнинг қуйидаги шаклларини келтиради:

محافظة، منطقة، إقليم، قضاء، ناحية، مقاطعة، جهة، لواء، إيالة، ولاية، مديرية، شياخة، متصرفية، عمالة، كورة، مأمورية، إمارة

(Қуйидаги барча маълумотлар С.Н.Боднарнинг мазкур китобидан олинди)

Замонавий араб атамашунослиги фани янги атамалар ясашда ўзининг тизимига эга ва бу усул грек ва лотинча сўзлардан калкалаш йўли билан янги атамалар ҳосил қилиш билан боғлиқдир. У ёки бу соҳага тегишли сўзларни ниҳоятда аниқ бериш учун катта терминлар яратишга тўғри келади. Бундай терминларни амалда қўллашда жуда кўп қийинчиликлар туғилиши сабабли иккита сўздан тузилган терминнинг бирини тушириб қолдириш усулидан фойдаланиляпти. Масалан: برقية ўрнига رسالة برقية – телеграмма, تليفاكس ўрнига تليفون فاكس – телефакс, تضخم ўрнига تضخم مالي – инфляция – қадрсизланиш (ўзбек тилидаги давлат қўмитаси ўрнига давқўм сингари). Ёки 2 сўзни бирлаштириш усулидан фойдаланиляпти. Масалан: رأسمال – رأس مال – капитал, باشحاكم – باش حاكم – бош ҳакам, орбитр, توليد الكهرباء من قوة الماء – كهرمائي – гидроэлектрли (рус тилидаги “техобслуживание” сингари).

Кўп терминлар изофадаги иккита сўзни лексиколизация қилиш йўли билан ясалган. Масалан: ميزان الحرارة – термометр, ميزان القوة – динамометр – куч ўлчовчи асбоб, مجمع الكهرباء – (сўзма-сўз: электр тўпловчи) – аккумлятор.

النحت усули воситасида ٧ юкламасини от, сифат, масдарга қўшиш йўли билан ҳам янги сўз ҳосил қилинган. Масалан: ٧ تماثلية – носимметрия, симметриясиз, ٧ قانوني – ноқонуний, ٧ غية ٧ قيمة لها – ўз кучини йўқотган, جزء ٧ يتجزأ من... – бирор нарсанинг ажралмас қисми.

التعريب – “араблаштириш” усули араб тилидаги мавжуд сўз ясаш модел ва турларининг ўзлашаётган терминларга ассимиляция – қўшилиб кетишидир. Масалан: أتمت – автоматлаштирмоқ, أتمتة – автоматлаштириш, مؤتمت – автоматлаштирилган, أوتوماتي – беихтиёр, автоматик (تليفون أوتوماتي – телефон – автомат).

Азалий арабча усуллар билан бир қаторда транслитерация, яъни тавсифли усуллар ҳам бор. Иқтисодий соҳага алоқадор иборалар: إعادة تسمية فنة من فنات العملة – диноминация – пул қийматининг ўзгариши, أراضي دولة ما تحيطها أراضي دولة أخرى وليست لها سواحل البحر – анклав.

Маълумки, الاشتقاق усули билан ҳосил бўлган сўзларда префикс, суффикс, инфекслар қўллашдан фойдаланилади. Масалан: إنتاج، ناتج، منتجات، منتوجات сўзларининг барчаси "маҳсулот" маъносида келади. Шунингдек, лексик метатеза, яъни сўзлардаги ундошларнинг ўрнини алмаштириш йўли билан ясалган сўзлар. Масалан: بضع – بعض – баъзи қисм, бўлак, شروة – харид қилиш, رشوة – порага сотилган, فارغ – فاغر – вакант, бўш ўрин, لواء – إيالة – ولاية – вилоят.

12.2. بن "Бунн" ва قهوة "қаҳва" сўзларининг изоҳи[1]

Қуйидаги ҳолатни ҳам билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас:

Бир терминнинг аниқ таржимаси унинг бошқасидан фарқланишини англатади. Лекин шундай сўзлар учрайдики, унга мос эквивалентни бўлмайди. Масалан: قهوة، بن – сўзлари "кофе, қаҳва" маъносида ишлатилаверади. Лекин البن – мева сифатида қоврилади, туйилади ва сўнгра ундан ичимлик тайёрланади. القهوة га келсак, у ҳам "бунн"нинг ўзидан тайёрланган кофе. Ўзбек тилида иккала тушунча, яъни мева ичимлиги ҳам "кофе, қаҳва" деб юритилади. Агар улар ўртасидаги фарқлашнинг зарурияти туғилиб қолса, البن ва البن المطحون деб, яъни "донли кофе" ва "эритиладиган кофе" деб айтиш лозим.

12.3. اتصال ومواصلات сўзларининг изоҳи

مواصلات термини "алоқа" маъносида Сурияда وسائط الاتصال, Мисрда وسائل الاتصال, Ироқда эса وسائل المخابرة каби шаклларда ишлатилади. المواصلات البرية، بحرية، جوية – الموصلات яъни қуруқлик, денгиз, ҳаво алоқалари каби маъноларда тушунилади. Лекин التليفونية ёки البرقية – "телефон, телеграф" маъносида ишлатилмайди.

Араб тилида "алоқа" мазмунидаги термин الاتصالات деб таржима қилинади, المواصلات деб эмас, чунки المواصلات – транспорт, қатнов, алоқа маъносида ишлатилади. Бунинг фарқини қуйидаги жадвалдан билиб олиш мумкин:

---

[1] Кофенинг ватани Абиссиния, у ердан XVI асрда Саудия Арабистонига олиб келинган. Мокко шаҳри Яманда жойлашган бўлиб, у Бабул-Мандеб (кўз ёши) бўғозидан 74 км. узоқликда – Қизил денгизи қирғоғида жойлашган.

Автоматик алоқа	اتصال أوتوماتي	Радиотелефон алоқаси	اتصال تليفوني لا سلكي
Симсиз алоқа	اتصال لا سلكي	Радиофотограф алоқаси	نقل رادي (لا سلكي للصور الثابتة)
Юқори частотали алоқа	اتصال بواسطة التيار الحامل، اتصال بواسطة خط (قناة) التردد العادي	Космик алоқа	اتصال فضائي
Икки томонли алоқа	رباط مزدوج، ترابط ثنائي	Шаҳарлараро алоқа	اتصال خارجي (هاتفي، تلفوني) بين المدن
Қўш алоқа	اتصال متبادل	Кўп каналли алоқа	اتصال متعددة القنوات
Телеграф алоқаси	اتصال تلغرافي (برقي)	Бир томонлама алоқа	رباط (ترابط) أحادي
Телефон алоқа	اتصال تيليفون (هاتفي)	Электрон алоқа	تقارن إليكتروني
Уч томонлама алоқа	رباط ثلاثي	Рақамли алоқа	اتصال رقمي

12.4. Араб тилида аббревиатура – сўзларни қисқартириш

Араб тилида аббревиатура яъни сўзларни қисқартириш усули кам ишлатилсада, қуйидагилар айниқса ОАВ да қўлланилади. Араб қисқартма отларининг баъзилари сўзнинг биринчи ҳарфи билан бошланса, баъзилари охирги ҳарфи билан белгиланади. М: ن , شوال - ل دقائق –ق , رجب – ب , رمضان –

Бўлажак араб тили мутахассислари ҳар бир араб ҳарфи кайси қисқартма отни англатишини билишлари лозим.

Ўзбекча маъноси	Арабча қисқартмаси	Арабча тўлиқ ёзилиши
Ражаб (ойи)	ب	رجب
Соат, телефон	ت	ساعة تليفون

Сония	ث	ثانية
Жилд, кўплик, жавоб,	ج	جلد جمع جواب
Миср жунайхи	ج م	جنيه مصري
Олтин,доктор	ذ د	ذهب دكتور
Рейтер	ر	ريتر
Савол,жавоб	س ج	سؤال جواب
Сантиметр	سم	سنتمتر
Қатор	س	سطرة
Икс	س	سين
Шаъбон (ойи)	ش	شعبان
Шакл ,кўча	ش	شكل شارع
Сафар (ойи), саҳифа, игрик	ص	صاد صحيفة صفر
Аллоҳ уни раҳмат айласин	ص ع س	صلي الله عليه
Почта қутиси	ص ب	صندوق البريد
Почта кутиси	ص ب	صندوق البوسطة
Карат (қимматбаҳо тошларни ўлчов бирлиги)	ط	قيراط - قراط
Математикадаги айният, зетни англатади	ع	عين عينات
Устун, сон	ع ع	عامد عدد
Фиддан (ер ўлчов бирлиги)	ف	فدان
Дақиқалар	ق	دقائق
Милоддан аввал	ق م	قبل الميلاد
Сурия қирши	ق س	قرش سوري
Шаввол (ойи)	ل	شوال
Сурия лираси	ل س	ليرا سوري
Тамом , Муҳаррам ойи, мелод	م	تم محرم ميلادية
Рамазон	ن	رمضان
Милоддан кейин	ب م	بعد الميلاد
“Ал- Аҳром”нинг махсус мухбири	م ا خ	مراسل الاهرام الخاصّ
Ҳижрий (йил)	ه	هجرية
Араб ахборот	و ا ع	وكالة الانباء العربية

агентлиги		
Килограмм	ك	كلوغرام
Километр	كلم	كلومیتر
Ва бошқалар	الخ	الي آجره
Ва ҳаказо ва унга ўхшаш		وَ هَلُمَّ جَرًّا

Назорат учун саволлар:

1. С.Н.Боднарнинг Арабский язык (жанр коммерческих деловых бумаг и их языковая специфика) китобида араб тилига кириб келган техникага доир атамалар ҳақидаги маълумотлар тўғрисида гапиринг;
2. Коммерция, озиқ-овқат, алоқа, телефон соҳасидаги янги терминларнинг ясалиш йўлларини гапиринг;
3. Эллепсис (тушириб қолдириш) усулида яратилган терминларни мисоллар келтириш билан шарҳлаб беринг.

Адабиётлар

1. Боднар С.Н. Арабский язык (жанр коммерческих деловых бумаг и их языковая специфика). –М., 2002.

ДАРС № 13.

АРАБ ТИЛИДА СИНОНИМИЯ

Дарснинг ўқув мақсади: *Синонимия ҳақида умумий тушунча, Ибн Жинний асарида синонимия ҳақида фикрлар, Фаҳриддиннинг синонимия соҳасидаги қарашлари, Ибн Фариснинг ана шу масала ҳақидаги фикрлари, араб тилидаги синонимияни ўзбек тилидаги синонимия билан таққослаш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.*

Таянч иборалар: "اَلتَّرَادُف"، "مُتَرَادِفَاتٌ", лексик даража, лексик-семантик моҳият, Абул Фаражнинг фикри.

Асосий саволлар:

1. *Синонимия ҳодисаси;*
2. *Араб тилида синонимия ҳодисаси ҳақида;*
3. *Ибн Фариснинг синонимия ҳақидаги қарашлари;*
4. *Ибн Жиннийнинг синонимия ҳақидаги қарашлари.*

13.1. Синонимия ҳодисаси

Синонимия араб адабий тилининг лексик-семантик маҳсули сифатида қадим замонлардан араб тилшунослигининг эътиборида бўлиб келган муҳим масаладир. Араб муаллифларининг кўпчилик қисми, қадимги ва ҳозирги синонимия "اَلتَّرَادُف" ("تَرَادَفَ" кетма-кет келмоқ, "رَادَفَ" синоним бўлмоқ, ҳисобланмоқ) ва синоним "مُتَرَادِفَاتٌ" ларнинг мавжудлиги ҳақидаги масаланинг ижобий ечимини топган ва синонимларнинг талаффузи бўйича турли хил, лекин маъноси бўйича ўзаро тўлиқ мос келувчи сўзлар сифатида таърифлашган. Маънолари бир-биридан бироз бўлсада фарқланадиган сўзлар ҳам, хатто улар бир тушунчани ифодалагани ҳолда ҳам улар синонимлар бўлолмайди.

Ибн Жинний ўз асаридаги "Ўзак ва турлар шаклларининг фарқлари бўлгани ҳолда уларнинг маъно жиҳатидан мослашуви" бўлимида синонимия *"бир тушунча учун бир қанча шаклларнинг мавжудлиги ва ҳар бир аталишнинг асосини тадқиқ қилганда унинг маъно жиҳатидан бошқа сўзнинг маъноси билан уйғунлашади"* деб талқин қилади. Ўрта асрнинг бошқа бир атоқли филологи Ибн ал-Асир синонимия тушунчасини таърифлаганда Ибн Жиннийнинг тушунчасига хос таъриф бериб, *синонимия бу – турли хил сўзлар бўлиб, улар бир туб моҳиятнинг маъносига ишора қилади.* Масалан: اَلْخَمْرُ, اَلرَّاحُ , اَلْعُقَارُ номлари билан бир буюм, нарса, ҳодиса белгиланган, хусусан, улар

“узумдан олинган маст қилувчи ичимлик” маъноларини англатади. Эски адабиётлардаги синонимларнинг энг тўлиқ тавсифи Фаҳриддинга тегишли бўлиб, у Суютий томонидан келтирилган. Фаҳриддин синонимларни бир нарсани ифодаловчи бир туркумга хос “алоҳида сўзлар” сифатида таърифлаган. Бу турдаги сўзларга буюм номлари ва буюмлар таърифи тегишли эмас, булар синонимлар эмас. Яна буларнинг қаторига бир буюмни турли номлар билан атовчи сўзлар ҳам кирмайди. Масалан: سَيْفٌ , صَارِمٌ - қилич. Бир буюмни атагани ҳолда бир-икки сўз уни ҳар хил таърифлар тавсифлайди. Улардан бири буюмнинг моҳиятини, мазмунини таърифласа, иккинчиси белгисига ишора қилади. Синонимлардан бири худди бошқа синоним берган маънони беради, масалан: إِنْسَانٌ, بَشَرٌ – инсон. Унинг таъкидлашича *“баъзилар синонимияни рад этиб, ўхшаш сўзлар деб ҳисобланувчи сўзлар, фарқли бошқа-бошқа сўзлардир, чунки сўзлардан бири буюмнинг моҳияти бўйича номланиши бўлса, иккинчиси белгиси номи ёки белгининг белгиси”*дир.

13.2. Араб тилида синонимия ҳодисаси ҳақида

Бу ерда хусусан синонимларнинг алоҳида ҳодиса сифатида лексик даражадаги мавжудлигини (бир буюм турли номлар билан ифодаланганда) тан олинишининг тарафдорлари ва қаршиларининг кўп асрлик баҳсларининг моҳиятини хулосалаб берди. Умуман барча араб муаллифлари синонимия муаммосини ўрганганда асосий урғуни синонимларни умумлаштирувчи, уларни бир синонимик қаторга қўювчи ва бу сўзларнинг тўлиқ маънавий уйғунлигига эътибор берганлар. Маъно жиҳатидан турли хил фарқлар уларни синонимик қатордан четга чиқаради. Шу сабабдан мунозара тилдаги сўз маънолари бўйича айнан асл мос келувчи сўзлар хусусида боради.

13.3. Ибн Жиннийнинг синонимия ҳақидаги қарашлари

Кўпгина араб тилшунослари ва хусусан лексикографлари синонимия мавжудлиги ҳақидаги масалани ижобий ҳал қилиб, бир маъно икки ва ундан ортиқ сўзлар билан берилиши мумкинлигини айтишади. Абдулфаражнинг таъкидлашича, *“синонимияни рад этганларнинг сўзларини уларнинг бир қабила шевасига нисбатан айтилган эътироф, деб тушуниш керак ва агар икки шева назарда тутилса, ҳеч қайси ақлли инсон уларни рад эта олмайди”*. Ибн Жиннийнинг фикрларига кўра, бу фикр тил билимдонларининг нуфузли далиллари

билан тасдиқланади: *"бир тушунчанинг бир қанча сўзлар билан ифодаланиши, турли хил гуруҳлардаги сўзларнинг бир одамда йиғилганлиги сингаридир"*. Бу фикр хусусан қуйида келтирилган воқеада тасдиқланади: "Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В Ҳайбордаги ғалабаларидан қайтаётиб қўлларидан пичоқни тушуриб юборадилар. Ёнларида ўтирган Абу Ҳурайрадан пичоқни олиб бер (سِكِّينْ) деб мурожаат қиладилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В сўзларини англамаган Абу Ҳурайра атрофига қарайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В пичоққа ишора қиладилар. Абу Ҳурайра "сиз буни سِكِّينْ деяпсиз, биз مُدْيَاخْ деймиз, яна мен баъзи кишиларнинг буни شِفْرَاخْ (шафраҳ) деб айтганини ҳам эшитганман" дейди. "Ҳудо ҳаққи سِكِّينْ сўзини шу вақтгача ҳеч эшитмагандим" деганлар.

Эски араб лексикасини синчиклаб рўйхатга олган лексиколог ва лексикографлар маънодош синонимларнинг узундан-узун рўйхатини тузганлар, улар араб синонимикаси доирасида маъно жиҳатидан катта таассурот қолдирадиган рақамларни келтиришган. Хусусан кўпгина асарларда "أَسَدٌ" – шер сўзига 350-400 га яқин синонимлар мавжудлиги, "خَمْرٌ" – "вино" сўзига 100 та, "سَحَابٌ" – "булут" сўзига эса 50 та, "جَمَلٌ" - "туя" сўзига эса 100 тагача синонимлари борлиги таъкидлаб ўтилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, араб халқи учун туянинг аҳамияти жуда катта, чунки у транспорт воситаси сифатида қадимдан хизмат қилиб келмоқда. Араблар туянинг боласини шундай эъзозлайдиларки, ҳатто севгилиларини унга қиёс қиладилар. (Ўзбеклар фарзандини "бўталоғим" деб эркалатгани сингари). Уларнинг ҳаётидаги туянинг ўрнини қуйидаги арабча мақол маъносига қараб ҳам баҳолаш мумкин: إذا سرقتَ فاسرق جملا وإذا عشقتَ فاعشق قمراً) (Агар ўғирласанг туяни ўғирла, агар ошиқ бўлсанг, ойга ошиқ бўл.)

13.4. Ибн Фариснинг синонимия ҳақидаги қарашлари

Ибн Фариснинг айтишича, Ибн Ҳалвейҳ "أَسَدٌ" – "шер" сўзининг 500, "حَيَّاخٌ" – "илон" сўзининг 200 та номини топган ва ал-Асман тош сўзининг 70 хил номини билган.

Н.П.Остроумов "Исламоведение. Аравия, колыбель ислама" китобида شرب "ичмоқ" феълининг ичиш вақти белгиланмаганлиги, лекин صحب "эрталаб ичмоқ", غبك "кечки вақт ичмоқ" маъносида келиши ҳақида ёзади.

Араб тилида 6000 асос – ўзак борлиги айтилади. Араб тилида ундош товушларнинг ўринларини оддий алмаштириш билан янги сўзлар ҳосил бўлади: بكر "эрталаб бўлмоқ", كبر "такаббур бўлмоқ", ركب "транспорт воситасига ўтирмоқ ёки келмоқ", برك "тиззага чўкмоқ"(туя), ركب "қайғудан ҳаяжонланмоқ", ربك "боғламоқ"(6-209-бет).

Машҳур рус арабшунос олими Г.С.Саблуков араб тилининг бой имкониятлари ҳақида гапириб, шундай деган: "Араб ўзини ўраб турган табиатдаги барча ҳодиса – воқеаларни ўз тилида аниқ айтиб бера олади. Унинг тилида хатто туянинг, отнинг ёки саҳрода учрайдиган ҳар хил ҳайвонларнинг ҳар бир ҳаракатини англатувчи сўз топа олади. Масалан: кишининг ҳаракатини ифодаловчи "бормоқ" ва "юрмоқ" феълининг 25 та синоними бор. Улар муайян иш-ҳаракатнинг бир марталик оддий ҳаракатини, бошқаси эса бажарилган вақтига, эрталаб (саҳарда), кечки пайтми, эрталабми, эртаси куними, учунчи куними ёки кечаси билан юрдими барчасининг маъносига ишора қилади." (ўша китоб 209-бет)

Бундай рўйхатларда санаб ўтилган синонимлар предметнинг сифатини билдирувчи у ёки бу предметнинг белгисини ёки ҳодисасини, кўринишини, буюмларнинг келиб чиқиш номларини, уларнинг метаморфик ва кўчма турини ўз ичига олади.

Назорат учун саволлар:

1. Синонимия ҳодисасига таъриф беринг.
2. Араб тилшуносларининг синонимия тушунчасига нисбатан фикрлари қандай?
3. Синонимиянинг роли ва аҳамияти қандай?
4. Т.С.Саблуков араб тилининг бой имконияти ҳақида қандай фикр билдирган?

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лесикология. –М., 1975.*
2. *Лексическая синонимия. Сборник статей. –М.: "Наука", 1967.*
3. *Очерки по синонимике русского языка. –М., –Л.: "Наука", 1966.*
4. *ابن جني " الخصائص" ثلاثة أجزاء, ألقاهرة ١٩٥٦*
5. *عبد الرحمان السيوطى "ألمزهر فى علوم اللغة و أنوائها"*
6. *Н.П.Остроумов "Исламоведение. Аравия, колыбель ислама" – М., 2007.*

ДАРС № 14.

АРАБ ТИЛИДА ПОЛИСЕМИЯ – КЎП МАЪНОЛИЛИК

Дарснинг ўқув мақсади: *Полисемия ҳақида тушунча бериш, денотат тушунчаси, полисемия - янги сўзларни аффикслар ёки уларсиз ҳосил қилишнинг ўзи эканлиги, Фаҳриддин ар-Розийнинг полисемия ҳақидаги фикрлари, Ибн Жиннийнинг "Ал - Ҳақиқа" тушунчаси ҳақидаги фикрлари, семантик ўзгаришлар таснифининг тўрт тури ҳақида маълумот бериш.*

Таянч сўзлар: Кўп маънолилик, Метонимия, النقل, Метафора, الحقيقة و المجاز

Асосий саволлар:

1. *Кўп маънолилик – полисемия тушунчаси.*
2. *Сўзларнинг маъноларига кўра ўзгариши:*
   a) *Маъноларнинг торайиши;*
   b) *Маъноларнинг кенгайиши;*
   c) *Маъноларнинг аралашиши, ўзгариши.*

14.1. Кўп маънолилик – полисемия тушунчаси

Маънавий бирлик сифатидаги сўз лексик ва грамматик семантикага эга. Лексикология сўзга тилнинг луғат таркибининг бирлиги сифатида ёндошиб, сўзнинг лексик маъносининг асосий бирлиги бўлмиш лексик семантикани ўзининг асосий ўрганиш объекти қилиб олган. Сўзнинг лексик семантикаси деганда, сўзнинг сигнификатив (яъни маънонинг тил билан боғлиқ жиҳати), яъни мазкур сўзда мавжуд бўлган ***денотат*** (яъни тил бирлигининг хусусий мазмунини, асосий маъносини ифодаловчи)да акс эттирилган ахборотни ҳисобга олган ҳолда воқеликдаги муайян ҳодисаларга нисбатланиши тушунилади. Шундай экан, сўзнинг лексик маъноси, бир тарафдан, сўзнинг тилга алоқадор бўлмаган мазмунлар (яъни денататлар) ва мазкур сўз билан ифодаланувчи сўзнинг шакли, унинг ҳиссий бўёқлари ва таъсирчанлигини ўз ичига олган характеристикасини ўзида бирлаштиради.

Бир сўзнинг ўзи бир нечта турли хил маъноларни англатиши мумкин. Бу маънолар ўзаро алоқадор бўлишлари, кўп маъноли умумий тушунча (полисемия) асосидан семантик бирликни ташкил қилиш ёки ўзаро семантик боғланишга эга бўлмаган сўзларнинг товуш мажмуаларини (яъни омонимияни) ҳосил қилиши мумкин.

Кўпмаъноли сўзлар, одатда ўзаро боғланмаган ёки кам даражада боғланган предмет ва ҳодисаларни англатсаларда, кўп маъноли сўзларнинг маънолари ўзаро асослантирилган бўлади ва ўзаро бир-бирига бўйсундирилган, семантик жиҳатдан ўзаро тобе бўлган маъноларни ифодалайди ва сўзнинг айнан ўхшашлигига путур етказмайди. Кўп маънолилик воқеликдаги предмет ва ҳодисалар, ҳамда тушунчалар ўртасидаги боғланишлар асосидаги эмас, балки маънолар ўртасидаги ўзаро боғлилик асосида юзага келади.

Полисемия энг аввал *"долзарб деривация"* (яъни янги сўзларни аффикслар ёки уларсиз ҳосил қилиш) боғланишлари орқали бирлашган, сўзловчилар томонидан худди битта ясама сўзлар элементлари ўртасидаги муносабатлари каби англанадиган маънолар қатори сифатида қаралади. Кўп маъноли сўзларнинг айрим лексик маънолари сўз семантик тузилишининг таркибий қисмлари сифатида ички боғланиш орқали ўзаро бўйсундирилганлиги уларнинг функциясига ҳам, ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади.

Кўп маънолилик араб лексикасида кенг тарқалган ва у бир маънолиқка нисбатан умумий қоида ҳисобланганлиги учун, энг кўп қўлланиладиган сўзлар учун хос бўлган ҳодисадир. Бир маънолилик араб тилида нисбатан кам учрайдиган ҳодисадир.

Полисемия қадимдан нутқнинг чекланган миқдордаги белгилари билан тилда ифодаланиши лозим бўлган сон-саноқсиз миқдордаги тушунчалар ўртасидаги номутаносиблик натижасида юзага келадиган ҳодиса ҳисобланади. Аслида *"ҳар бир маъно учун унинг ўзини ифодалайдиган алоҳида ифода бўлиши лозим, бироқ бундай қилишнинг имкони йўқ"*. Фахриддин ар-Розий ва унинг издошлари *"ҳар бир маъно алоҳида сўз билан ифодаланиши мумкин эмас, чунки маънони англаб олиниши, чекланмаган бўлиши мумкин. Сўзларнинг ҳарфлардан ташкил топиши ва ҳарфлар сон жиҳатидан чегараланган эканлиги учун, уларнинг миқдори чекланган бўлади."* Чегараланган миқдордаги нарсадан ҳосил қилинган сўзнинг миқдори чекланган даражада бўлади. Миқдори чекланган нарса эса чегараланмаган миқдордаги нарсани ифодалай олмайди. Акс ҳолда ифодаланаётган нарсанинг миқдори ҳам чекланиб қолган бўлар эди. Шунинг учун ҳам, унинг фикрига кўра, الاسماء المشتركة ни яратиш эҳтиёжи туғилди, шу боисдан ҳам ифодаланиши лозим бўлган турли маънолар учун العين ва الجون ва اللون каби бир хил ифодалар белгиланди.

Араб тили тарихи давомида яратилган сўзларнинг бирламчи маънолари асосан аниқ ва таъсирчандир. Араблар ўзларини ўраб турган борликдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларни аниқ номлаганлар.

Аниқ маънодан мавҳум маъноларга ўтиш тарихий нуқтаи назардан қараганда оддий ўтиш тури ҳисобланади. Феълларнинг лексик-семантик-грамматик алоқаларни кенгайтириш орқали аниқликдан мавҳумликка ўтиш феълларга хос хусусиятдир, бу эса ўз навбатида уларнинг синтактик-грамматик алоқаларини ўзгаришига олиб келади. Бу жараён айниқса إمتطى - эгарланадиган ҳайвонга минмоқ, تاضل"ким биландир мерганликда мусобақалашмоқ", إستفتى "шариат масалалари бўйича хулоса чиқариб беришни сўрамоқ"إتر اد , "ўтлоқ ва сув излаш учун жўнамоқ", إستورد "сув олиб келиш учун кетмоқ" ва ҳаказо каби ўз объектлари доирасини кенгайтирган ва шу орқали маъноларни имкони борича умумлаштирган ички объектли феълларда намоён бўлади.

Номларда янги маъноларни ҳосил бўлиши асосан, сўзни ном сифатида бир предмет ёки қадимдан иккинчи бир предмет ёки ҳодисага ҳар қандай кўчириб ўтказиш оддий предмет алмашинувини англатиши туфайли сўздаги предмет – тушунча мазмунининг ўзгариши билан боғлиқ, бунинг устига сўзнинг атама сифатида қўлланган ҳар бир ҳол номнинг аниқ предметга кўчириб ўтказилган пайтда ҳам феъл дериватлари (яъни масдарлар, ҳақиқий сифатдошлар ва бошқалар) нинг абстракт семантикадан аниқ-предмет ном семантикасига ўтиш пайтида ҳам унинг лексик боғлана олиш хусусиятини ўзгартириб юборади. *"Сўзларнинг лексик жиҳатдан ҳам ва кўп ҳолларда синтактик жиҳатдан ҳам боғлана олиш хусусиятининг ўзгариши барча ҳолларда бўлиб ўтаётган семантик ўзгаришларнинг энг обьектив кўрсатгичи ҳисобланади".*

14.2. Сўзларнинг маъноларига кўра ўзгариши

Қадимги араб тилшунослари сўзнинг кўчма маъноларда қўлланиши маънони ўзгаришига олиб келадиган йўл эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Сўзларнинг бирламчи, асл маъносида қўлланилиши " ألحقيقة " тушунчасини Ибн Жинний "сўзларнинг бирламчи маъноларига мос тарзда қўлланиши" сифатида таърифлаган. Уларнинг поэтик ***метафора*** сифатида кўчма- мажозий маънода қўлланиши "ألمجاز" га қарама-қарши қўйилади. Масаланинг моҳияти шундаки, тўғри маъно – бу сўзнинг одатдаги, ҳамма томонидан қабул қилинган қўлланишидир. Узус (яъни ҳамма томондан қабул қилинган тарзда қўлланиши) орқали мустаҳкамланган ҳар қандай кўчма маъно тўғри маъно сифатига эга бўлади. Шундай қилиб, агар тўғри маъно кам қўлланилса, у ўз хусусиятига кўра кўчма маънога айланади, кўчма маъно эса ,агар у кўп қўлланилса, у ҳолда мазкур маъно ўз характерига кўра тўғри маънога айланади. Кўчма маънолардан фойдаланиш айниқса, сўзлардан атама сифатида фойдаланишни мустаҳкамлаш жараёни النقل – "Ан-нақл" кўчириш, деб аталади. Сўздан турли тасаввурларга муво-

фиқ равишда образли фойдаланиш унинг янги маънога эга бўлиши учун замин ҳозирлайди, бунда унинг аввалги рамзлари, маъжозлари йўқ бўлиб кетади ва янги ҳосил бўлган маъно мазкур сўзнинг тенг ҳуқуқли ва мустаҳкам маънолардан бирига айланади. Тарихий нуқтаи назардан ўзининг эски маъноларини ҳам сақлаб қолган сўзларнинг қадимий тўғри ва ясама, кўчма (яъни айни бир вақтда бўлиши) нуқтаи назаридан бундай қилишнинг имкони йўқ.

Мавжуд сўзларнинг маъноларини ўзгартириш учта турли жараённинг натижаси ҳисобланади. Улардан иккитаси араб тили доирасида чегараланган бўлиб, ё алоҳида сўзлар маъноларининг мустақил ва секин ўсиши, тадрижий ривожланиши ёки қисман ёҳуд мутлақо истеъмолдан қолган эски сўзлардан уларга янги маънолар юклатилган ҳолда фойдаланиш натижасида мазкур сўзларнинг тезлик билан тикланишидан иборат. Учинчи жараён бошқа тиллар билан боғлиқ равишда содир бўлади ва арабча сўзларнинг семантик жиҳатидан ўзларига ўхшаш бўлган сўзларнинг маъноларини ўзлаштиришда номоён бўлади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан биринчиси, сўзнинг белгиланган контексти ўзгариши чоғида сўз маъносининг ҳам аста-секинлик билан, сезиларсиз ва беихтиёр равишда ўзгариши ва бунинг натижасида унинг лексик-семантик тил тизимида яъни, нисбат ва боғланишларга эга бўлишидан иборат.

Сўзлардан фойдаланишдаги ўзгаришлар натижасида янги лексик маъноларнинг вужудга келишига мисоллар жуда кўп, таққосланг: "شَجَبَ" – ҳафа бўлмоқ "رَضَحَ" – нимадандир озгина бермоқ – бўйсунмоқ, "تفانى" – бир-бирини йўқ қилмоқ, "إحتَجَّ" – далил сифатида келтирмоқ "سَميكٌ" – баланд ва ҳоказолар.

Семантик ўзгаришлар тарихий жиҳатдан алоҳида сўзларнинг семантик ўзгаришларининг характерига қараб таснифланади. Улар қуйидагилар:

а) маъноларнинг қисқариши; б) маъноларнинг кенгайиши (яъни бу икки ҳолда тушунчаларнинг бирламчи ва ундан кейинги ҳажмлари қиёсланади);

в) маъноларнинг аралашиши, ўзгариши (мажоз, метонимия, яъни бир сўз ўрнида унга алоқадор бошқа сўзни қўлланилиши, масалан "пул" маъносида "ҳамён" сўзини, "овқат" маъносида "дастурхон" сўзининг ишлатилиши) синекдоха (яъни бутун нарсани унинг бир қисмининг номи билан ва аксинча, маъноларни уларнинг хажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаришини ифодаловчи, қисмни бутун нарсанинг номи билан аташ ва бошқа баъзи бирликлар).

14.3. Маъноларнинг ўзгариши

Маъноларнинг ўзгариши, яъни қисқариши умумий, асл маъноларнинг хусусий тасвирий маъноларга кўчиш ҳодисасидир. Мисоллар (уларда аввал классик, сўнгра замонавий маънолар берилган): "أثاث" – барча мол-мулк (уй ҳайвонлари билан биргаликда) – уй жиҳозлари; "غنم" – майда қорамол (қўйлар, эчкилар) – "қўйлар"; "ولد" – фарзанд (жинсидан қатъий назар) – асосан "ўғил бола"; "مأتم" – аёлларнинг хурсандчилик ва қайғули кунлардаги йиғин ва маъракаларининг номлари берилган.

Маънонинг қисқариши айниқса мавжуд лексикани атамалаштириш жараёни учун типик ҳолдир. Ислом динига оид кўпгина атамалар айнан шу усул билан исломгача бўлган лексика асосида ҳосил қилинган. Таққосланг: "حَجّ" – қаергадир жўнамоқ, кетмоқ – муқаддас жойларни зиёрат қилмоқ, "مُؤمِن" – бирор нарсага ишонувчи – диндор, эътиқодли, мусулмон ва шу кабилар. Шуни таъкидлаш лозимки, аниқ маъноларни англатувчи муайян ясама бирликлар (масалан "مِدفَع" – ирғитиш қуроли, яъни тўп) ларни мустаҳкамлаш жараёни ҳам маънонинг қисқариши билан биргаликда кечади.

Маънонинг кенгайиши – бу тор, хусусий маънодан кенг, асл маънога кўчиш ҳодисасидир. Масалан: "سُفرَة" – йўловчининг овқатланиши – овқатланадиган стол, "شَهِيد" – дин йўлида қурбон бўлган – ватан ва ғоя учун кураш йўлида қурбон бўлган, "سَجّادَة" – жойномоз, ибодат қилиш учун гиламча – гилам, "مَورِد" – сув манбаи, сувлоқ – манба, шунингдек таққосланг: "وَرَد" – сувлоққа етиб келмоқ, сув ичишга бормоқ, "زَيت" – зайтун мойи – ҳар қандай ўсимлик мойи ёки маъданли мой, "مِنحَة" – вақтинчалик фойдаланишга берилган ҳайвон, иш қуроли – ҳадя, "رائِد" – янги ўтлоқ қидираётган, қидирувчи – биринчи бўлиб кашф этган, топган, очган ёки ўзлаштирган киши, кашшоф, "زَمِيل" – биров билан бир туяда кетаётган ёки ишлаётган киши – ҳамкасб, биргаликда ишловчи, "مُخَضرَم" – ислом динигача бўлган давр ва ислом даври оралиғида яшаган шоир – ҳар қандай икки даврда яшаётган киши.

Мажоз (метафора) – икки предметнинг ўхшашлигига асосланган ҳолда улардан бирининг номини иккинчисига кўчиришдан иборат. Масалан: "عَين" – кўз – айғоқчи, жосус, "تُرثار" – серсув, суви мўл (булоқ ҳақида), " عَينٌ تُرثارَة" – сергап одам, эзма, вайсақи, сафсатабоз, "مَنزِل" – тўхташ жойи, манзилгоҳ – турар жой, "مَسأَلَة" – катта нина – ёдгорлик.

Метонимия – бирон- бир ҳодисани ўзаро боғланиши (яъни мазмунни ифодаловчи, сабаб-оқибат, материалдан ясалган буюм, атоқли от – турдош от ва алоқалар)га, предметнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳодисаларни англатишига нисбатланади; Таққосланг: "يَمِين" – ўнг қўл – қасам; "صَفَق" – қўл ташламоқ, бор барака қилмоқ – келишмоқ, битишмоқ; феълнинг бирлик шакли; "صَفقَة" "وَظِيفَة" – (бирор лавозимга

тайинланган кишига бериладиган) маош, мояна – лавозим; "قَهْوَةٌ" - кофе – қаҳвахона (агар бу илгари кенг қўлланилган "بيت القهوة" атамасининг қисқартирилган шакли бўлмаса); "رصاص" – қўрғошин – ўқлар; "حَدِيدٌ" – темир – кишан; "زُخَانٌ" – тутун – тамаки; "قطنٌ" – пахта – ип-газлама материалидан тикилган кўйлак; "حَرِيرٌ" – ипак – шойи кўйлак.

Метонимия араб тилидаги кўчириш усули сифатида ўзига хос хусусиятга эга ҳодиса ҳисобланади, шунинг учун ҳам тилшунос арабларнинг тилида нарсани, масалан, осмон ёмғирнинг сабабчиси бўлганлиги учун "مَطَرٌ" – ёмғир "سَمَاءٌ" – осмон сўзи баланд ёки "غيث" – бу ёмғир бўлганлиги учун, ёмғирдан кейин ўсиб чиқадиган нарсалар ҳам "غيث"" деб аталгани каби, сабаб номи билан аташга одатланганлиги таъкидланади. Атоқли отларнинг турдош от сифатида ишлатилиши ҳам метонимия деб аталади. (кўпинча улардан нисбий номлар ясалади). Бундай сўзлар сон жиҳатидан чегараланган бўлиб, қуйида улардан баъзилари мисол тариқасида келтирилади. "أَجْرُومِيٌّ" "Грамматикага оид" ва "أَجْرُومِيَّة" – грамматикада машҳур ва кенг тарқалган араб тилининг мактаб грамматикаси муаллифи Ибн Ажрум (1273-1323) нинг номидан ҳосил қилинган. "طفيليّ" – "чақирилмаган ёки келавериб жонга теккан меҳмон ва ҳатто текинхўр, бировникида унинг ҳисобига яшовчи" сўзлари ҳам ўзининг хиралиги билан ҳамманинг жонига текканлиги сабабли маълум ва машҳур бўлган куфалик Туфайлнинг исмидан, "عُرْقُوبِيٌّ" – ёлғончи, алдоқчи, ваъдабоз, берган сўзининг устида турмаслиги билан танилган Уруқбнинг номидан, "حاتِمِيٌّ" – саҳий, саҳийлиги билан ном таратган араб Хотамнинг исмидан, "قاموسٌ" – луғат сўзидан олинган: кенг тарқалган изоҳли луғат "القاموس المحيط" – нинг: "عِذْق" – юксак, афлотуний (муҳаббат) Бани Узро қабиласининг (мазкур қабила аъзоларига худди шундай муҳаббат хос бўлган.) : "حنفية" – Жумрак ҳовузда таҳорат олишда жумракдан фойдаланган имом Абу Ҳанифа ва унинг издошлари номидан: "حوّاءٌ" – аёл (шунингдек "بنت حواء") – Ҳавво (аёлларнинг аждоди); "آدميٌّ" – одамий, "آدمٌ" – Одам Атонинг исмидан келиб чиққан сўзлардир.

Иккинчи усул сўзларнинг предметларга нисбатини жуда зарур бўлган ҳолда ўзгартирилишидан иборат. Бу жараёнда адабий тилни жуда яхши билувчи шахслар асосий рол ўйнайдилар. Бунда маънолар ҳақиқий тадрижий ривожланишга эга бўлмайди – фақатгина мавжуд бўлган лексика танлаб олинади, ундан янгичасига фойдаланилади.

Қадимий тушунчалар билан янги тушунчалар ўртасидаги ўхшашликнинг англаб олиниши, қадимий, айниқса ярим унутилган ёки бутунлай унутилган, нафақат жамоатчилик томонидан, балки нуфузли тил муассасалари томонидан ҳам бундан буён фойдаланиш учун қабул қилинган сўзларнинг янги ҳосил қилинган сўзлардан маъно жиҳатидан қолишмаслиги сўзларни бир даврдан иккинчи бир даврга муваффақиятли равишда кўчириб олиб ўтилган ҳоллари ҳисобланади.

Масалан: тақкосланг: “مجلّة” – қоғоз ўрами, каноп – Журнал; “صحيفة” – ёзиб тўлдирилган қоғоз варағи – газета; “فنّ” – ниманидир тури, бошқача маъноси – санъат; “قاطرة” – карвондаги бош туя – лакомотив (паравоз, тепловоз, электровоз ва шу кабиларнинг умумий номи); “قطار” – туялар карвони – поезд; “أزمة” – камҳосил, қурғоқчилик йили – кризис, танглик; “أربة” – тугун – галстук.

14.4. Сўзларнинг ўзгариши

Ва ниҳоят, сўзларнинг маъноларидаги ўзгариш кўпинча бошқа тилнинг бевосита таъсир кўрсатиши орқали содир бўлади. Бундай ўзгаришлар арабча сўзнинг хорижий тилдаги у билан бир хил бўлган номни англатадиган сўз билан семантик битишувидан иборат ва шу билан биргаликда семантикасида бошқа тиллар билан битишув нуқталари мавжуд бўлган арабча сўзлар кўп ҳолларда хорижий сўзларнинг семантикасидан қисман ёки тўлиқ нусха кўчириши мумкин. Ушбу семантик калкалаш ёки семантик индукциялаш (яъни умумлаштириш) жараёни арабча сўзни ҳозирги замон эҳтиёжларига мослаштиришда сезиларли рол ўйнамоқда.

Аниқ ички шаклга эга бўлиб, лексикалаштирилган хорижий сўз бирикмаларининг таржималарида калкалашга доир энг содда ва намунали мисоллар кўзга ташланади. Тақкосланг: “طبيعة صامتة” – ни французча “nature morte”; “كلمة متقاطعة”– кроссвордни инглизча “cross-word”; “روضة الأطفال” - болалар боғчасини французча “jardin d’efants” билан, “ جسم السد” – русча “тело плотины” билан, “لون صارخ” – кичқирувчи (ярқироқ, дабдабали) ранг, “حقيقة عارية” – яланғоч ҳақиқат (яъни чин ҳақиқат), “منظرة ورديّة” – пуштиранг (ҳамма нарсани чиройли қилиб кўрсатадиган) кўзойнак ва ҳоказолар каби маъжозий хусусиятга эга бўлган хорижий сўз бирикмаларининг сўзма-сўз таржималари ҳам худди шундай характерга эга. Арабча сўзларни янги, аввал қабул қилинмаган контекст ва бирикмаларда қўлланиши сўзнинг семантик ҳажмини кенгайтириш усулларидан бири бўлганлиги учун араб адабий тилининг лексик-семантик меъёрларига асосан зид келмайди. Кўп вақтлар давомида француз тили араб тили учун семантик калкаланган сўзларнинг бош манбаси бўлиб келди. М: тақкосланг: арабча “وَسَط” – ўрталик, оралиқ – французча “millien” – шароит, муҳит, ора” орқали “عُضْوٌ” – аъзо, тана аъзоси сўзи французча “member” – аъзо (ташкилот аъзоси); “مَدْرَسة” – французча “ecole” – мактаб, таълим орқали; “كتلة” – қатта бўлак, палахса – французча “blok” – блок (бирлашма) орқали ” زَيْت” – мой инглизча “oil ” – нефть орқали; “إعتنق” – қучоқламоқ, французча “embrasser” – дин ёки таълимотни қабул қилмоқ каби сўзлари орқали ўзлашган.

Семантик қалқалар сон-саноқсиз ва бошланғич белги бўйича "خط" – чизиқ; "مَحَطَّة" – бекат; "إدَانة" – ҳукм қилиш ва ҳаказолар каби кўплаб семантик интернационализмлар юзага келади.

Айрим классик сўзларнинг маънолари тилшунослар томонидан хато сифатида қабул қилинади: семантикасини ўзгартириш бўйича маълум қонуниятлар нуқтаи назаридан тушунтириб берилиши қийин бўлган сўзлар улар қаторига киради. Масалан, таққосланг: "برهة" – узоқ муддат, ҳозирги қўлланишда қисқа муддат, лаҳза, маъносини англатади; фақат "وجد" – топмоқ феълининг масдари "وجدان" – ҳозирги қўлланишдаги "виждон" маъносини англатади, "إمتياز" – бирон нарсадан ажралиш, алоҳида бўлиш, замонавий тилдаги "имтиёз, устунлик" маъносида жаранглайди ва бошқа бундай кўчишлар кўпинча оғзаки тилнинг таъсири билан, адабий тил ва шевалардаги матнлар ўртасида тафовут йўқлиги билан изоҳланади. Тилнинг софлиги учун курашувчилар сўздан бундай фойдаланишни ва бир хил маъноли хорижий сўзлар таъсирида ҳосил бўлган сўзларнинг маъноларини хато деб ҳисоблайдилар.

Кўп маъноли сўзнинг барча маънолари йиғиндисида, унинг маъносининг ҳажмидаги алоҳида элементлар ифодаланаётган тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўз мустақиллик ва муҳимлик даражаси, фойдаланиш кўрсатгичи билан фарқланади. Кўп маъноли арабча сўзнинг семантик мазмуни таркибий тузилишига эга ва кўп ҳолларда унда маънолар иерархиясини (яъни босқичларга даражаланиши) кузатиш мумкин. Бунда битта асосий маъно бош ролни ўйнайди, бошқалари эса унга бўйсунади ва бевосита ёки билвосита равишда ундан келиб чиқади. Асосий маъно атрофида тарихан, тил қонуниятларига мувофиқ равишда, сўзнинг иккинчи даражали маънолари шаклланади.

Контекст билан энг кам боғланишга эга бўлган маъно энг муҳим ва асосий маъно ҳисобланади. Хусусий, иккинчи даражадаги маънолар ҳамма вақт ҳам сўзнинг контекстдаги мазмуни билан боғланишда бўлади ва асосий маънодан келиб чиқади. Бу ҳол қуйидаги маънолар мужассамлашган "أخ" сўзининг семантик тузилишида яққол кўзга ташланади: 1) "туғишган ака ", 2) огайни, 3) худди шундай, ўхшаш ("هذا الثوب أخو هذا" – "Бу кўйлак мана бу кўйлакка ўхшаш" иборасидаги каби), 4) "أخو الحرب" – доимо жанг қилувчи, жанговар; "أخو الكسل" – танбалликнинг акаси, яъни танбал, иборасидаги каби нимагадир хосликни билдирувчи ва ниҳоят "يا أخا تمم" – Тамимлик оғайни, мурожаатидаги кабилар бирон қабилага мансубликни билдирувчи сўнгги, бешинчи маънодир. Бу ердаги биринчи маъно асосий ва тўғридан-тўғри маъно ҳисобланиб, қолганлари эса ўша маънодан келиб чиқади. Улар кам тарқалган, услубий жиҳатдаги иборалар, ҳисҳаяжонли бўёқлар билан кўпроқ боғланишга эга, такрорланиш кўрсатгичлари бўйича ажралиб турадилар. Шу билан бир вақтнинг

ўзида айрим маънолар бир хилда тўғри ва номни англатувчи бўлишлари мумкин, лекин ўз мазмунига кўра улардан бирининг ҳосиласи сифатида иккинчисидан келиб чиқиши аниқ ҳолдир. Масалан, таққосланг: "رأس" – бош (одамнинг, ҳайвоннинг калласи) – "رأس الشجرة" – дарахтнинг учи; "كتف" – елка, кафт (одам ва ҳайвонларники) – "كتف الجبل" – тоғ ёнбағри; "فم" – оғиз – "فم الوادي" – водийнинг этаги – "فم البندقية" – милтиқнинг оғзи каби сўзлар.

Шундай қилиб, кўп маъноли сўзлардаги турли маънолар семантик жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғланишда бўлиши ва шундагина маъноларнинг лингвистик иерархияси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Шу билан бир вақтда турли маънолар синхрон тизимда кўпинча деярли тенг ҳуқуқли бўлиб қоладилар ва бунда маънолар иерархиясини белгилаш амалда мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳол кўпинча морфологик деривация усули билан ҳосил қилинган сўзлар учун хос бўлган ҳолдир. Алоҳида ажратиб олинган ҳолдаги бундай сўз тўлиқ бўлмаган семантик характерга эга бўлади. Масалан: "رئيس" – раис, "سائق" – ҳайдовчи, "جرار" – ташувчи ва ҳ. к ва бунда асосан сўзнинг алоҳида маъноларидан эмас, балки сўзнинг ўзидан фойдаланиш ҳақида гапириш мумкин.

Арабча луғат бошқа таржима қилиш пайтида турли сўзлар билан ифодаланадиган умумлаштирилган маънодаги кўплаб сўзларни ўз ичига олган, масалан: "صوت" – ҳар қандай предметнинг, ҳодиса (одам, тош, эшик, ҳайвон ва қуш ва ҳ.к.лар) нинг чиқарган товушини, "جرو" – ҳар қандай гўдакни, ваҳший ҳайвоннинг боласини, "فرخ – ҳар қандай қуш боласини, "بطن" – ҳар қандай тирик мавжудот ёки предметнинг ички қисмини(қорнини), "شظية" – ҳар қандай қаттиқ предметнинг парчасини англатади.

Назорат учун саволлар:

1. Сўзнинг лексик маъноси деганда нима тушунилади?
2. Кўп маънолилик нима?
3. Семантик ўзгаришлар қандай типларга бўлинади?
4. Араб тилшуносларининг кўп маънолилик масаласига доир нуқтаи назарлари қандай?

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лесикология. –М., 1975.*
2. *Звегинцев В.А – Очерки по обшему языкознанию. –М., «Просвещение». 1968.*
3. *Кацнельсон С.Д – Содержание слова, значение и обозначение. –М., –Л.: "Наука", 1965.*
4. *عبد الرحمان السيوطى ألمزهر فى علوم اللغة و أنواعها. القاهرة*

ДАРС № 15.

АРАБ ЛУҒАТШУНОСЛИГИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Араб лексикографияси тарихи ҳақида, таснифловчи луғатлар, Қуръон лексикаси билан боғлиқ луғатлар, аз-Замахшарий, Ибн ал-Асир, Абу Убайд, Ал-Файюнийларнинг яратган классик луғатлари ҳақида, ал-Хамадонийнинг, айниқса, ал-Халилнинг луғатидаги ўзаклар тўғрисидаги таълимотлар ҳақида, замонавий изоҳли луғатлар, Бутрус ал-Бўстоний, Ферузабод, Луис Маълуф, Абдуллоҳ ал-Алаймий луғатлари ҳақида, икки тилли луғат – Якоб Голиуснинг 1653-йилда нашр этилган луғати ҳақида, Хелдеге, Бевада, До Гойелар яратган луғатлар, Х.К.Барановнинг луғати, Ю.А.Крачковскийнинг луғати, Ўзбекистонда арабча луғатлар яратиш тарихи ва уларнинг муаллифлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш.*

Таянч сўзлар: Лексикография, изоҳли луғатлар, ўзак-уйи принципи, таснифий лугатлар, икки тилли лугатлар, алифбо приципи, А.Навоийнинг ўзига хос луғати.

Асосий саволлар:

1. *Лексикография (луғатнавислик) фан сифатида.*
2. *Махсус луғатларнинг типлари.*
3. *Махсус тематик луғатлар. Нодир сўзларнинг луғатлари, классик даврнинг изоҳли луғатлари.*
4. *Энг янги араб луғатлари: изоҳли, икки тилли луғатлар ва уларнинг тузилиш принциплари.*
5. *Луғатларнинг назарий ва амалий аҳамияти.*
6. *Ўзбекистонда яратилган икки тилли арабча луғатлар.*

15.1. Лексикография (луғатнавислик) фан сифатида

Луғатшунослик (лексикография) сўзнинг назарий – амалий жиҳатлари ҳисобга олинган луғатларни тузиш ҳақидаги фан ҳисобланади. Лингвистик луғатларнинг вазифаси муайян адабий тил таркибига кирувчи сўзларни шарҳлаш, сўзларнинг маъноларини мисоллар асосида изоҳлаш, сўзларнинг қўлланиш соҳалари ва чегараларини аниқлаш ва баъзи грамматик шаклларни белгилашдан иборат. Луғатнавислик ўрта асрлардаги араб тилида сўзлашувчи халқларнинг маданий ҳаётида катта аҳамият касб этган ва араб тилшунослигининг муҳим соҳаси ҳисобланган. Луғатлар тузиш ғояси арабларга юнонлардан ўтган. Бироқ, араб луғатнавислиги қандайлигидан қатъий назар, у ўзининг мазмун ва хусусиятларига кўра етарли даражада мустақил ва ўзига хос ҳодиса ҳисобланади.

Одатда, ўзлари тузган луғатларда араб тилининг софлигини қайд этган ва бунга кафолат берган луғатнавислар грамматик муаммолар билан шуғулланмаганлар. Фақатгина аз-Замахшарий грамматика соҳасида ҳам, луғатнавислик соҳасида ҳам мустақил асарлар яратди. Араб луғатнавислиги ҳали Европада бундай фаолият тури мавжудлиги маълум бўлмаган даврларда пайдо бўлган. Мусулмон дунёси луғатнависликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун энг қулай муҳит ҳисобланган. Араб адабий тилининг, ўрта аср мусулмон Шарқининг китобий ва ибодат тили сифатида тан олиниши араб адабиётининг тез ривожланиши араб тилидан бошқа тилда сўзлашувчи халқларнинг илмий фаолиятида воситачи сифатида фойдаланиш, ёзма тилнинг яхши андозаларга асос бўлишини таъминлаш, ҳамда турли шева кўринишларининг оғзаки тил сифатида кенг равишда қўлланиши ва араб тилининг икки варианти – ёзма ва оғзаки нутқда кўплаб фарқловчи белгиларнинг вужудга келиши – буларнинг ҳаммаси араб луғатнавислигининг бошқа тиллар луғатнавислигига нисбатан анча олдин пайдо бўлганлигига ва кўп асрлар давомида гуллаб-яшнашига сабаб бўлган. Бу ҳақда Ибн Халдун шундай деб ёзган: "*Араблашган кишиларнинг соф араб тилига зид бўлган нотўғри нутқи туфайли тилнинг луғатига путур етди ва арабча сўзларнинг кўпчилигидан нотўғри фойдаланилмоқда, бунинг натижасида эса, тилнинг софлигига етишишининг, Қуръон ва ҳадисларнинг унутилишини олдини олиш мақсадида, ёзиш ва қайд этиш йўли билан тилнинг луғатини сақлаб қолиш зарурияти туғилди*". Ўтган аср ва ҳозирги замон муаллифлари луғатнавислик китобларнинг ва семасиологик рисолаларнинг амалий асосда яратилганлигини кўрсатмоқдалар. Араб лексикографияси кенг ривожланган ва шу билан бир вақтнинг ўзида турли хилдаги луғатлар яратилган. Луғатнависликда ишлаб чиқилган илк назарий ва амалий тамойиллар, худди грамматикадаги каби деярли ўзгармасдан келмоқда. Араб луғатнавислигидаги бир тилли лингвистик луғатлар асосан қуйидагилардан иборат: 1. Маълум лексик ёки семантик белгисига кўра тизимлаштирилган таснифловчи луғатлар. 2. Барча лексик биргаликда жамланган ва алифбо тартибида жойлаштирилган изоҳли луғатлар. Кейинги даврларда икки тилли (умумий, терминологик) луғатлар кенг тарқалди.

15.2. Таснифловчи луғатлар

Араб луғатнавислиги, турли сабабларга кўра, Қуръон лексикасини ўрганиш билан боғлиқ равишда пайдо бўлган деб ҳисобланади. (غريب القرآن). Бундай лексикани йиғиш шубҳасиз, II ҳижрий асрдан кейинроқ бошланган. III ҳижрий асрда эса бундай луғатлар сони кўп бўлган, бироқ уларнинг кўпчилиги сақланиб қолмаган ва фақат номларигина бизгача етиб келган. Нафақат Қуръонда қўлланган қабила шевалари, балки унда қўлланган форсча, эронча, набатийча ва

бошқа тилларга мансуб лексикалар ҳам келтирилган "لغات القرآن" "Қуръоннинг шевалар луғати" шундай лугатлар қаторига киради.

Бироз кейинроқ, қадимий ривоятлар лексикасини ўз ичига олган луғатлар /"غريب الحديث"/лар пайдо бўла бошлади, улардан аз-Замахшарий (1075-1144) "ألفائق فى غريب الحديث" ва Ибн ал-Асирнинг "ألنهاية فى غريب الحديث" жамлама луғатлари бошқаларга қараганда машҳурроқдир. Натижада юқорида санаб ўтилган адабий ёдгорликлар асосида ҳар тарафлама таснифланган асарлар вужудга келди.

Диний адабиётга оид лексика одатда қадимги шеъриятдан келтирилган мисоллар билан далилланган, аналогия йўли билан ёки илоҳий ваҳийлар тилини ўзгартирилмаган ҳолда асраб келаётган деб ҳисобланган баъзи араб қабилаларининг вакиллари билан маслаҳатлашган ҳолда таҳлил этилган. Кейинги даврларда асарлар яратган муаллифлар эса ўз фикр ва мулоҳазаларини ўзларидан олдин яшаб ижод қилган муаллифларнинг асарларидан мисол келтириш орқали далиллаганлар.

Диний билимларнинг устуворлиги ислом дини, айниқса Қуръон ва ҳадисларга асосланган қонунчилик (фиқҳ) бўйича махсус терминологик луғатларнинг вужудга келиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Кейинчалик яратилган асарлардан ал-Файюмийнинг (1368 йилда вафот этган) сўзларнинг биринчи туб ўзаги бўйича алифбо тартибида жойлаштирилган (ҳаммаси бўлиб 27 та китобдан иборат) "المصباح المنير فى غريب الشرح الكبير" луғати ҳисобланади.

Қуръон ва ҳадислар лексикасига қизиқиш туфайли, умуман араб тилига нисбатан қизиқиш юзага келди, бу эса ўз навбатида адабий тилнинг турли қатламларига мансуб лексика жамлаган бошқа турдаги луғатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай луғатлар қаторида "الغريب المصنف" – биринчи ўринда туради. Мазкур луғатнинг муаллифи Абу Убайд (770-837) тушунарсиз ва қадимги араб шеърияти ва баъзи бир бошқа ёдгорликларда учрайдиган кўҳна лексикани мавзулар асосида тузилган 25 та китобга жамлади ва таснифлади. Луғат изчил равишда сайланган қуйидаги китоблардан иборат:

1) Инсон танасининг тузилиши; 2) Аёллар; 3) Кийим-кечаклар; 4) Озиқ-овқатлар; 5) Касалликлар; 6) Уйлар ва жойлар; 7) Отлар; 8) Қурол-аслаҳалар; 9) Қушлар ва ҳашоротлар;	13) Сувлар ва сув оқимлари; 14) Палма турлари; 15) Булутлар ва ёмғирлар; 16) Вақтлар ва шамоллар; 17) Ном ясовчи андозалар; 18) Антонимлар; 19) Бир нарсанинг турли номлари; 20) Туялар ва уларнинг сифатлари;

10) Идишлар ва қозон – товоқлар; 11) Тоғлар; 12) Дарахтлар ва ўсимликлар;	21) Ҳайвонлар; 22) Ёввойи ҳайвонлар; 23) Туб ўзакли сўзлар ҳақидаги китоблар.

Ҳар бир китоб нисбатан умумий белгиларга эга бўлган (900 тадан ортиқ) бобларга ажратилган. Луғат номлари кўрсатилган ва номаълум шоирларнинг асарларидан келтирилган кўплаб мисолларни ўз ичига олган. У араб луғатнавислигининг кейинги ривожланишига улкан ва ҳар тарафлама ижобий таъсир кўрсатган.

Анча кенг таркалган, ясама сўз турлари, ҳар хил араб шевалари лексикасини жамлаган ва вокализация (яъни ундош товушнинг унлига айланиши: ундош товушининг бўғин ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиш) нуқтаи назаридан (хусусан, шарқий ва ғарбий араб шевалари бир-бирига нисбатан) қиёсланган "كتب اللغات" – Қабилавий сўзлар китоблари ва "كتب النوادر" – "Нодир сўзлар китоблари" қадимги луғатнависларнинг ноёб лексикага нисбатан қизиқишлари ниҳоятда катта бўлганлигидан далолат беради. Қадимги араб қабилалари лексикаси энг кўп миқдорда жамланган аш-Шайбоний (719-820) нинг "كتاب الجيم" – луғати янада машҳуррокдир. Ибн ас-Сиккий (857 йилда вафот этган) " إصلاح المنطق" – да икки хил шакл ва бир маънога эга бўлган, шубҳасиз, турли қабилаларга тааллуқли кўплаб сўзларни келтирган.

Ибн Сиди (1066 йилда вафот этган) нинг 17 жилдлик "ألمخصص" – асари тизимлантирувчи луғатларнинг энг машҳури ва тўлиғи ҳисобланади. Мазкур луғатда аввало нисбатан умумий ва муҳимроқ бўлган, сўнгра эса, хусусий иккинчи даражали ҳодисалар кўриб чиқилади. У инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча нарса ва ҳодисалар (кийим-кечак, озиқ-овқат, уйқу, меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар) га бағишланган бўлим билан бошланади, сўнгра ҳайвонот ва наботот дунёси билан боғлиқ мавзулар доирасига ўтилади. Сўнгра эса, инсоннинг ижтимоий ҳаёти (иш, саёҳат, ўйинлар) билан боғлиқ лексика кўриб чиқилади, китобнинг охирида эса баъзи бир грамматик масалалар ва лексик ҳодисалар талқин қилинади. Ушбу луғат ўз мазмуни ва ифодалаш усулларига кўра қурама хусусиятга эга бўлиб, манбалари аниқ кўрсатилган мисолларни ўз ичига олган. У Абу Убайднинг " الغريب المصنف" – луғати учун асосий манбаа сифатида хизмат қилган.

Замонавий муаллифлар Ҳусайн Юсуф Мусо ва Абдулфаттоҳ ас-Саадий Ибн Сиди лугатининг асл нусха тузилишини ўзгартириш, бошқа манбалардан олинган қўшимчалар киритиш ва такрорланиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида икки қисмдан иборат бўлган "ألإفساح فى فقه اللغة"- номидаги китобни қайта нашр этдилар.

Унда лексика маъноларининг яқинлигини ва келиб чиқишига кўра тематик гуруҳларга бирлаштириш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам, у кўп жилдли энг яхши луғат ҳисобланиши билан бир қаторда, энг тўлиқ синонимлар луғати ҳам ҳисобланади. Ал-Ҳамадонийнинг "كتاب الألفاظ الكتابية" – ва ас-Саалабийнинг бир неча марта қайта нашр этилган "فقه اللغة" – каби бошқа асарларида ҳам кўп синонимлар берилган. Шунингдек, араб луғатнавислигида махсус синоним луғатлари ҳам кенг тарқалди. Эски луғатлардан кўпинча (қўлёзма), - "الروض المسلوف فيها له إسمان إلى ألوف" ва энг янги луғатлардан эса Иброҳим ал-Ёзижийнинг 1913-1914 йилларда Қоҳирада нашр этилган тугалланмаган луғати ва 1957 йилда Байрутда нашр этилган "قاموس المترادفات و المتجانسات" – деб номланган луғатлар кўп тилга олинади. Шунингдек, араб тилига чет тиллардан ўзлаштирилган лексик луғатлар ("المعرب мавжуд. Ал-Жаволикийнинг (1073-1144) "كتاب المعرب" – энг биринчи ва тўлиқ ўзлаштирма луғатларидан ҳисобланади. Аддо Ширанинг 1908 йилда нашр қилинган форсий лексика билан бир қаторда, юнон, лотин, оромий, турк, итальянча, французча, ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларни ҳам ўз ичига олган "كتاب الألفاظ الفارسية المعربة" – эса бу мавзуда тузилган энг сўнгги луғатлардан бири саналади.

15.3. Классик даврдаги изоҳли луғатлар

Маълумки, араб адабий тилининг бутун луғат бойлигини жамлаган, уларни алифбо тартибида жойлаштирилган ва унга киритилган сўзларнинг маъноларини шарҳлаган изоҳли луғат яратиш араб луғатнавислари фаолиятининг асосий мақсади бўлган. Бундай луғатларда араб лексикаси тўла-тўкис ҳолда ифодаланган ва асосан унинг таркибига киритилган сўзларнинг маъносини ўқувчига етказиб беришга ҳаракат қилинган.

Фақатгина ноёб ва тушунилиши қийин бўлган сўзларнигина шарҳлаб беришга ҳаракат қилган замондошларидан фарқли ўлароқ, араб лексикасини тўла очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ҳалил Ибн Аҳмад (786-791 йиллар атрофида вафот этган) томонидан тузилган "كتاب العين" – шундай луғатларнинг энг биринчиси бўлган. Ҳалил ўз замонасининг машҳур филолог-олими бўлиб, у лексикологиядан ташқари бошқа фанлар билан ҳам шуғулланган, хусусан, метрика (яъни шеър вазни, ўлчови ва унинг назарияси) ҳақида таълимот яратган. Унинг тўлиқ ҳолда сақланиб қолмаган луғатининг нашр қилинган нусхасида ўртача 144 саҳифа мавжуд бўлган.

Луғатнинг кириш қисмида кейинчалик араб тилшунослик назарияси ва грамматикаси учун асос бўлиб хизмат қилган фикр ва наза-

риялар баён қилинади. Ҳалил тил табиатини янада чуқурроқ тушунишга асос солди ва бу маънода луғатнинг кириш қисмида баён этилган назарий қоидалар араб луғатнавислигининг, шунингдек лексикологиясининг ҳам бундан кейинги ривожланиши учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилди. Ҳалил биринчи бўлиб ўзаклар ва уларнинг турлари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Луғат бир нечта китобларга ажратилган бўлиб, ҳар бир китобда бир хил ҳарф билан бошланган сўзлар жамланган. Бироқ, Ҳалилнинг алифбоси умумқабул қилинган алифбодан бироз фарқ қилган. Ундош ҳарфлар ўзларининг пайдо бўлиш ўрнига қараб, энг орқада-ҳалқумнинг қуйи қисмида ҳосил бўладиган товушлардан бошланиб, энг олдинда – лабларда ҳосил бўладиган товушлар билан тугайдиган тартибда жойлаштирилган. Ҳозирги вақтда Ҳалилнинг сўзларни бундай жойлаштириш тизимини санскритдан ўзлаштирган бўлиши мумкин деган фикрлар бор. Ҳалилнинг алифбо тизими қуйидагича кўринишга эга:

ا,و,م,ب,ف,ن,ل,ر,س,ذ,ظ,ت,د,ث,ز,ص,ض,ش,ج,ك,ق,غ,ه,خ,ح,ع

Луғат биринчи, яъни "`айн" китобидан (яъни бобидан) бошланади ва ҳар бир китоб сўздаги туб ундошларнинг миқдорига мувофиқ тарзда бобларга ажратилади. Ҳар бир китобда икки ҳарфли, уч ҳарфли, тўрт ҳарфли ва беш ҳарфли ўзакли сўзлар таснифланади.

Бироқ бу луғатда қабул қилинган ҳарфлар транскрипцияси (ўрин алмашиниши) тизими "تقليب الحروف" - луғатидан фойдаланишда асосан қийинчилик туғдиради. Бундай ўрин алмашинишлар мажмуини Ҳалил "қисм" деб атаган. Шундай қилиб "ع" сўзи устида (яъни "`айн" китобида) бу ҳарфнинг сўздаги жойлашган ўрнидан қатъий назар, ўзаги ушбу ҳарфни ўз таркибига олган барча сўзлар берилган, "ح" – ҳарфи остида (яъни "ҳа" бобида) ўзаги "ع" – ҳарфини ўз ичига олган сўзлардан "ع" – бобида берилгани сабабли мазкур ҳарфни ўз ичига олган сўзлардан ташқари, ўзаги "ح" ҳарфини ўз ичига олган барча сўзлар берилган, "ح" бобида эса – мувофиқ равишда, ўзаги "`айн" ва "ҳа" ҳарфларини ўз ичига олган сўзлардан ташқари "ҳа" ҳарфли барча сўзлар берилган ва ҳоказо. Луғатда лексикани бундай тартибда жойлаштириш усули, сўзларнинг кўпчилик қисми дастлабки боблар (яъни китоблар) таркибига киритилганлиги туфайли, унинг дастлабки бобларининг ҳажми жиҳатидан ниҳоятда катта, охирги бобларини ниҳоятда кичик бўлишига олиб келади.

Қарийб икки аср давомида Ҳалил томонидан ишлаб чиқилган луғат тузиш принципи ўзгармасдан қолди. Умуман олганда Ҳалил усули билан тузилган луғатлардан фойдаланиш қийинчиликлар туғдиргани учун улар кенг тарқала олмади.

Сўзларни жойлаштиришнинг иккинчи усули биринчи бўлиб Ибн Дурайд (837-934) томонидан "ألجمهرة" - луғатида берилган. Ибн Дурайд ўз олдига фақат кенг қўлланишга эга бўлган " الجمهور من كلام العرب" луғатини жамлаш вазифасини қўйган ва кам қўлланишга эга бўлган лексикани эса, мустасно сифатида луғатнинг сўнггидаги алоҳида бўлимига киритган. "ألجمهرة" нинг "كتاب العين" дан бирдан-бир фарқи шуки, унинг умумқабул қилинган алифбо тартибида жойлаштирилганлигидадир, унинг бошқа барча жиҳатлари эса Ҳалил усули билан бир хилда, яъни аввал 2 ҳарфли, улардан кейин 3 ҳарфли, 4 ҳарфли ва ҳоказо ўзакли сўзлар келтирилади. Ибн Дурайд ҳам худди Ҳалил каби сўзларни транспозиция тамойилига кўра бир уяга жойлаштиради. Сўзларнинг луғатда жойлаштирилиши узуқ-юлуқ ва яхши тизимлаштирилмаганлиги сабабли луғатдан амалда фойдаланишни осонлаштириш мақсадида унинг кўрсаткичларидан иборат қўшимча жилдини нашр қилишга тўғри келди ва у 1926-1932 йилларда Ҳайдарободда 3 жилд ҳажмида нашр этилди.

Луғатларнинг 3- гуруҳи энг машҳур араб луғатларини бирлаштиради ва уларда лексик материални тақсимлашнинг ягона усули қўлланилган. Луғатлар умумқабул қилинган алифбо тартибига мувофиқ тарзда сўзнинг охирги туб ундоши бўйича бобларга ажратилади, сўнгра боблар сўзнинг биринчи туб ундоши бўйича қисмларга ажратилади, қисмларда эса ўзаклар ўрта туб ундош бўйича алифбо тартибида жойлаштирилади, сўнгра заиф туб ундошлар "و" ва "ى" мавжуд бўлган сўзлар учун алоҳида боб ажратилади. Мазкур луғатларда энди туб ундошларнинг сонига қараб, ҳамда ўзакнинг тўғри ёки нотўғрилигига мувофиқ қисмларга ажратиш усули қўлланмайди. Ушбу усулдан воз кечиш луғатлардан фойдаланишни анча енгиллаштиради.

Ал-Жавоҳирий (1007 йилларда вафот этган) араб тилшунослигидаги бундай усулнинг отаси ҳисобланади. Унинг ҳозирги кунда кенг тарқлган "تاج اللغة و صحاح العربية" (ёки "صحاح")луғати охирги марта Қоҳирада 1956-1957 йилларда нашр қилинган ва у 28 бобдан иборатдир.

Луғатдан кўчириб ёзувчиларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган хатолардан сақланишлари мақсадида унлилаштиришни сўз билан ифодалаш тамойили қўлланилган.

Ибн Манзурнинг (1232-1311) "لسان العرب" луғати ҳозирги кунгача энг тўлиқ ва нуфузли арабча луғат ҳисобланади. Муаллиф ўз олдига араб лексикасини тўла-тўкис ҳолда жамлаш вазифасини қўйган ва таъкидлашларича "لسان" барча арабча ўзакларни ва уларнинг ҳосилаларини ўз ичига олган. Луғатнинг 1955-1956 йилларда Бейрутда чоп этилган нашри катта ҳажмли (ҳар бир саҳифада иккитадан устун), ҳар бири 500 саҳифадан 15 та жилддан иборат бўлган. У 80.000 га яқин сўзларни ўз ичига олган. Шунинг учун мазкур луғат ундан олдин нашр этилган луғатларнинг энг каттаси ҳисобланади. Ундаги уяларининг сони "القاموس المحيط" луғатининг фақат учдан бирига тўғри келган бўлсада, ҳажм жиҳатидан ундан тахминан 5 марта каттароқдир.

Ферузободийнинг (1326-1414) кенг тарқалган "قاموس" си эса барча араб луғатларининг умумий номига айланиб қолган "القاموس المحيط" ҳам машҳур луғатлардан ҳисобланади. Унинг биринчи босма нашри пайдо бўлган вақтда (1818 Калкутта) луғатнинг 8.000 та рўйхати мавжуд бўлган.

Луғатнавислар луғат тузиш пайтида сўзнинг луғатдаги ғоҳида ниҳоятда катта ҳажмли бўлган уяларга бойитиб ва оқилона жойлаштирилишига эътиборсизлик билан қараб, асосий диққатларини сўз ўзакларини белгилаш ва бу ўзакларни луғатга жойлштиришга қаратганлар. Луғат тузилишида ягона тамойилнинг мавжуд бўлмаслиги сўз маъносини ўзгартирувчи ва сўз ясовчи шаклларнинг етарли миқдорда бўлмаслиги ҳам луғатдан фойдаланишда қийинчиликлар туғдиради ва унинг нафини камайтиради. Ва ниҳоят, замонавий ўқувчи учун ўзакларнинг охирги ҳарфлари бўйича мувофиқлаштиришнинг ўзи ҳам ғайри оддий туюлади ва шунинг учун ҳам "القاموس المحيط" ва " لسان العرب" луғатлари одатдаги алифбога мослаштириб, ўзакнинг бош ҳарфи бўйича қайта ишланган. Чунки, эски луғатлардан сўз излашдаги қийинчиликкина эмас, балки тартибсизлик ва изчил мантиқнинг мавжуд эмаслиги ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, эски араб луғатлари ҳар доим ҳам тўлиқ ишонч билан фойдаланса бўлаверадиган тилшунослик манбалари ҳисобланмаган, бироқ анча кейинроқ тузилган луғатларда улкан лексик материал мавжудлиги, луғатнависларнинг ўзаро танқидлари инобатга олингани, ўзларидан олдинги луғатларда йўл қўйилган хато ва нуқсонлар тузатилганлиги сабабли улар амалий жиҳатдан фойдали ҳисобланганлар.

15.4. Замонавий изоҳли луғатлар

Янги араб луғатнавислиги XIX асрнинг ўрталаридан бошланган. Йирик бир тилли луғатлар ливанликлар томонидан тузилган.

Европага эса асосан икки тилли ўқув ва тематик луғатлар кириб келган. Бутрус ал-Бустонийнинг (1819-1883) икки қисмли (1866-1 қисм, 1869-2 қисм) "المحيط فى اللغة و اصطلاحات العلوم"луғати изоҳли луғатлар ичида машҳурроғи ҳисобланади.

Ферузободийнинг "القاموس المحيط" луғати ўз луғати учун асос қилиб олган ал-Бустоний классикадан кейинги даврга мансуб бўлган манбалардан кўплаб қўшимчалар, жумладан илм ва фан соҳаларидаги ливан шеваси лексикасини ҳам киритди. Муаллиф луғатдан фойдаланишни янада қулайлаштириш мақсадида сўзларни ўзакнинг бош ҳарфи бўйича алифбо тартибида жойлаштирган, шундай қилиб аввалари фақат махсус луғатлардагина қўлланган мазкур усул изоҳли луғатда биринчи марта қўлланила бошланди ва луғат араб луғатнавислигининг бундан кейинги ривожланишига катта ижобий таъсирини кўрсатди ва унга араб дунёсида юксак баҳо берилди.

Қоҳирадаги араб тили Академияси томонидан амалга оширилган икки жилдли "المعجم الوسيط" (1961) биринчи жамоавий лугатнавислик асари ҳисобланади. Унда бир луғат доирасида қадимий ва замонавий, шу жумладан кенг тарқалган атамалар қатламини ҳам жамлашга ҳаракат қилинган. Лугатда муаллифларнинг таъкидлашларига қараганда 1.000.000 дан ортиқ сўзни ўз ичига олган 30.000 дан ортиқ сўз уяси мавжуд. Луғатнинг кириш қисмида баён қилинишича, муаллифлар мазкур луғатга бошқа араб изоҳли луғатларининг ҳаммасиданда кўпроқ миқдордаги лексикани киритиш, ундан жой олган лексиканинг таркиби, сўзларнинг жойлаштирилиш усули, ҳамда сўз маъноларига берилган изоҳларнинг тушунарли ва аниқлигини таъминлаш ва шу билан арабча луғат тузиш санъатида янги йўналиш очишни мақсад қилиб қўйганлар. Луғатнинг замонавийлаштирилиши унинг таркибига "туя лексикаси" деб аталувчи, кам фойда берувчи ва бошқа ҳозирги кунда долзарб бўлмаган, лекин анъанавий равишда лексика луғатларига киритиб келинган лексикадан воз кечишда ва замонавий сўзлар рўйхатига асосан Академия томонидан тасдиқланган замонавий сўзларни киритишга рухсат берилган бўлсада, лекин у амалда ўз ифодасини топмади. Тақризчилар луғатда сўзларнинг ноаниқ, баъзан эса,нотўғри изоҳлар мавжудлигини, бир турдаги қоидаларнинг турлича талқин этилганлиги, бошқа жиҳатдан эса изоҳларнинг тушириб қолдирилганлиги ҳақида уқтирганлар. Буларнинг ҳаммаси луғатни нашр қилдиришдан олдин етарли даражада тайёргарлик кўрилганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган катта ҳажмли луғатлардан ташқари, Луис Маълуфнинг 1968 йилдан бошлаб кўп марта қайта нашр қилинган "المنجد" қисқача луғати кўпчиликка маълум. Ушбу луғат баъзи Европа тилларининг қисқача луғатлари намунасида тузилган, кўп марта тузатиш ва қўшимчалар киритилишига қарамай у араб тилининг энг яхши ўқув луғатига айланди.

Сўзлар мазкур луғатда алифбо тартибида жойлаштирилган ва ундан фойдаланувчилар араб морфологияси ҳамда сўз ясаш қоидаларини яхши билишлари талаб этилади.

Ўзакли – алифбо уяли луғати соф илмий, филологик ва лингвистик хусусиятларга эга. Сўзларни ягона ўзак бўйича уяга жойлаштириш сўз ясаш тизимининг семантик, асосан, сўз ясовчиларнинг боғланиш хусусиятини аниқлайди, сўзларнинг этимологик алоқалари умумий кўринишини белгилаб беради, ва ниҳоят, мазкур контекст учун энг мувофиқ келувчи ҳосилалардан бирини танлаб олиш имконини беради (бу айниқса имперфектдаги ёзувда "бир хил кўринадиган" I, II, IV боб феъллари учун тааллуқлидир). Ҳар қандай луғат, айниқса ундан оммавий равишда фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, биринчи навбатда маълумот олишга мўлжалланган бўлганлиги учун, араб луғатидан фойдаланишдек мураккаб санъатни соддалаштиришга, алифбога асосланиб тузилган луғатлар яратишга интилиш кузатилади. Алифбо тартибидан фойдаланилганда сўзни унинг ўзи учун аталган жойга ўта аниқлик билан жойлаштиради. Бунда сўзларни луғатга ҳарфлар бўйича жойлаштириш керакли сўзни топишни осонлаштиради ва тезлаштиради деган фикр таъкидланади.

Араб луғатнавислигида сўзларни бундай тартибда жойлаштириш усулидан кўп вақтлардан буён фойдаланиб келинган. Машҳур географик ва биографик луғатлар тузувчилари қаторида Ёқут ҳам ўзининг "معجم البلدان" ва "معجم الأدباء" номли луғатида материални ўзакни эмас, балки сўзнинг ҳарфлари бўйича жойлаштирган. Абдуллоҳ ал-Алаймийнинг "المرجع" (1963) луғати лексикани лингвистик луғатларда жойлаштириш бўйича ўтказилган қизиқарли, лекин охирига етказилмаган биринчи тажриба бўлди. Фуад ал-Бустаний ўзининг унга ёзган сўз бошисида, соф алдавий тартиби "*нафақат ёшларнинг ва кенг китобхонлар оммасининг, балки филология бўйича тайёргарлиги бўлган кишиларнинг ҳам сўзларнинг маъноларини уларнинг бош ҳарфлари бўйича ҳеч қандай қийинчиликсиз ва шубҳасиз билиб олишларига имкон беради*", - деб ёзган эди. Муаллиф ўз луғатида иккита Янгиликни амалга оширади: имкон бўлган жойларда сўз ва маъноларни тарихий келиб чиқишини кўрсатиб берди, ўзлаштирмаларнинг манба ва манба-шаклларини аниқлаш пайтида сўзларнинг замонавий атамавий маъноларини киритди, уларнинг инглизча ва французча эквивалентларини келтирди. Ал-Алаймий "Араб тилини ўрганишга кириш

ва янги луғат тузиш" китобида мазкур луғатнинг назарий асосларини таснифлаб берди.

XX асрда пайдо бўлган араб луғатларининг асосий афзаллиги лексик материални батартиб жойлаштиришда керакли сўзнинг луғатдан излаб топишнинг осонлигидадир. Бироқ луғатнинг тўлдирилишида ҳамон анъанавий усул устунлик қилмоқда. Уларда одатда " لسان العرب", "القاموس المحيط" каби эски асосан жамлама луғатларнинг лексикаси қатъий ҳисобга олинмоқда.

Қадимий лексик меросга асраб-авайлаб муносабатда бўлишга замонавий лексикани ўрганиш ва уни луғатларга киритишга нисбатан бироз бўлсада қизиқишнинг йўқлигига қарама-қарши туради. Араб тилида аввал маълум бўлмаган сўз ва маънолардан фойдаланилган, турли жанрларга тааллуқли бой мустақил ва таржима адабиёти мавжуд бўлсада, араб изоҳли луғатлари мана шундай, умумий ва кенг тарзда фойдаланиладиган атамавий лексиканинг асосий қисмини ўз доираларидан ташқарида қолдирмоқдалар.

15.5. Икки тилли луғатлар

Янги даврда араб луғатнавислиги Араб Шарқининг ташқарисида, айниқса, табиий равишда икки тилли луғатларга асосий эътибор қаратиладиган Европада кенг тарқалди. Европа арабшуносларининг айнан қадимий классикага қизиқишлари катта бўлганлиги сабабли, энг нуфузли классик араб луғатлари илк европа араб луғатнавислиги учун асос сифатида хизмат қилди.

Европа луғатнавислари ўз амалий ишларида асосан араб луғатнавислиги томонидан ишлаб чиқилган назарий ва амалий тамойилларга асосланганлар, лекин миллий араб луғатларини мослаштириш жараёнида уларни нисбатан тартибга солинган кўринишда мослаштирганлар. Якоб Голиуснинг 1653 йилда нашр қилинган (Жако-Би Голх Лехисон арабисо – латинум) арабча – лотинча луғати, икки аср давомида тузилган биринчи ва амалда ягона катта таржима луғати ҳисобланади. Ундаги сўзлар ўзак тизими бўйича ўзакнинг бош ҳарфи бўйича алифбо тартибида жойлаштирилган. "الصحاح" ва қисман бошқа луғатлар мазкур луғат учун асос сифатида хизмат қилган. Ўша вақтда ва кейинчалик тарқалган кўп тилли луғатлар араб тилини ҳам ўз ичига олган. В.Шиндларнинг 1962 йилда Ганноверда нашр қилинган катта беш тилли луғати ва Ф.Менинскийнинг 1680 йилда Венада нашр қилинган ва 1780 йилда қайта нашр қилинган уч тилли (турк-араб-форс) луғати шундай луғатларнинг типик вакилидир.

Адабий манбаларнинг танқидий нашрларига – йилнома, географик, филологик ва бошқа рисолаларга, одатда уларда қўлланган лексикани ўз ичига олган луғатлар мос келади.

Нелдеге, Бевана, До Гойе, Гвиди, Пеллоларнинг алоҳида соҳалар лексикасини ўз ичига олган шундай луғатлари мавжуд. И.Готвальднинг "Арабча – русча луғатининг Қуръон, етти муаллақот ва Имрул Қайснинг шеърлари бўйича тажрибаси" (Қозон, 1863) каби алоҳида адабий ёдгорликлари ёки В.Гиргаснинг луғати ("Араб хрестоматияси ва Қуръон лексикаси луғати" Қозон, 1881) каби классик адабиётнинг алоҳида тўплам ва хрестоматияларига бағишланган, тегишли таржима луғатларининг йўқлиги туфайли вужудга келган махсус луғатлар ҳам мавжуд.

Шу билан бир вақтда араб тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган, асосан классик йўналишдаги умумий икки тилли луғатлар пайдо бўлмоқда. Улардан бири Б.Белонинг кўп марта қайта нашр қилинган арабча – французча луғати (1883); Ж. Хаванинг арабча – инглизча луғати (1899), ҳамда М.О.Аттаянинг 1913 йилда нашр қилинган "Арабча – Русча" луғати шулар жумласидандир.

Араб адабий тилининг миллий озодликка интилиши туфайли майдонга келган, айниқса XIX асрнинг ўрталаридан бошланган юксалиши, ундан давлат тили сифатида фойдаланиши, матбуотнинг ва бадиий адабиётнинг ҳам ривожланиши адабий тилда, айниқса, лексика соҳасида янги сифатларнинг шаклланишига олиб келди. Араб мамлакатларига уларнинг бугунги кундаги аҳволига нисбатан қизиқишнинг ўсиши, Европа мамлакатларида араб тилини алоҳида амалий мақсадлар билан кенгрок ўрганила бошланиши асосий материали газета, расмий ҳужжат, амалий ёзишмалар ва ҳоказоларнинг матнларидан, кейинроқ эса, бадиий адабиётдан олинган материаллардан иборат бўлган кўп сонли луғатларнинг тузилишига олиб келди. Бундай ўқув қўлланмалари ва улар учун тузилган луғатларнинг сони биринчи жаҳон урушидан кейин сезиларли даражада ўсди.

Бундай ўқув қўлланмалари учун тузилган луғатлар албатта мазкур даврга хос бўлган барча неологизмларни акс эттириши лозим эди. К.В.Оде-Василева (1929) ўзининг "Янги араб адабиёти намуналари" учун тузган, замонавий араб лексикасининг етарли даражада тўлик бўлган биринчи луғати деб таъкидламоғимиз лозим. И.Илясовнинг 1923 йилда нашр қилинган ва кўп марта қайта нашр қилинган "Арабча – инглизча луғати" биринчи замонавий умумий луғатларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда замонавий араб лексикасини ифодаловчи ва замонавий арабча матнларни ўрганиш асосида тузилган катта ҳажмли

икки тилли луғатларга эҳтиёж сезилмоқда, араб дунёсидан ташқарида нашр қилинган тўлиқ арабча – хорижий тиллар луғатлари биринчи навбатда XIX асрдан бошлаб турли адабий манбалар ва танлаб олинган лексик материалларга асосланган амалий луғат-маълумотномалар ҳисобланади.

Х.К.Барановнинг "Арабча – русча луғати" ўзининг пайдо бўлиш вақтига кўра биринчи луғат ҳисобланади. Ушбу ўртача ҳажмли луғат (иккинчи нашри 33.000 та атрофидаги сўзларни ўз ичига олган) аввал бошданоқ у янгилик сифатида эътиборга сазовор бўлди. Ундаги янгилик шундан иборат эдики, ундаги лексик материаллар XIX асрнинг 80 йилларидан олинган.

Ю.А.Крачковский луғатининг 1940-1946 йилларда 4 марта босилиб чиққан биринчи "иккинчи жаҳон урушигача бўлган замонавий тил лексикасининг тўлиқ тавсифини беради" деб ҳисоблайди. Бу луғатнинг анча кўп миқдордаги ижтимоий – сиёсий лексика билан тўлдирилган иккинчи нашри (1957) бой ва турли лексик материални ўз ичига олган ва унинг вақт жиҳатидан чегараси 50-йилларнинг ўрталаригача боради. Луғат "қисман умуман араб тилини ўрганиш, унинг лексик – сўз бойликларини ва нутқ маҳоратини ўрганиш бўйича қўлланма" сифатида хизмат қилиши мумкин ва унинг сўз бошисида (13 бетда) айтилгандай асосан замонавий араб адабий матнларини тушуниш ва таржима қилиш учун мўлжалланган. Бироқ, унда тўғри фойдаланишнинг асосий шарти ҳисобланадиган сўзларнинг қўлланишига доир белгиларнинг мавжуд эмаслиги таржима ишларида қийинчиликлар туғдиради. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, замонавий лексика луғати аллақачон истеъмолдан қолган лексикани нисбатан узоқ даврга хос бўлган сўз ва маъноларни ҳамда меъёрий жиҳати шубҳали бўлган бирликларни ҳам ўз ичига олган.

Х.К.Барановнинг луғати ўзи мўлжаллаган мақсадлар – араб матбуотини, ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий адабиётларни ва белллетристикаси (яъни насрий – бадиий асарларини) тушуниш ва уларни таржима қилиш учун мувофиқ келади. Г.Верннинг "Арабча – немисча луғати" (1952) нашр қилиниш вақтига кўра иккинчи луғат ҳисобланади, кейинчалик унга қўшимчалар нашр қилинган(1959). Бироқ унинг асл нусхасига қўшимчалар ва кўплаб кейинги даврга хос қўшимча ва аниқликлар киритилиб қайта ишланган инглизча варианти (1961) нисбатан кўпроқ танилди ва кенг тарқалган. 45.000 атрофидаги сўзларни ўз ичига олган Г.Вернинг луғати ўз характери ва мазмунига кўра Х.К.Барановнинг луғати билан умуман олганда бир хилда ва у XX асрнинг 50-йилларининг охиригача бўлган лексикани ўз ичига олган. Луғатда арабча сўзларнинг маъноси синчковлик билан талқин қилинган ва шу

билан бирга кўплаб таржима вариантлари берилган. Луғатда амалга оширилган омоним ўзакларини алоҳида ҳолда бериш каби илмий-лексикологик тамойилларнинг қўлланилиши (гарчи бу тамойилларга охиригача амал қилинмаган бўлсада), баъзи бир сўзлар (янги академик атамалар, ҳудудий ва оғзаки шаклдаги шева лексикаси) нинг функцияси жиҳатидан чекланган даражада қўлланишини махсус белгилар билан ажратиб кўрсатилиши мақсадга лойиқдир.

Араб лексикографиясининг тарихида биринчи марта арабча сўзлар араб ёзувида унлилаштиришсиз ва замонавий ўзлаштирилмаларда фонетик транскрипцияга асосланган лотин транскрипцияда берган. Бу эса фақат араб ёзуви қўлланганидан кўра қулай афзалликларга эга. Уч ўзакли кенгайтирилган негизли (II - X туркумдаги) феълларнинг фақат рақамли белгилар билан ифодаланиши (4 ҳарфли феъллар транслитерацияланган) ҳамда исм шаклларининг алифбо асосида эмас "узунасига" жойлаштирилиши, шу билан бирга II – X туркумдаги феъллардан ясалган ҳосилаларнинг луғат уясининг охирида берилиши араб грамматикасини мукаммал билмайдиган кишилар учун баъзи бир ноқулайликларни туғдириши мумкин.

Агар Европа арабшунослиги луғатнавислиги учун ҳозирги пайтда асосан араб лексикасининг рўйхатини тузиш ва арабча – хорижий тил луғатларининг турли типларини тузиш қизиқтирса, миллий араб луғатнавислиги учун эса арабча – хорижий таржима маълумотларини тузиш биринчи ўринда туради.

Бу соф амалий манфаатлар хорижий тилларни ўрганиш зарурати ва хорижий тилдаги адабиётларни араб тилига таржима қилиш билан изоҳланади. Таржима асосан инглиз ва французча тилларидан қилингани учун, араб мамлакатларида нашр қилинган умумий ва махсус луғатларнинг кўпчилиги инглизча-арабча ва фарнцузча-арабча луғатлардан иборат. Айнан уларда лексика ҳолатидаги араб тилини замонавийлаштириш, ҳали араб луғатларида аналоглари (ўхшаш) мавжуд бўлмаган хорижий ва атамавий лексика учун аниқ эквивалентлар яратиш йўли билан уни хорижий лексик стандартга тенглаштириш учун аниқ интилишлар ифодаланганлиги учун ҳам улар араб лексикологияси учун қизиқиш уйғотади. Табиийки, бундай луғат қанчалик кичик бўлса, луғатнавислик тилларида таснифланган лексик воситаларнинг фоизларидаги нисбати шунчалик кўп бўлади. И.А.Ильясовнинг 1913 йилдан бошлаб Мисрда қайта-қайта нашр қилинган луғати ҳажм ва йўналишлари жиҳатидан ўртача луғат ҳисобланади. Унда асосан маданий ривожланиш ва кундалик ҳаётга тааллуқли лексикага асосий эътибор қаратилган, шу билан бирга унинг арабча қисмида

асосан умум томонидан фойдаланиладиган, араб адабиётшунослари томонидан қабул қилинган, шу жумладан туристлар томонидан рад қилинаётган лексикадан фойдаланилган. Бироқ И.Ильясовнинг луғатида атамалар кам миқдорда берилган.

Атамаларга мисрлик Исмоил Мазҳарнинг "Инглизча – арабча" ва ливанлик Мунира Баалбоқийнинг биринчи марта 1967 йилда Байрутда нашр қилинган луғатида катта эътибор берилган.

Муаллифларнинг ҳар иккаласи ҳам араб тили воситасида араб тилига мослаштиришнинг имкони бўлмаган инглизча сўзларни, айниқса илмий ва техника атамаларини беришда дадиллик кўрсатганлар ва кўплаб янги сўзларни берганлар. Ҳозирги кунда энг тўлиқ (100.000 та атрофидаги сўзлардан иборат) ва янги Вебстер ва Катта Оксфорд луғатлари асосида инглизча сўзларнинг тавсифий характеристикасини берувчи энг яхши луғат ҳисобланувчи Ал-Мавриднинг "Инглизча – арабча" луғати нисбатан кўпроқ қизиқиш уйғотади. Унинг арабча қисмида арабча соҳа луғатларидан ва Қоҳира Академияси томонидан тасдиқланган атамалар тўпламларидан кенг фойдаланилган. Шу билан бир вақтда "қопланмаган" инглизча атамалар экспериментал хусусуятга эга бўлган муаллифлик неологизмлари ҳисобига қопланади. Булар кўп ҳолларда сўз қўшиш орқали ҳосил қилинган ва тегишли изоҳлар билан тушунтирилган атамалардир. Сўз қўшиш орқали атамалар ясашга ҳаддан ортиқ берилиб кетиш баъзи арабча икки тилли луғатлар учун умуман хос, пурифекацияга қарама-қарши бўлган хусусиятдир. Кўрсатиб ўтилган бошқа бир янгиликнинг амалда қўлланганлиги, яъни феълнинг луғат шакли сифатида имперфектлардан фойдаланиш ҳам диққатга сазовор ҳолдир.

15.6. Ўзбекистонда яратилган икки тилли арабча луғатлар

Тарихдан маълумки, араблар Ўрта Осиёни, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини истило қилишлари натижасида ўзбек тилига араб сўзлари кириб кела бошлади. Бу жараён узоқ давом этди ва унинг натижасида ўзбек тилига кўп арабизм ўзлашди. Мутахассисларнинг фикрича, ўзбек тили луғат таркибида ҳозир 50%дан ортиқ араб сўзлари мавжуд. Араб сўзларининг ўзбек тилига ўзлашиши фақатгина юқоридаги йўл билан кириб келди, десак нотўғри бўлар эди, чунки ўзбек ва араб халқларининг қадимдан бошланган ўзаро турли алоқалари ҳам ўзбек тилига араб сўзларининг кириб келишига сабаб бўлган. Бу алоқаларни амалга оширишда албатта сўзликларга эҳтиёж сезила бошланган. Бу эҳтиёжни қондириш мақсадида ўзбек арабшунослари ҳам қадимдан арабча луғатлар яратишга ҳаракат қилганлар. Бунга яққол мисол қилиб ҳамюртимиз хоразмлик олим

Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144)нинг الفائق في غريب الحديث луғатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бобоколонимиз ҳазрат Навоий қадимда араб тили луғатини яратганлар. سبعة أبحر (етти денгиз) деб номланган луғатнинг шундай аталишига сабаб, Навоий етти манбадан фойдаланганлигига ишорадир. Биринчи манба Қуръони карим, иккинчи манба ҳадиси шариф, учинчи манба араб адабиёти, 4-7 манбалар унгача яратилган араб тили луғатларидир. Навоий бу луғатни яратишда Фирузободий (1326-1414)нинг قاموس المحيط луғатидан кенг фойдаланган. Навоийнинг бу луғати 28 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб 28 та фаслга бўлинган. Мазкур луғатдаги сўзлар охирги ҳарфларига қараб жойлаштирилган. Аввал охирги битта ҳарфига қараб, кейинги фаслда охирги иккита ҳарфига қараб сўзлар жойлаштирилган.

А.Навоий бу луғатни ўзидан кейинги ижод қилувчи шоирларга қофия топиш осон бўлиши учун тузган.

А.Навоий бу луғатни ниҳоясига еткиза олмаган, луғат مسودة (мусаввада) – қоралама шаклида қолган, яъни оққа кўчиришга улгурмаган.

XVII асрда туркиялик луғатшунос олим Маннининг 20 йиллик умрини ана шу луғатни тартибга солишга бағишлаб, оққа кўчириб китоб шаклига келтирган. Унга бу ишида Туркиядаги Куня шаҳри ҳокими ҳомийлик қилган. Узоқ йиллик ҳаракатдан кейин луғатнинг олти нусхаси яратилган. У ҳозир Аё София, Тўп Қопи кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистонда ҳам луғатнинг икки нусхаси мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Луғатда 60миндан ортиқ арабча сўз жамланган.

Мустақилликдан кейинги вақтларда республикамиз арабшунос олим– мутахассислари томонидан арабча луғатлар яратиш учун катта имкониятлар туғилди. Жумладан, 1996 йили Б.Ҳасановнинг “Ўзбекча – арабча бошланғич луғат”и ва “Қуръон сўзларининг луғати” нашр этилди. 1998 йили А.Абдужабборов, Н.Орифхўжаевларнинг “Ўзбекча-арабча-русча частотали луғат”и босмадан чиқди. 2000 йили Н.Иброҳимов, Б.Ҳасанов, О.Мусаев, Б.Иброҳимовлар муаллифликларида “Ўзбекча-арабча луғат” араб тили ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. 2003 йили наманганлик арабшунос олимлар – Одилжон Носиров, Муҳаммаджон Юсупов, Юнусхон Раҳматуллаев, Маҳмуджон Муҳиддинов ва Абдулҳай Нишоновлар томонидан “Ан-Наъим” номли арабча-ўзбекча луғат нашр этилди. Мазкур луғатни Ўзбекистонда арабча-ўзбекча луғат яратиш тарихида биринчи тўлиқ

академик луғат деб ҳисобласа бўлади. Кейинги йилларда ТошДШИ Араб филологияси кафедрасининг доценти Т.Ш.Қодировнинг "Арабча-ўзбекча-русча тематик лугат" (2006), "Қисқача арабча-ўзбекча-русча ижтимоий-сиёсий тематик луғат"и, "Қисқача арабча-ўзбекча-русча касб-ҳунар ва баъзи сифатларнинг номларига оид тематик луғат"лари нашр этилди.

Назорат учун саволлар:

1. Лексикография фани нимани ўрганади?
2. Араб луғатнавислиги қачон ва қандай юзага келган?
3. Биринчи изоҳли луғатларда лексика (сўзлар) қайси усул асосида жойлаштирилган?
4. Эски луғатларни замонавийлаштириш қачон ва қандай бошланган?
5. Европа араб луғатнавислиги қандай тараққий этиб борди?
6. Луғатларни тузишда луғатнавислар қандай муаммоларга дуч келган эдилар?
7. Ўзбекистонда яратилган арабча луғатлар ҳақида гапиринг.

Адабиётлар:

1. *Белкин Б.М – Арабская лексикология. –М., 1975, –С.164-192.*
2. *Крачковский И.Ю - Избранные сочинения. –Т.: 1 Из-во АН СССР, 1955.*
3. *Вопросы учебной лексикографии. Изд-во МГУ, 1969.*

ДАРС № 16.

XX АСР БОШЛАРИДА АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТИЛ ВАЗИЯТИ

Дарснинг ўқув мақсади: *Тил вазияти тушунчасининг шарҳини, 22 та араб мамлакатларидаги тил вазиятига умумий обзор бериш, ислом дини тарқалиши билан араб тилини тарқалиши, араб тилининг қўшни мамлакатлар тилига, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларининг тилларига таъсири, араб мамлакатлари мустақилликка эришишларининг тил вазиятига таъсири, Африканинг шимолидаги араб мамлакатларидаги тил вазиятининг Яқин ва Ўрта Шарқда жойлашган араб мамлакатларидаги тил вазиятлари ўртасидаги тафовутини, араб адабий тилига энг яқин бўлган Сурия ва Саудия Арабистонидаги тил вазиятлари, араб мамлакатларидаги тил вазиятларига Басра ва Куфа грамматика мактабларининг таъсири ҳақида тушунча бериш.*

Таянч иборалар: Тил вазияти, ғарбий тиллар, замонавийлаштириш (модернизациялаш), колонизация, миллатлараро алоқалар, бир хил тиллилик, ёзув-адабий ва нутқ сўзлашув тили, араблар истилоси, "олтин аср", турк босқинчилиги, европа мамлакатларининг истилоси, араб халқлари маданий мероси анъаналари.

Асосий саволлар:

1. *Араб мамлакатларидаги тил вазиятини аниқлаб берувчи омиллар*
2. *Араб тилининг Араб халифалиғида давлат тили деб эълон қилиниши*
3. *Қайси араб мамлакатларида бир тиллик (якка тиллик) ни кузатиш мумкин?*
4. *Қайси араб мамлакатларида асосий тил – араб тили билан бир қаторда европа тиллари ҳам хизмат қилади?*

16.1. Араб мамлакатларидаги тил вазиятини аниқлаб берувчи омиллар

Ҳар бир миллат тилининг шаклланиш жараёнида ўзига хос хусусиятлар пайдо бўлади, аммо муайян ҳудудда ва табиий иқлим шароитида узоқ давр бирга яшаб келган халқлар кўп асрлик иқтисодий ва маданий муносабатлар туфайли хўжалиги ва маданиятига хос умумий белгиларини ҳам шакллантириб келади. Бу ҳақиқатни араб тилининг шаклланишига ҳам йўйиш мумкин, чунки араб шарқида яшаб келган турли миллат ва элатлар миллий ўзига хослиги араб тилининг бетакрор хусусиятларининг мавжудлигида кўринади.

Тил вазияти деганда – муайян тилнинг мавқеи, ҳолати тушунилади.

Бирор мамлакатдаги тил вазияти деганда, муайян тилнинг пайдо бўлган давридан бери ривожланиш жараёни, унга кириб келган янги сўзларнинг ўзлашиши ҳамда унинг ҳозирги ривожланиши давридаги ҳолатини тушунамиз.

22 та араб давлатининг ҳар биридаги тил вазияти ўзига хос хусусиятга эга. Араб мамалакатларидаги тил вазиятини қуйидаги омиллар билан белгилаш мумкин:

Барча араб мамлакатларида миллатлараро асосий тил араб тили умумий бўлишига, яъни тилнинг ёзув – адабий ва нутқ – сўзлашув шакллари мавжудлигига қарамай, бу икки тилнинг қўлланиши борасида тафовутлар мавжуд. Араб мамлакатларининг ҳар бирида адабий тилга қараганда нутқ – сўзлашув тилида жуда кўп аҳоли гаплашади. Бундай ҳолатнинг сабабини аҳоли саводхонлигининг пастлигидан деб билиш керак.

Араб дунёсида тил ҳолатларининг ўзига хос манзаралари ва тарихий жараёнларнинг мазмуни унинг турли вақтларда тутган ўрни ва касб этган аҳамиятининг оқибатидир.

Шунингдек, айнан шу жараёнлар натижасида қадимий ва замонавий тил ва маданий анъаналарнинг келиб чиқиши, бир хил турда бўлмаган ва бир-биридан тубдан фарқланадиган тилларнинг шаклланишидир.

Натижада, ҳозирги пайтда араб мамлакатларида бир вақтнинг ўзида мумтоз араб тили, араб адабий тили ва кўпдан-кўп шева ва лаҳжалар қўлланилади.

Масалан, араб тилшунос олимлари ва диний арбоблар фаол равишда мумтоз араб тилидан фойдаланадилар.

Аммо, араб давлатларининг аксарият аҳолисининг саводи паст бўлганлиги (баъзи мамлакатларда то 80% гача, баъзиларида эса 50 % гача) сабабли у ерда минтақавий ва маҳаллий шева ва лаҳжалардан кенг кўламда фойдаланилади.

Бундан ташқари араб зиёлилари ҳам кундалик «асл» тилларини қўллайдилар.

Барча араб мамлакатларида араб тили давлат тили деб эълон қилинган. Лекин ҳар бир регионда араб адабий тилининг ўзига хос вариантлари мавжуд бўлиши араб дунёси тил вазиятининг ривожланишидаги қонуният ҳисобланади.

Баъзи араб мамлакатларида мустақилликка эришганларига кўп вақт ўтишига қарамай Европа тиллари таълим ва маданият соҳаларида катта ўрин тутади.

Араб дунёсидаги тил вазияти узоқ қадимдан – "Жоҳилия" давридан бошланади. У пайтда Араб ярим оролида барча арабларга тушунарли ҳисобланган араб тилидан ташқари яна қабилаларнинг ҳам тиллари мавжуд эди ва улар бир-биридан катта фарқланарди. Ана шу "Жоҳилия" даврида араб тили ўзининг камолот чўққисига чиққан, етуклик даражаси ва ифода кучи ўсган эди. Ўша пайтда Қурайш лаҳжаси барча араб лаҳжалари устидан ҳукмронлик қиларди.

Араб регионидаги тил вазиятининг шаклланишида арабларнинг ўз ҳудудларидан чиқиб, VII – XI асрларда форс, оромий, сурия тилларида сўзлашувчи халқлар ҳудудларини босиб олишлари катта воқеа бўлди.

Араблар ҳаётида бу мусулмон ҳаракати катта бурилиш нуқтаси ҳисобланган бўлсада, у араб миллатчилиги билан бутунлай боғлиқ бўлмаган. Чунки араблар босиб олган мамлакатларнинг баъзи аҳолиси ислом динига кирмаган бўлсаларда араб тилини қабул қилдилар, бошқалари эса, аксинча, мусулмон бўлиб қолган бўлсаларда араблашмадилар. (4-45)

Ислом динининг тарқалиши билан бирга араб тили ҳам Ҳинд қирғоқларидан тортиб, Амударё, Волга ва Хитойгача етиб борган. Бу тил Испанияда ва Жанубий Африкада тарқалди. (Худди Библиянинг тили лотин тарқалгандек). Шундай пайтлар бўлганки, араб тили нафақат диний тил ва мусулмончилик фанининг тили, балки дипломатик алоқалар, ҳатто хусусий номалар тили ҳам бўлиб хизмат қилган. (1- 207)

Араб тили истилочилар тили сифатида Араб ярим оролидан токи Ўрта ер денгизигача, Узоқ Шарқгача тарқалди. Пайғамбар Муҳаммад (С.А.В)нинг ўлимларидан 100 йилча ўтгандан кейин араб тили расмий, асосий (агар у ягона давлат тили бўлиб қолмаган бўлса) тил сифатида Таҳа қирғоқларидан Амударёгача чўзилган катта ҳудудга тарқалди. Шундай қилиб, Дамашқда ҳам, Куфада ҳам, Марвда ва Бухорода ҳам шеърлар ўша ягона араб тилида, қадимги араб кўчманчи шоирлари усулида, уларнинг шеър ёзиш ўлчови анъаналарига риоя қилган ҳолда ижод қилинар эди. Бу даврда араб тилининг кучли таъсири остида юнон, сурёна, оромий ва паҳлавий тиллари жонли тил сифатида барҳам топди.

Аббосийларнинг теократик[1] ва миллатчилик империяси ўрнига араб миллий давлати келганидан кейин араб тили ҳукмрон мавқеъда

[1] Теократик – руҳонийнинг сиёсий ҳокимиятни идора қилиш усули.

турди ва араб тилини ҳаттоки, арабларнинг маданий устунлигига қарши курашганлар ҳам ишлата бошладилар. (1-16)

Қоҳира, Искандария, Бухоро, Ҳиндистон, Туркистон, Қозон, Қримдаги мусулмон (мадрасаларда) мактабларида, шунингдек, Шимолий Африкадаги машҳур мактабларда араб тили энг ҳурматли мавқега эга бўлган (1-207).

16.2. Араб тилининг Араб халифалигида давлат тили деб эълон қилиниши

VIII асрда халиф Абдулмалик ҳукмронлиги даврида бутун араб халифалигида араб тили давлат тили деб эълон қилинди ва шу билан оромий – араб иккитиллигига барҳам берилди.

VIII асрнинг бошларидан эътиборан араб адабий тилининг "Олтин асри" бошланади. Чунки бу пайтга келиб бу тил дин, таълим, маданият, фан ва иш юритиш тилига айланган эди. Бу даврда Яқин Шарқ ва Африканинг шимолидаги араб давлатларидаги тил вазияти узоқ вақт бир маромда давом этди.

X асрда араб халифалигидан мустақил бўлган Сомонийлар ҳокимияти илм-фан ва адабиётга катта эътибор берди. Бу пайтга келиб араб тили секин - аста ўз ҳукмронлигини йўқота бошлади ва унинг ўрнини маҳаллий ҳисобланган форс ва тожик тиллари эгаллади. Лекин эътиборлиси шундаки, ўша даврнинг энг буюк олим ва шоирларидан Ибн Сино, Рўдакий, Абулқосим Фирдавсий кабилар ўз асарларининг бир қисмини ана шу тилда ёздилар.

Бундан келиб чиқиб, X асрда Сомонийлар ҳукмронлик қилган ерларда форс-тожик тили билан бир қаторда араб тили ҳам кучли таъсирга эга бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Ваҳоланки, ўзлари араб бўлмаган бир қанча маҳаллий шоирлар ўз шеърларини араб тилида ёзганлар. Ўрта Осиёда араб тилида ёзилган ас-Саолибийнинг "Йатимат ад - Даҳр" ("Замонасининг ягона дурдонаси") номли тазкираси машҳурдир. Бу асар тўрт қисмдан иборат бўлиб, X-XI асрларни, тахминан 912-1010 йилларни ўз ичига олади. (6-3)

Асарда келтирилишича, Бухоро Сомонийлар даврида шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонанинг илғор кишилари тўпланган жой эди. (Абу Мансур Саолибий "Йатимат ад - Даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср" 4 том, Қоҳира 1956 йил, 101- бет) Хусусан, бу даврда Бухорода 30 га яқин арабийнавис шоирлар ижод қилишган (6-3).

Ўрта аср араб манбаларининг тасдиқлашига кўра, араб классик тили билан араб адабий тили ўртасидаги тафовут IX-X асрлардаёқ кўринган. Араб тили тарихида бу давр адабий жанрлар, услубларни

тизимлаштириш (стандартлаштириш) ҳамда классик поэзия (шеърият), бадиий ва илмий прозанинг (наср) ривожланиши билан характерланади. Араб тили араблар ўртасидаги бирликнинг вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатди. У IX аср мобайнида исломлаштирилган халқларнинг ягона адабий поэзия (назм) тили бўлиб қолди. Араб халифалиги маданиятининг шаклланишида нафақат араблар, балки келиб чиқиши эрон, турк, сурия, грек ва бошқа халқлардан бўлган олимлар ҳам иштирок этганлар.

Араб тили ва адабиётининг шаклланишида ва ривожланишида Куфа ва Басра мактаблари катта роль ўйнаган. Басра мактаби намоёндалари араб грамматик қоидаларига риоя килишда собит турган бўлсалар, Куфа мактаби тарафдорлари анча келишувчи бўлганлар. (Абу Ҳайям ат-Тавҳид "Об арабах и персах" в сб. "Народы Азии и Африки" М. 1985г стр. 71)

Тил вазиятининг бирдан ўзгаришига XVI – XIX асрларда Усмонийлар империясининг араб мамлакатларини фатҳ этиши таъсир этди. Бу пайт турк босқинчиларининг зулми оқибатида араб тили вазифасининг торайиши ҳамда турк тили вазифасининг кенгайиши билан характерланади.

XIX асрнинг 30-йилларидан араб мамлакатларини Европа колонизаторлари томонидан босиб олиниши бошланди. Жазоирдан кейин Франция Тунисни (1881) ва Марокашни (1912) босиб олди. Англия эса 1882 йили Мисрни, XIX асрнинг охирида эса Суданни ўз таъсирига олди. 1912 йили Италия Ливияни босиб олди. Биринчи жаҳон уруши натижасида Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин, Иордания, Англия ва Францияга қарам бўлиб қолдилар.

16.3. Араб мамлакатларида бир тиллик ҳолати

Узоқ йиллик истибдод натижасида араб мамлакатлари токи ўз мустақилликларига эришгунларича ўзларининг сиёсий тараққиёти даражасига кўра қолоқ мамлакатлар қаторига кирар эдилар. Бу ҳол араб тили ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатмай қўймади. Мана шу узоқ давом этган босқинчилик сиёсати оқибатида кўп араб мамлакатларида ҳозирги кунгача ишчи тил сифатида олий таълимда араб тили эмас, балки чет тили ишлатилишига сабаб бўлди. Замонавий сиёсий вазият, чуқур ижтимоий- сиёсий жараёнларга жавоб бера олиши учун араб тилида жиддий замонавийлаштиришга (модернизация) эҳтиёж сезила бошланди. Бундай эҳтиёж асосан семантик, лексик – семантик, синтактик ҳамда илмий - техник терминлар билан бойитишда эди. Барча араб мамлакатларида араб адабий тили асосий

тил сифатида ҳисоблансада, лекин мазкур тилнинг қўлланиш даражаси у ердаги тил вазияти даражасининг турлича эканлигидан келиб чиқади ва бу фарқ анча сезиларлидир. Ҳаётнинг энг муҳим соҳалари ҳисобланган бошқарув, таълим тизимида (мактаб, олий таълим), фан, хўжалик фаолияти, ОАВда тилнинг ижтимоий вазифасининг турли даражалари яққол кўринади. Масалан, Саудия Арабистони ва Сурия каби мамлакатлар бир тиллик мамлакатлар сирасига киради. Лекин бу ердаги олий таълим ва фан соҳасида араб тили билан бир қаторда инглиз тили ҳам бир хил хизмат қилади. Ёки Марокашда ким француз тилини билмаса раҳбар лавозимига кўтарила олмайди. Чунки бу ерда бошқарув соҳаларида кўп ҳужжатлар француз тилида расмийлаштирилади ва нашр қилинади.

16.4. Араб мамлакатларида икки тиллик (араб ва француз) ҳолати

Тил вазиятининг турлича бўлиши араб мамлакатларидаги замонавий-маданий ва адабий ҳолат ўртасидаги тафовутдан келиб чикади. Бунга кўп йиллик колонизация сиёсатини бошдан кечирган Шимолий Африка регионидаги араб мамлакатларини мисол сифатида келтириш мумкин. Бу ерда араб халқлари маданий мероси аньаналаридан узоклашиш, шу билан бирга араб адабиёти билан бир қаторда француззабон адабиётнинг ривожланишини кузатиш мумкин. Арабийзабон адабиёт асосан араб адабиётига хос анъаналарни давом эттиради. Бу анъана Миср, Сурия, Ироқ ва бошқа араб шарқидаги мамлакатларда давом этмоқда. Бир хил этник таркибли аҳолига эга бўлган Яман, Миср, Уммон Султонлиги, Кувайт, Саудия, Сурия, Ливия, Баҳрайн, БАА, Иордания, Қатар каби мамлакатларда араб адабий тили асосий ўринни эгаллаган.

Араб мамлакатларидаги тил вазияти ҳақида бир қатор муаллифларнинг фикрлари мавжуд. Рус олими Н.П.Остроумов араб тилининг бой имконияти ҳақида шундай дейди: "Европаликларнинг тилида у ёки бу иш - ҳаракат бажарилишида бир неча сўз иштирок этса, араб бир сўз билан уни англатиб қўя колади. "У сувнинг олдига ичиш учун борди, лекин ундан ичиш учун нарсаси йўқлиги туфайли унга қараб турарди" иборасини араб бир جَبَهَ "юзига қарамоқ" феъли билан англатиб қўя колади, шунинг учун араб ёзувчиларига, хусусан, шоирларига ўз асарларини қисқа баён қилиш имкониятлари кенгдир" (1-210).

Кузьмина Н.Е. ўзининг "Арабский разговорный язык Судана" китобида шундай дейди: "Ҳозирги араб тили мураккаб ва жўшқин ходиса бўлиб, унда умумистеъмолдаги адабий (тоза – اَلْفُصْحَى) тили

билан бир қаторда регионал (маҳаллий - العامي) лаҳжалар ҳам мавжуд бўлиб, арабларнинг ўзлари уни халқ (вулгар) тили деб атайдилар" (3-3).

Лаҳжалар арабларнинг сўзлашув нуткида ўз ўрнига эга. Божхонада ҳам, банкда ҳам, расмий вазирлик кабинетида ҳам араблар тўлиқ лаҳжада ёки унинг баъзи шаклларидан фойдаланиб гап бошлайдилар, чунки уни билмасдан туриб оддий алокага кириша олмайдилар. Маҳаллий лаҳжалардан воқиф бўлиш дарҳол "дўстлар орттириш" га имконият яратади. Судандаги жуда кўп маҳаллий лаҳжалар (улар 200 дан ортиқ) орасида пойтахти Хартумнинг сўзлашув тили алоҳида ўрин тутади (3-4).

Араб мамлакатларида тил вазияти қандай бўлмасин, араб тилининг мавқеи (таъсири) кучайиб бормоқда, шунга кўра араб тилида сўзлашувчилар сони ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда араб тили БМТ нинг 6 та халқаро сўзлашув тили қаторидан жой олган. Бу воқеа 1974-йил 30-майда содир бўлди.

Назорат учун саволлар:

1. Араб адабий тили ўзининг "Олтин асри" да қайси томондан катта роль ўйнади?
2. Халиф Абдулмалик тил соҳасида қандай қарор чиқарди?
3. "Оромий – араб" иккитиллигига қачон барҳам берилди?
4. Шимолий Африкадаги қайси араб мамлакатларида француз тилининг мавқеи кучли?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Остроумов Н.П "Арабская средневековая культура и литература". –М., 1978.*
2. *Фетеева И.Г, Насирова М.А "Языковая ситуация в арабских странах" (конец XX века) –Т., 2010.*
3. *Кузьмина Н.Е. "Арабский разговорный язык Судана" Уч. Пособие. Изд. МГИМО 2007.*
4. *Тихонова Т.П. "Светская консепция арабского национализма Сати ал-Хусри". –М.: «Наука» 1984.*
5. *Крюгер К. (Австрия) Сахара. –М., 1971. перевод с немецкого И.А.Шеншина.*
6. *Абдуллаев И. "Бухоронинг арабийнавис шоирлари" –Т.: "Фан", 1965.*
7. *Баранов Х.К. "Арабско-русский словарь" –М.: Русский язык 1989.*

ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН АРАБ СЎЗЛАРИНИНИГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўғри, ушбу қўлланма "Араб тили лексикологияси" га бағишланган. Бу дегани, сўз фақат араб тилидаги сўзнинг этимологияси, бошқа тилдан ўзлашган атамаларнинг кириб келиши ёки ясалиши ҳақида бориши деганидир,лекин биз талабаларнинг бизга берадиган саволларидан келиб чиқиб, "лирик чекиниш"га ихтиёр қилдик. Яъни ўзбек тилига араб тилидан кириб келган арабизмлар ҳақида ҳам маълумот беришга жазм этдик, чунки талабалар ўрганаётган бирор фанда бу ҳақида маълумот берилмаган. Лекин талабаларда бунга эҳтиёж бор.

Филология фанлари номзоди Фотиҳ Абдуллаев ўзларининг ўзбек тилига ўзлашган арабизмга бағишланган тадқиқотларида ўзбек тилида 55% фоиз араб сўзлари борлигини таъкидлаганлар. Шунинг учун бўлғуси арабшунос мутахассис учун она тилимиздаги ана шунча кўп араб сўзларининг асл маъноларини ва уларнинг кўчма, янги маъноларга эга эканлигини билишлари фойдадан холи эмас.

Ўзбек тилидаги араб сўзларини тадқиқ этган бир неча тилшунос олимларни тилга олиш мумкин. Юқорида зикр этилган Ф.Абдуллаевдан ташқари Т.И.Раҳмонов "Ҳозирги ўзбек тилидаги ўзлашган арабча сўзларнинг сематик тузилишидаги ўзгаришлар" мавзусидаги номзодлик илмий ишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Маълумки, чет тилининг семантикаси ўзлаштираётган тилнинг луғат таркиби ҳамда тараққиёт даражасига кўра тўла,қисман, ва ҳатто бутунлай ўзгарган ҳолда ўзлашиши мумкин.

Маълумки, тил бу турғун ҳодиса эмас, у жамият тараққиёти натижасида турли хил ўзгаришларга юз тутади, яъни у жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимдан халқлар, миллатлар ва элатлар ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқа ва муносабатда бўлганлар. Уларнинг муносабатларидаги ривожланиш ва тараққиёт самаралари ана шу халқларнинг тиллари лексикасида ҳам ўз ифодасини топган. Шунга кўра ҳар бир тилнинг лексикасида бошқа тиллардан кирган лексик элементларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Араб тилидан кирган сўзларнинг тақдири тарихан турличадир. Шундай сўзлар борки, улар ўзлашиб, ҳозирги ўзбек тилидаги семантик эволюцияси, айниқса, характерлидир. Бунда халқ ижодий қайта ишлаган сўзлашув тилига сингиб кетган кўпгина сўзлар ўз маъноларини кенгайтирган ёки ўзгартирган. Зеро, ҳар бир тилда мавжуд бўлган сўз, ўсимлик ёки ҳайвонларнинг ҳужайралари сингари ўзларига хос ҳаёт кечирадилар: уларнинг семантикаси, орфографияси тўхтовсиз ўзгариб туради. Шунингдек, сўзларнинг маънолари ҳам ўзгариб боради.

Араб сўзларининг ўзбек тилига кириб келиши хилма - хил бўлганлиги сингари унинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар ҳам турличадир. Т.И.Раҳмонов ўзининг илмий ишида ўзлашма сўз семантик тузилиши 3 хил вужудга келиши ҳақида айтиб ўтган:

1. Сўз маъноларининг кенгайиши;
2. Сўз маъноларининг торайиши;
3. Сўз маъноларининг кўчиши ҳодисасидир.

Ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришларни қуйидагича тасниф қилади:

1. Ўз маъносини сақлаб қолган ўзлашмалар;
2. Сўз маъноларининг кенгайиши;
3. Сўз маъноларининг торайиши;
4. Ўзлашмаларнинг умуман янги маъно касб қилиши, яъни сўз маъноларининг ўзгариши ва зидлашуви.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати таркибида шундай ўзлашмалар мавжудки, улар ўзлашиш жараёнида қандай семага эга бўлган бўлса, ўзлашгандан сўнг ҳам фақат ана шу маънода қўлланилади. Бундай ўзлашмаларда икки тилда ҳам маънолар тенглиги ҳодисаси кузатилади. Масалан, "машҳур" ўзлашмасининг семантик тузилишида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Бу сўз араб тилида مشهور –машҳур, шуҳратли, донг таратган, таниқли маъносида келади. Ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам арабий маъносининг айни ўзидир. М: "Ўзбек ойим… чала думбул табиатли бир хотин бўлса ҳам, … эрига ўткирлиги билан машҳур эди". (А.Қодирий "Ўткан кунлар").

Икки тилда ҳам бир хил маънони англатувчи арабча ўзлашма сўзларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ботин, боис, боқий, вожиб, воиз, волида, вали, водий, дохил, доим, жозиба, жоиз, жоҳил, золим, коҳин, лойиқ, мафтун, масрур, матлуб, маҳфий, машьум, мавжуд, мусаффо, мусаллас.

Тилга киритилган баъзи сўзлар халқнинг табиатига сингмаса "ўгай" сўз бўлиб юраверади ва у бир кун истеъмолдан қолади. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида "республика" сўзи ўрнига "жумҳурият" сўзи, "район" сўзи ўрнига "ноҳия", "врач" сўзи ўрнига "ҳаким" каби арабча сўзлар ўзбек тилига олиб кирилди, лекин оммавий ахборот воситаларида ишлатилгани билан ўзбек лексик бойлигига сингиб кета олмади.

Баъзи ўзлашма сўзлар ўзбек тилига ўтиши жараёнида моносемантик (бир маънолик) маънога эга бўлган ҳолда вақт ўтиши билан у полисемантик тузилишга эга бўлишига ёки сўзнинг сўз берувчи тилдаги бирор семаси асосида сўз ўзлаштирувчи тилда янги семалар воситасида янги сўзлар ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзбек тилига араб тилидан ислом дини ёйилиши даврида кириб келган قربان –"қурбон" сўзи ўзлашиш жараёнида араб тилидаги моносемантик хусусияти йўқолиб, полисемантик шаклга айланган. Бу сўз ўзбек тилида араб тилига нисбатан бир мунча кўп маънода қўлланилади. قربان сўзи араб тилида битта "қурбон қилиш" маъносига эга. Араб тилида قدم القربان – "қурбонлик қилмоқ", ўзбек тилида эса қуйидаги маъноларда қўлланилади:

1. Худо йўлида қурбонликка сўйилган ёки сўйиладиган жонлиқ. (Қурбон ҳайитида)

2. Бирор эзгу иш, эзгу мақсад йўлида ёки севикли кишиси, нарса ва бошқа шу кабилар учун курашда ҳалок бўлган, жон фидо қилган киши.[1]

Ўзбек тилида мураккаб феъл кесим вазифасида келадиган Қуръоннинг алоҳида оятлари ёки қадимги ривоятлар билан боғлиқ баъзи сўзлар, масалан: кунпаякун (аслида "кунфаякун" бўлиши керак) (арабча маъноси- "Бўл,ва шу заҳоти бўлади"). М: "Шаҳар ўртасидаги икки катта бино ҳам кунпаякун бўлди" (Мирмуҳсин "Она"). Бу турдаги ўзлашмалар ўзбек тили изоҳли луғати таркибида жуда кам учрайди. А.С.Пейсиковнинг кўрсатишича, баъзи арабий ўзлашма сўзлар ўзида янги маъно касб қилади, мустақиллигини йўқотади ва сўз ясовчи элементга – полуаффиксга ёки префиксга айланиб қолади [2].

Ўзбек тилига "суи"префикси ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар ҳам ўзлашган. Араб тилида мазкур сўз:

1.Ёмонлик, хафалик, хафа қилиш;

2. Бахтсизлик, офат, фалокат маъноларини англатади. Суиистеъмол - ўз манфаати учун йўл қўйилганидан ортиқча фойдаланиш.

Мисол: "Сиз ўз мансабингизни суиистеъмол қилиб 6 гектар ердаги ғўзага трактор солиб юборибсиз. (И.Раҳим "Ихлос")

Суиқасд - кимсани йўқ қилиш, ўлдириш учун қилинган ҳаракат, қасд.

Мисол; "Ёмонлар суиқасдидан саломат қутулишингиз муборак бўлсин." (А.Қодирий" Ўтган кунлар").

Худди шу ўзлашмалар каби "ғайрун"غير сўзи билан бошланган сўзларни келтириш мумкин. Бундай сўзлар: 1. Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, сабабини билиб бўлмайдиган, одатдан ташқари ҳодиса. 2. Сунъий, ясама, ғалати .

---

[1] Раҳмонов Т.И Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашган сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Номзодлик диссертатсияси автореферати. –Т., 1994. 5-б.

[2] А.С.Пейсиков , "Лексикалогия современного персидского языка –М., 1975. –С.44.

Бундай сўзларга ғайритабиий, ғайриахлоқий, ғайриқонуний, ғайридин, ғайриилмий, ғайришаръий кабилар мисол бўла олади.

Араб тилидан ўзлашган баъзи сўзлар семантик зидлашув (аутоавтономия) ҳодисасига учраган. Бундай сўзларнинг араб тилидаги маъноси ижобий, ўзбек тилидаги маъноси салбий ёки аксинча ҳолда бўлиши мумкин. Кўпинча ўзлашма сўзлар ўзлаштирувчи тилга ўтиш жараёнида ўзларининг маъноларини ўзгартириб кириб келадилар, уларнинг актив тилдаги маънолари билан пассив тилдаги маънолар ўртасида фарқ бўлиши мумкин. М: "савод" سواد сўзи араб тилида أسود-асвод(қора) сўзи каби бир ўзакдан ясалган ва у "қоратмир, қора доғ, кўп, оламон, қора кийим" маъноларини англатса, ўзбек тилида эса юқорида келтирилган маъноларнинг бирортасига ҳам яқинлашмайдиган, яъни унга зид бўлган "савод" маъносида ишлатилади. М: "Саводингизни анча чиқариб қўйишибдими? - Ким? - Билмадим. (А.Қаххор" Қўшчинор").

"Валад" ولد сўзи сўз берувчи тилда: 1.Бола, гўдак, фарзанд; 2. Ўғил, ўғил бола; 3.Карта, валет маъноларида келса, ўзбек тилида эса шарият йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола, хароми маъноларини англатади.(Валади зинонинг айниси).

Юқоридаги сўзларнинг араб тилидаги маънолари "ижобийлик"ни англатувчи семалар атрофида бирлашган бўлса, ўзбек тилидаги маънолари "салбийлик"ни англатувчи сема атрофида бирлашган. Шунга ўхшаган сўзлар кулфат, фарз, ракиб, мухлис,шафқат, иффат, шиддат, басир маъноларида келади.

Ўзлашма сўзларнинг ўзбек тили қонуниятларига сингиб кетиши натижасида, уларнинг иштирокида жуфт отлар ҳам ҳосил қилинган, албатта бу жуфт отлар ҳосил бўлиш жараёнида ўзбек тили грамматик қонун-қоидаларига бўйсунган ҳолда ясалган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бундай сўзлар кам эмас. Икки сўзнинг грамматик тенг боғланишидан ясалган ва бир умумий тушунчани ифодалайдиган отлар жуфт отлар дейилади. Ўзбек тилидаги жуфт отларнинг ҳосил бўлиш жиҳатига кўра қуйидагилардан ясалган:

а) синоним сўзлардан;

b) бир-бирига яқин маъноли сўзлардан;

с) антоним сўзлардан.

Юқоридаги жуфт сўзлар тасниф қилинганда, биринчидан, синоним сўзлардан ҳосил бўлган жуфт сўзларни ҳам бир қанча турларга бўлиш мумкин:

а) жуфт отларнинг иккала қисми ҳам арабча бўлган ўзлашма сўзлар;

b) бир қисми арабча, бир қисми эса бошқа тилга мансуб жуфт сўзлар.

Иккала қисми ҳам арабча бўлган жуфт отларни, "айши-ишрат" каби жуфт сўзи мисолида шарҳланса, мазкур жуфт сўз – давомли, сурункасиз кайф-сафо, майхўрлик, ишрат қилиш деган маънони англатади.

М: "Бутун бойлигини айши-ишрат, фаҳш, бузуқлик оламида совуриб…ниҳоят тақдир уни завқ-сафо тахтидан унинг ифлос остонасига отган эди." (Ойбек "Қутлуғ қон")

Айш сўзининг алоҳида маъноси – 1. Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фарогат, нашъу- намо.

М: " Мана сиз кўрган жой, бемалол айшларингизни қилинглар" (А.Қаҳҳор"Майиз емаган хотин").

2." Кайф-сафо, ишрат" сўзига мисол: "Олифта одам Аҳмад, Ҳусайнга ўшшайган ҳолда, оғзини катта очиб: "Уху айш жойида-ку"-деди. (Ойбек "Нур қидириб").

Араб тилида бундай жуфт от мавжуд бўлмаганлиги сабабли унинг арабчасидаги маънолари фақат алоҳида-алоҳида ўрганилади.М: алам-изтироб, сайр- саёҳат, саъй- ҳаракат, сир- синоат, вақт- соат, сиҳат- саломат, диққат - эътибор, куч-қувват, мол- дунё, фаҳм-фаросат, иззат- икром, хавф- хатар, ҳайр-эҳсон, назр-ниёз, хат- савод, хулқ-атвор, ор-номус, сабот- матонат, сабр-тоқат, қонун- коида, раҳм-шафқат, хийла-макр.

Жуфт сўзларнинг иккаласи ҳам арабча сўзлардан иборат бўлганлари кўпроқ. Лекин жуфт отларнинг бир қисми форсча ҳам бўлиши мумкин. М: Аҳд-паймон, қадди-баст.

Жуфт сўзларнинг бири бирликда, иккинчиси эса ўша сўзнинг кўплиги бўлиб қайтарилиши мумкин: Ҳол- аҳвол, расм-русум, шарт-шароит, ҳақ-ҳуқуқ, олим-уламо, вазир-вузаро, амир- умаро, фақир-фукаро.

Антоним сўзлардан ташкил топган жуфт сўзлар ҳаёт-мамот (ҳаёт-ўлим), савол –жавоб, ҳалол- харом кабилар.

Фикримизча, иккита қисми ҳам арабий сўзлардан иборат жуфт отлар араб босқинчилигидан кейин, яъни, VIII - IX асрларда пайдо бўлган бўлиши мумкин. Чунки, ана шу пайтда Ўзбекистон ҳудудида қолиб кетган араблар билан маҳаллий халкнинг ассимиляцияси рўй берган ва шунинг оқибатида араб тилидаги кўп сўзлар ўзбек тилига кириб келган.

Арабча–ўзбекча, форсча жуфт сўзлар эса юқоридаги анъанага кўра, кейинроқ пайдо бўлган бўлиши мумкин. Қандай бўлсада ўзбек тилига

ўзлашган якка сўзми ёки жуфт сўзларми, улар ўзбек тили лексик хазинасини бойишига ижобий таъсир этган, чунки, ҳозир айтиб ўтилган сўзларсиз ўзбек тилини тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, барча бу жуфт сўзларнинг ижодкори халқимизнинг вакиллари-олиму – уламо, зиёлилар ҳисобланади. Чунки бу жуфт сўзлар шундай ҳолида тилимизга кириб келмаган, ваҳоланки, араб тилида бундай жуфт сўзлар йўқ.

Баъзи араб тилидан ўзлашган сўзлар маънолари ўзининг бирламчи маъносига умуман ўхшамайди. М: "Аййу - ҳаннос солаверасанми?" ибораси ўзбек тилида "Бақираверасанми?" маъносида ишлатилса, араб тилида أيها (Аййуҳа) Эй, الناس (Аннас) одамлар, маъносини англатади. Бу икки сўздан ҳосил бўлган أيها الناس "Эй одамлар!" деган маънони англатади, лекин кўпчилик бу иборани ана шу маънодалигини билмайди. Ваҳоланки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур иборага шундай шарҳ берилган: Эй, одамлар, оламонга хитоб, ҳайкирик, шовқин-сурон.

Ёки ўзбек тилидаги "Албатта" сўзи изоҳли луғатда шубҳасиз, табиий, бўлмасачи маъноларида келса, араб тилида эса бу сўз икки қисмдан тузилган бўлиб, биринчи қисми أل ва иккинчи қисми بَتَّةْ қарор, тамомила, батамом, мутлақо, сира, каби бирламчи маъноларга эга. Араб тилидаги اَلْبَتَّةْ шаклидаги мазкур сўз мутлақо, жуда, тамомила, асло, узил-кесил, қатъиян маъноларини англатади. (Баранов Х.К М. 1985, 55 б). Лекин бу сўзни اَلْبَطْةْ – ғоз, ўрдак сўзи билан алмаштирмаслик керак.

Ўзбек тилида "Мобайнида" сўзи арабча ما بَيْنَ – икки нарса оралиғидаги масофа, ўрта, ҳодиса оралиғидаги муддат, фарқ маъносида келса, ўзбек тили изоҳли луғатида оралиғида, ўрталик, ора маъноларини англатади.

Шундай қилиб, сиз, талабаларда ўзбек тили лексикасининг анча қисмини ташкил этган арабизм- араб тилидан ўзлашган сўзларнинг кириб келиш жараёни, унинг ўзлашиши, сингиши, маъноларининг араб тилида қандай бўлса шундай маънода қўлланилаётганлиги ёки бирламчи маъносини йўқотиб, бошқа маънода, баъзан, аслига зид маъно англатадиган шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз учун бироз ҳаракат қилдик. Зеро, араб тили мутахассиси бўла туриб, ўзининг она тилидаги ўзлашган араб сўзларининг кириб келиш тарихини билмаслик ҳақиқий арабшунос мутахассисга тўғри келмайди.

Бу соҳада изланишлар олиб бориш ёшлар зиммасидадир!

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ДАРСИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, лексикология мураккаб ва талабалар тушуниши қийин бўлган терминлар ишлатилган, бошқача қилиб айтганда тили қийин фандир.

Талабаларга бу фанни қизиқарли қилиб етказилса, барча қийинчиликлар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Бунинг учун бу фандан дарс бераётган ўқитувчи янги педагогик технология имкониятларидан унумли, мунтазам фойдаланиши лозим. Бунда мазкур курс талабаларини ана шу фанга қизиқтириш учун янги усул ва услубларни қўллаш талаб этилади. Шундай мақбул усул топиш керакки, уни амалга оширишда талабаларнинг ўзлари фаол қатнашсинлар. Бундай усуллардан бири – дарсда ўқув ўйин элементларидан фойдаланишдир. Бу усул янги мавзуни мустаҳкамлаш ёки ўтилган мавзуни сўраш пайтида қўлланса яхши натижа беради ва самарали чиқади. М: "Сўз ясаш" мавзусини ўтгандан кейин уни мустаҳкамлаш мақсадида сўз ясашнинг "уя" усули устида шундай ўйин – дарс ўтказиш мумкин. Бир қутичага аввалдан энг кўп "уя" ҳосил қилувчи ҳарфлар қирқиб, солиб қўйилади. Навбат билан талабалар чиқиб қутичадан иккита ҳарф оладилар. М: Талаба ط каби иккита ҳарфни олди, дейлик. Навбат билан ўқитувчи талабаларга навбат беради ва улар ط уясига бирор бошқа ҳарф қўшиб, феъл ёки сўз ҳосил қилиб, уни доскага ёки дафтарларига ёзадилар. Натижада, طرف، طرد، طرق сингари сўзлар топилади. Бу сўзлар талабалар томонидан шарҳланади, маънолари айтилади.

Бундай усулни талабаларни икки ёки уч гуруҳга бўлиб ҳам ўтказса бўлади. Ҳар бир гуруҳ "уя" га асосан топган сўзларини жамоа бўлиб шарҳлаб берадилар. Ўйин охирида ўқитувчи якун ясайди ва гуруҳларни баҳолайди. Ёки ўқитувчи аввалдан ҳозирлаган сўзлар рўпарасига талаба унинг синонимини ёки антонимини ёзиши мумкин.

Бундай усуллар ёрдамида талабаларнинг фаолликлари ошади ва уларнинг мавзуларни яхши тушунишларига ижобий ёрдам беради.

Шунингдек, ўқитувчи томонидан бир сўз берилади, талабалар ундаги учта ҳарфнинг ўринларини алмаштириш билан турли янги сўзлар ҳосил қиладилар. М: "حرب" – уруш сўзидан " برح، بحر، رحب، حبر، ربح" – каби вариантларини ҳосил қилиб, уларнинг маъноларини луғатлардан топиб дафтарларига ёзадилар.

Бундан ташқари ўқитувчи ўзи тузган мантиқий арабча топишмоқларни талабаларга тавсия этиши мумкин. Қуйида ана шундай

топишмоқлардан намуна берамиз. Кейинчалик ўқитувчи шунга ўхшатиб янги топишмоқлар тузиши мумкин.

Эй, Фотима Зайдга вафо қил! – يا فاطمة فِي زيدا!

Карим оҳунинг боласидек ингради. – أن كريمٌ كريم

Ким ўзининг қилган яхшилигини миннат қилса, Аллоҳ ҳам ўзининг яхшилигини миннат қилади. – مَنْ مَنَّ مِنْ مَنِّهِ مَنَّ اللهُ مِنْ مَنِّهِ

Оғзимда сув бор. – فِي فِيَّ ماءٌ

Бу топишмоқ – бошқотирмаларни ечиш билан талабалар у ёки бу арабча ибораларни ўйлаб топишга интиладилар, натижада талабаларда мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш малака, кўникмалари шаклланади. Замонавий дарс ўтиш усулларининг аҳамияти ҳам шунда.

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРГА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ:

1. *Сўз ясаш жараёни – лексика соҳасидаги, тил тараққиётидаги асосий омилдир. Сўз ясаш воситаларини алоҳида қоғозга ёзиб, шарҳлаб беринг.*
2. *Араб тилида сўз ясашда " уялар" нинг роли ва аҳамияти. Махсус уялардан ясалган жадвал тузинг ва шарҳлаб беринг.*
3. *Феъл ва унинг араб тилида сўз ясаш тизимидаги роли ва аҳамияти, ўтимли ва ўтимсиз феъллардан ясалган мисол келтиринг ва уларнинг ўртасидаги фарқларни шарҳлаб беринг.*
4. *Сифатлар. Аниқ ва мажҳул нисбатдаги сифатдош гуруҳи. Бундай сифатдошларни иккита устун бўйича ёзинг ва шарҳлаб беринг.*
5. *Қурол- асбоб отлари. Макон ва замон отлари, абстракт отлар, сўз ясовчи қўшимчалар. Ана шундай номлардан жадвал тузинг ва шарҳлаб беринг .*
6. *Маънодош сўзлар – синонимлар ва уларнинг турлари. Синоним сўзларни устун бўйича ёзинг ва шарҳлаб беринг.*
7. *Сўз ясаш усулларини бирма-бир тушунтиринг, қайси сўз қайси усул орқали ясалганлигини Х.К.Баранов ва "Ан-наим" луғатларидан излаб топилган сўзлар асосида шарҳлаб беринг.*
8. *Араб тилида бошқа тиллардан фарқли ўлароқ "уя"лар ёки феъллларнинг ҳосила шаклларига бошқа ҳарфларнинг қўшилиши орқали ясаладиган янги сўзларни шарҳлаб беринг ва ана шу сўзларнинг жадвалини тузинг.*
9. *Араб тилидаги сифатларнинг махсус қолиплар (вазнлар) орқали ясалишининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг. Аслий ва нисбий сифатларнинг фарқини кўрсатиб, сифатдошларнинг аниқ ва мажҳул даражасига доир жадвал тузинг ва уни шарҳлаб беринг.*
10. *Араб тилидаги феълларнинг ўзига хос хусусиятлари. Феълларнинг ҳосила боблари ва уларнинг маънолари ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг. Феъл бобларининг асосий маъноларига доир жадвал тузинг ва уни шарҳлаб беринг.*
11. *Замон ва макон, қурол- аслаҳа номларининг, абстракт сўз ясалишида сўз ясовчи қўшимчалар ва вазнларнинг аҳамиятини гапириб беринг. Шу номлар иштирок этган жумлалар тузинг ва уни шарҳлаб беринг.*
12. *Маънодош сўзлар – синонимларни ўзбек тилидаги синонимларга қиёслаб тушунтиринг. Ўзбек ва араб тилидаги синоним сўзларни ёнма-ён ёзиб, қиёсий луғат тузинг ва уни шарҳланг.*
13. *Араб луғатнавис олимлари яратган луғатлар номларининг барчасини келтиринг ва уларнинг рўпарасига муаллифларининг номларини ёзинг ва уларнинг асарларини шарҳлаб беринг.*
14. *Ўзбекистонда чоп этилган барча арабча луғатларнинг номларини муаллифлари билан ёзинг ва уларни шарҳлаб беринг.*

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ФАНИДАН ЖОРИЙ НАЗОРАТ УЧУН БИЛЕТ САВОЛЛАРИ

Билет № 1

1 савол: Лексикология нима? У нимани ўрганади ва қандай фанлар билан алоқадорлигини батафсил шарҳлаб беринг.

2 савол: Араб лексикографияси, яъни луғатнавислик фани қандай фан ва у қандай шаклланган, дастлабки пайдо бўлган луғатлар қандай сўзларни ўз ичига олган?

Билет № 2

1 савол: Араб лексиколог, яъни сўзшунос олимларидан кимларни биласиз, уларнинг шу соҳада қандай асарлари бор, маълумот беринг.

2 савол: Араб луғатлари мазмунига кўра нечта гуруҳга бўлинади ва улар таркибига кўра бири-биридан қандай фарқланади?

Билет № 3

1 савол: Араб лексикологияси қачон шаклланган ва у қандай номланган? Жалолиддин ас-Суютий қандай лексикологик асар ёзган, унинг ўрни ва қиймати ҳақида маълумот беринг.

2 савол: Биринчи араб луғатининг муаллифи ким, уни тузган муаллиф ҳақида ва унинг асари тўғрисида батафсил маълумот беринг.

Билет № 4

1 савол: Лексикологиянинг тадқиқот маркази нима, унинг вазифалари нималардан иборат, шарҳлаб беринг.

2 савол: Халил Ибн Аҳмаднинг қандай лексикографик асарини биласиз? Унинг луғатнавислик соҳасидаги принципларини давом эттирган лексикограф олимлар бўлганми, маълумот беринг.

Билет № 5

1 савол: Лексикология, яъни сўзшуносликнинг тадқиқот маркази ва вазифалари нималардан иборат, шарҳлаб беринг.

2 савол: Дастлабки пайдо бўлган луғатлар қандай сўзларни ўз ичига олган, бу соҳадаги қандай луғатларни биласиз, маълумот беринг.

Билет № 6

1 савол: Сўз ҳақида тилшунос олимларнинг фикрлари қандай? "Сўз" тушунчасига таъриф беринг.

2 савол: X асрга келиб араб луғатнавислигида қандай янги йўналиш пайдо бўлди, унинг асосчиси ким ва бу йўналишни кимлар давом эттирган?

Билет № 7

1 савол: “Сўз” тушунчаси ҳақида араб ва рус тилшуносларининг фикрлари қандай? Қўшма сўз билан сўз бирикмаси ўртасидаги фарқлар нималардан иборат, шарҳлаб беринг.

2 савол: Ҳозирги замон лексикологик принципларини биринчи бўлиб қўллаган луғатнавис ким ва сиз унинг қандай асарини биласиз?

Билет № 8

1 савол: “Вариантлилик” тушунчаси ҳақида нимани биласиз ва араб тилида битта сўз неча хил вариантга эга бўлиши мумкин?

2 савол: Юртдошимиз ва устозимиз Маҳмуд Замахшарийнинг луғатнавислик соҳасидаги хизматлари нималардан иборат?

Билет № 9

1 савол: Сўзнинг вариантлилиги ҳақида араб тилшуносларининг фикрлари қандай, адабий тил билан шева ўртасидаги фарқлар нималардан иборат?

2 савол: Араб луғатнавислари ҳақида ва уларнинг луғатлари тўғрисида нималарни биласиз, маълумот беринг.

Билет № 10

1 савол: Замонавий араб адабий сўзлигининг шаклланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз, маълумот беринг.

2 савол: Араб тилининг қадимий лексик хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

Билет № 11

1 савол: Араб сўзлигининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат ва унга қайси чет тилларидан сўзлар кириб келган, мисоллар билан маълумот беринг.

2 савол: “الخصائص” луғатининг муаллифи ким? Бу луғат қайси принцип асосида тузилган? Тўлиқ маълумот беринг.

Билет № 12

1 савол: “ Иштиқоқ”, яъни “сўз ясаш” тушунчасини таърифлаб беринг ва унинг 4 та турини мисоллар билан шарҳланг.

2 савол: “Қофия услуби”да яратилган луғатлар ҳақида маълумот беринг.

Билет № 13

1 савол: “Иштиқоқ”нинг неча тури мавжуд, уларнинг номлари ва маъноларини мисоллар билан шарҳлаб беринг. Бу борада Ибн Форис-нинг фикрлари нималардан иборат?

2 савол: “لسانُ العَرَب” луғатининг муаллифи ким? Бу луғат таркиби жиҳатидан қайси принципда ёзилган? Маълумот беринг.

Билет № 14

1 савол: “Иқтибос” тушунчасига таъриф беринг, Абу Мансур Жаволикийнинг “иқтибос”га бағишланган қандай асари бор, у ўз асарида кимни қоралайда, нима учун?

2 савол: “أساس البلاغة” кимнинг асари ва у қандай принципда тузилганлигини шарҳлаб беринг.

Билет № 15

1 савол: Терминология тушунчасига таъриф беринг. Араб терминологиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.

2 савол: “كتاب الجيم” луғатининг муаллифи ким ва у қандай принципда тузилган, “كتاب المعرب” луғатичи?

Билет № 16

1 савол: Араб терминологияси олдида турган қийинчиликлар нималардан иборат ва уни ривожлантириш йўлида қандай ишлар олиб борилмоқда?

2 савол: Араб лексикографиясидаги энг охирги луғатлардан қайси луғатни биласиз, уларнинг номи ва муаллифлари ким, уларнинг таркиби ҳақида нима биласиз?

Билет № 17

1 савол: Синонимия ҳодисасига таъриф беринг. Араб тилшуносларининг синонимия ҳақидаги фикрлари қандай?

2 савол: Фонетик принципга асосан тузилган қандай луғатларни биласиз?

Билет № 18

1 савол: Синонимия соҳасидаги Ибн Жинний ва Ибн Фориснинг фикрлари қандай эди, шарҳлаб беринг.

2 савол: “Қофия услуби”да тузилган энг машҳур луғатни биласизми? Бу йўналиш қайси лексикологнинг асари билан тугалланади, маълумот беринг.

Билет № 19

1 савол: Лексикология ва лексикография тадқиқот марказининг вазифалари нималардан иборат, шарҳлаб беринг.

2 савол: Бу икки “ المزهر فى علوم اللغة و أنواعها”,“ألخصائص” ва “ ألصاحب فى فقه اللغة و سنن العرب فى كلامها” лексикологик асарнинг муаллифлари ва уларнинг асарларининг ҳар бирини тавсифлаб беринг.

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРГА ОРАЛИҚ НАЗОРАТИ УЧУН БИЛЕТ САВОЛЛАРИ

Билет № 1

1. Лексикология нима?
2. Араб лексикологияси ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган араб ва ажнабий олимлар.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 2

1. Араб лексикологияси ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган араб тилшунос олимлари ҳақида гапиринг.
2. Сўзларнинг вариантлилиги ҳақида араб тилшуносларининг фикрлари.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 3

1. Сўз ясашнинг “иштиқоқ” усули нима?
2. Ўрта аср араб тилшуносларининг атамалар ҳақидаги фикрлари.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 4

1. Иқтибос нима?
2. Сибавайҳининг араб лексикологиясига қўшган ҳиссаси.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 5

1. Сўз ясашдаги “уя” усули нима?
2. Сўзларнинг тарихий жиҳатдан семантик ўзгаришларига кўра таснифи.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 6

1. Сўз ясаш тизимида феълнинг роли.
2. "ألخصائص" кимнинг асари?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 7

1. Араб тилидаги ўзлашма сўзларнинг соҳаси ва минтақаси.
2. "ألصاحبي " кимнинг асари?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 8

1. Араб тилидаги омонимлар.
2. "المزهر في علوم اللغة و أنواعها " кимнинг китоби?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 9

1. Араб тилшуносларининг синонимия ҳақидаги фикрлари.
2. Ал-Хавалакий(1073-1144) нинг қандай асарини биласиз?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 10

1. Араб сўзларининг якка маъно ва кўп маънолилиги.
2. Абу Хотам ар-Розийнинг қандай асарини биласиз?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет №11

1. Араб луғатнавис олимлари ва уларнинг яратган луғатлари.
2. Абу Мансур Саолибийнинг қандай асарини биласиз?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет №12

1. Араб луғатлари турлари.
2. فقه اللغة қайси соҳа учун қўлланилади?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет №13

1. Араб луғатларида сўзларнинг жойлаштириш принциплари.
2. “Мураккаб сўзлар” ва “сўз бирикмаси” тушунчалари ўртасида фарқ нима?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 14

1. Сўзнинг ўзгаришлар натижасида юзага келадиган янги вариантлари (кўринишлари).
2. “Мураккаб” ва “Сўз бирикма” ҳақида Б.М.Гранденинг фикрлари.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 15

1. Араб лексикологияси ва унинг тадқиқот обектлари.
2. " "جي сўз ясовчи суффикси турлари қайсилар?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 16

1. Сўз ясалиши нима?
2. " "اخ اه сўз ясовчи суффикси нима?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 17

1. Араб тилида ўзак.
2. "Сўз" тушунчаси ҳақида араб тилшуносларининг фикрлари.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 18

1. Ўрта аср тилшунослари Халил ибн Аҳмад, Абу Усмон ал-Мазони, Абу Али ал-Фарисий ва Ибн Жиннийлар сўз ясаш аналогиясига қандай хисса қўшганлар?
2. Вариантлилик тушунчаси нима?
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 19

1. "Нахт" - (кесиш) сўз ясаш усули нима?
2. Абстракт отларнинг ясалиши ҳақида маълумот беринг.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

Билет № 20

1. Ўзбекистонда яратилган арабча луғатлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида гапиринг.
2. Исмул-макан ва исмуз - заман отлари ҳақида гапиринг.
3. Берилган сўзларни шарҳлаб беринг.

АРАБ ТИЛИ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ФАНИДАН ТАЛАБАЛАРГА ЯКУНИЙ ЁЗМА ИШ МАВЗУЛАРИ

Араб лексикологияси ва унинг араб тилшунослигида тутган ўрни. Араб анъанавий, классик тилшунослигига оид асосий тадқиқотларнинг характеристикаси. Араб лєксикасини европа арабшунослари томонидан ўрганилиши.

«Сўз» тушунчасининг ҳозирги замон тилшунослигидаги таърифлари. Араб тилшу-ностик тизимида «сўз» назарияси; араб сўзларининг луғавий шакллари.

Араб тилида сўз вариантлари. Сўз ўзаги. Ўзакнинг турлари. Араб адабий тилида сўзларнинг ўзаклари. Араб мамлакатларида тилнинг ҳолати ва сўзларнинг вариантлари

Ҳозирги замон араб тили луғатининг шаклланишидаги муаммолар. Араб лексика-сининг келиб чиқишига оид тасниф. Араб адабий

тилидаги ўзлашмалар. Араб луғатнависларининг лексик бирликни танлашда меъёр ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.

XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб араб луғатининг ривожланиши ва янгиланиши. Шева тили ва адабий тил ҳамда минтақавий адабий лексика.

Сўз ясаш жараёни лексика соҳасидаги, тил тараққиётидаги асосий омилдир.

Араб тилидаги сўз ясашнинг асосий воситалари: лексик-семантик ва морфологик услублар. Ўзак.

Араб тилида феъл. Араб тили сўз ясаш тизимида феълнинг роли ва аҳамияти. Феъл бобларининг маъноси жиҳатидан характеристикаси. Феълдан ясалган исмлар-масдарлар

Сифатлар. Аниқ ва мажҳул даражадаги сифатдошлар гуруҳи. Қурол-асбоб отла-ри, макон ва замон отлари, абстракт отлар, сўз ясовчи қўшимчалар, нахт, сўзларнинг ўзаро қўшилиши.

«Иқтибос» сўз бойлигини оширишдаги асосий воситалардан биридир. Ўзлаштир-маларнинг мослашуви ва сингиши ҳақида.

Европа тилларидан ўзлаштирилган маъмурий ва ҳарбий лексикалар.

Араб тилида атамалар масаласи. Атама тушунчаси. Сўз ва атама муносабати. Араб атамашунослигининг ривожланиш боскичлари.

"Кўп маънолилик тушунчаси." Сўзларнинг семантик ўзгаришлари: маъноларнинг кенгайиши ва торайиши. Сўзларнинг маъносида бўладиган ўзгаришлар (конкрет маъноларда абстракт, мавҳум маъноларга ва акси).

Шаклдошлик - омонимлар. Араб сўзининг семантик таркиби. Лексикага оид, сўз ясовчи ва грамматикага оид омонимлар.

Маънодош сўзлар-синонимлар. Араб тилшуносларининг маънодош сўзлар ҳақидаги таърифлари. Синонимларнинг турлари. Абсолют ва сўз ясовчи синонимлар. Сўзларни луғатларда изоҳланиши.

Луғатнавислик баайни фандир. Араб луғатларининг турлари. Энг янги араб луғатлари: изоҳли, икки тиллик. Луғатларнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистонда яратилган икки тилли луғатлар.

Араб тилида сўз ясалишида "уя"ларнинг аҳамияти. Редубликация усулида ясалган сўзларнинг келиб чиқиши.

Сўзларнинг бошига ҳарф қўшилиши билан янги сўзларнинг ясалиши. Сўзларнинг охирига янги ҳарф қўшилиши билан янги сўз ясалиши.

Ўзбекистонда яратилган арабча луғатлар ва уларнинг муаллифлари баёни.

ЛИНГВИСТИК АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

Агглютинация (лотинчадан *агглутинатио* – «ёпиштириш») -сўз ўзагига аффикслар қўшиш йўли билан сўз ва грамматик шаклар ясаш усули.

Адъективация (лотинчадан *адективум* – «сифат») – бошқа сўз туркумларининг сифатга айланиши.

Аналогия - лотинчадан *аналогиа* – «мос келиш»-бир грамматик шаклни бошқа бир грамматик шаклга монанд ўзгартириш.

Антоним (грекчадан *анти* – «қарши» ва *онима* - «ном,исм») – қарама-қарши маъноли сўзлар.

Атрибут (лотинчадан *аттрибутум* – «берилган,қўшиб қўйилган») –аниқловчи.

Аффикс (лотинчадан *аффикус* – «боғланган») –грамматик маънодаги морфема бўлиб, у сўз ясаш ва сўз ўзгартиришга хизмат қилади. Одат бўйича аффикслар –префикс, инфикс ва суффиксларга бўлинади.

Билингвизм (лотинчадан *би* – «иккита»ва *лингуа* - «тил») – икки тиллик; бир вақтнинг ўзида икки тилнинг ишлатилиши. (М: Франция ва Канададаги инглиз тили учун)

Вербальный (лотинчадан *вербум* – «Феъл») –феълий.

Деноминатив (лотинчадан. *де*-префикси пастга, томонга ҳаракат маъносида; отдан от ясаш маъносини англатади.

Денотат –исмнинг предмет маъноси.

Деривация (лотинчадан *дериватио*-"ажратиш" аффикслар ёрдамида янги сўзлар ясаш.

Диахрония *грекчадан диа –"орқали"* ва *хронос-"вақт"*, яъни вақтнинг ҳар хиллиги- тил, ҳодиса, тузумнинг тарихий ривожи.

Диглоссия –бир тилнинг турлича тузилишга эга бўлган икки шакли (тилнинг ёзув-адабий ва нутқ-сўзлашув шакллари)

Дихотомия (*грекчадан диха*–"икки" қисм ва "*томе*"–«бўлиниш») – турларга, шаклларга ажралиш.

Дублетлар (французчадан *дублет*– «иккиланган» – бир турдаги предметларнинг бири. Турли аффиксацияли бир хил ўзакли синоним сўзлар.

Идиома (грекчадан *идиома* «ўзига хос хусусият») –бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайдиган лексикалаштирилган иборалар.

Изоморфизм (грекчадан *исос*- «тенг» ва *морфе* - «тур, шакл») – қўлланиши ва шаклига кўра тенг ёки ўхшаш мураккаб сўзлар.

Инфикс (лотинчадан *инфикус* – «қўйилган ») –сўз ясаш ёки сўз ўзгартиришда ўзакка қўшиладиган аффикс.

Калька (французчадан *калкуе* – «юпқа қоғоздаги нусха», «ўхшатиш») –чет тилидаги мавжуд сўз ва ибораларга ўхшатиб, она тилидаги сўз туркумларидаги морфема ва сўзлар ёрдамида англатиладиган сўз ва иборалар.

Кодификация – лотинчадан *кодификацио* – «тизимлаштириш».

Конверсия (лотинчадан *конверсио* – «мурожаат») –сўзнинг морфологик ва фонетик таркибини ўзгартирмай бошқа сўз туркумига ўтиши.

Контаминация (лотинчадан *сонтаминатион* – «силжиш») – маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган икки иборанинг силжиши(қўшилиши).

Корреляция (лотинчадан *коррелацио*– «ўзаро алоқа ») –тилнинг икки ёки ундан ортиқ бирлигининг қўшилиши.

Лексема (грекчадан *лексис*– «сўз, ибора»)–тил луғатининг бирлиги. Бу лексемага турли парадигмали шакллар бирлашади ва контекстга боғлиқ бўлган турли маъноли вариантларга эга сўз.

Лексикалаштириш (грекчадан *лексикос* – « сўз бойлигига оид, сўзга оид») –сўз иборасини бир бутун сўзга (лексемага) айлантириш.

Метатеза (грекчадан *метатесис* – «ўрин алмаштириш»)–сўзда товушларнинг ўрин алмашинуви.

Метафора (грекчадан *метафора* – «кўчириш») – нарсаларни(номларни) ранги,шакли ва ҳаракат хусусиятига қараб бўлиш(ажратиш).

Метонимия (грекчадан *метонимиа*– «қайта номлаш») –бир сўз ўрнида унга алоқадор бошқа сўзни қўллаш ("пул" ўрнида "ҳамён" сўзини, "овқат" ўрнида "дастурхон" сўзини ишлатиш) каби.

Морфема (грекчадан *морфе* – «шакл») –сўзнинг маъноли қисми: ўзак, аффикслар(префикс) .

Омоним (грекчадан *хомос* – «бир хил» ва *онима* – «ном»)– бир хил талаффузга асосланган турлича сўзлар.

Оппозиция – лотинча *оппозитто* – «қарама-қарши».

Парадигма (грекчадан *парадигма* – «намуна, тур ») – турлаш ва туслаш каби грамматик категорияларга оид сўзларнинг ўзгариши.

Полисемия (грекчадан *полис* – «кўп» ва *сема* – «белги») – «кўп маъноли»; сўзнинг бирламчи маъносини ўзгартириш ёки ривожлантириш натижасида ўзаро бир-бири билан алоқадор бўлган маъноларни англатади.

Постфикс – лотинчадан *постфиксум*– «ўзакдан кейин қўшиладиган».

Предикат – лотинчадан *предикатум* – кесим.

Префикс – лотинчадан *прафиксум* – «ўзак олдига қўшиладиган».

Прото – (грекчадан *протос* – «биринчи») – мураккаб сўзларнинг (биринчи, бошланғич) маъносидаги асосий бўлаги. Масалан: протоформа, прототип.

Пуризм – (лотинчадан *пурус*– «тоза») – тозаликка интилиш-тилни ўзгармаган ҳолда, соф ҳолда сақлашга, уни чет тил сўзларидан тозалашга уруниш.

Редупликация (лотинчадан *редупликацион* – «иккиланиш») – ўзакнинг тўлиқ ёки қисман такрорланиши.

Сема, семема (грекчадан *сема*– «белги») – маъно бирлиги.

Семантика – тил (сўз) бирлигининг нутқ ибораси ёки грамматик шаклининг маъноси.

Семасиология – сўзлар, ибораларнинг ёки уларнинг маънолари ўзгаришини ўрганувчи тилшунослик бўлими.

Сигнифика (лотинчадан *сигнум*– «белги»)– барча тиллар, белгилар тизими ҳисобланади, деб атовчи таълимот.

Синекдоха (грекчадан *синегдохе* - «англатиш») –нарсаларнинг бир қисмини айтиш билан унинг бутун ўзини ёки бутун ўзини айтиш билан унинг бир бўлагини англатиш.

Синоним (грекчадан *синонимон* – «маънодошлик») –турлича айтилишга эга –ю, лекин маъно жиҳатидан бир хил сўзлар.

Синтагма (грекчадан *синтагма* –сунъий ҳосил қилинган атама, сўз бирикмаси ёки гапдаги сўзлар гуруҳи бўлиб, улар бир бутун маънони англатади.

Субстантивация (логинчадан *субстантивум* - «отлашув», "отга айланиш")

Субституция – лотинчадан *субституцио*- «бирор товуш ўрнида бошқа товушнинг ишлатилиши».

Субстрат (лотинчадан *субстратум*– «негиз, асос, туб») – ташқаридан келган тил томонидан сиқиб чиқарилган тил соҳибларининг унга қаршилик кўрсатиши.

Супплетивизм (лотинчадан *супплео*, *супплетум*) – «тўлдирмоқ, қўшмоқ»

Суппозиция (лотинчадан *суппоситион*) – «бирининг ўрнига бошқасини қўйиш».

Суффикс – (лотинчадан *суффикс* – « бириктирилган ») – ўзакдан кейин турган аффикс.

Термин (лотинчадан *терминус* – «ҳудудий белги, ниҳоя, ҳудуд»– сўзнинг қўлланишига кўра маъно жиҳатидан чегараланган махсус сўзлар .

Транслитерация –бир алифбо тизимида ёзилган матнни бошқа алифбода кўчириш(ёзиш).

Узус (лотинчадан *усус*– « одат » - қўлланиши умум қабул қилинган сўз.

Унификация – (бир хил қилиш)-бирор нарсани бир ягона тизимга, шаклга келтириш(М : стандартизация қилиш).

Экстенсив – (бир шаклга келтириш) интинсивга қарама-қарши кучайтирилган иш-ҳаракат.

Элатив – (лотинчадан *элативус* –сифатларнинг абсолют (тўлиқ) орттирма даражаси.

Эллипсис (грекчадан *еллеипсис* – «тушириб қолдириш" - бирор тушириб қолдирадиган сўзни контексда осонликча англаш. (М : اذهب الي البيت ўрнига الي البيت дейиш каби)

Этимология (грекчадан *етимон* –"ҳақиқат", «сўз», "таълимот") сўзларнинг келиб чиқиши ва тарихини ўрганувчи соҳа.

Флексия (лотинчадан *флексио* – «букилиш», «ўтиш»)- сўзнинг турланишидаги ва тусланишидаги ўзгарадиган қўшимчаси. Янги сўз ва грамматик шакллар ясашда ўзакдаги товушларнинг ўзгариши.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ахманова О.С. О фонетических и морфологических вариантах слова. –М., 1965г.*
2. *Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М., 1969.*
3. *Белкин В.М. Арабская лексикология. –М., 1975.*
4. *Белкин В.М О характере лексической синонимии в арабском литературном языке. В сб.: «Арабская филология». Изд. МГУ, 1968.*
5. *Белкин В.М. Общие тенденции развития арабской научно-технической терминологии в послевоенный период. «Развитие языков в странах зарубежного Востока (послевоенный период)», –М.: «Наука», 1983.*
6. *Белкин В.М. Формирование словарного состава в современном арабском литературном языке. В сб.: «Семитские языки», –М.: «Наука»,1965.*
7. *Белова А.Г. Введение в арабскую филологию. ИВ РАН, –М., 2003.*
8. *Белова А.Г. Семитское языкознание в России (XIX-XX вв.). Восток-Запад, 2004, № 3.*
9. *Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях. –М., 1960.*
10. *Вопросы теории лингвистической географии, под ред. Р.И.Аванесова. –М., 1969.*
11. *Габучан Г.М., Ковалев А..А. О проблеме слова в свете фактов арабского литературного языка. В сб.: «Арабская филология». Изд. МГУ, 1968.*
12. *Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно- историческом освещении. –М., 2001.*
13. *Губанов Ю.П. О проблемах создания арабской терминологии. «Социолингвистические проблемы развивающихся стран», –М.: «Наука», 1975.*
14. *Звегинцев В.А. Теоретическая и прикладная лингвистика. –М.: «Просвещение», 1968.*
15. *Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. –М., 1998.*
16. *Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. 1., –М., – Л., 1955*
17. *Лексическая синонимия. Сборник статей. –М.: «Наука», 1967.*
18. *Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. –М.: «Наука», 1970.*
19. *Минеджян Г.З. О некоторых вопросах научно-технической терминологии в современном арабском языке. Семитские языки. Вып.2 (ч.2). Изд.2 (доп.), –М.: «Наука», 1965.*

20. *Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. –М.: «Наука», 1970.*
21. *Очерки по синонимике русского языка. –М., –Л.: «Наука», 1966.*
22. *Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. «Вопросы терминологии». –М., 1961.*
23. *Реформатский А.А. Введение в языковедение, изд. ИВ. –М.: «Просвещение», 1967.*
24. *Рыбалкин В.С. Арабская лексикографическая традиция. –Киев, 1992.*
25. *Рыбалкин В.С. Арабская лингвистическая традиция. Истоки, творцы, концепции. –Киев, 2000.*
26. *Словарь иностранных слов. –М.: «Русский язык», 1986.*
27. *Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. –М.: «Наука», 1968.*
28. *Шагалӣ В.Э. Арабский мир: пути познания. –М., 2001.*
29. *Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. – Л., 1985.*
30. *Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 2 жилдли, –Наманган. 2009.*
31. *Шарқшуносликнинг долзарб масалалари. –Т.: ТошДШИ. 2008.*
32. *Одилжон Носиров, Муҳаммаджон Юсупов ва бошқалар –Т., 2003,*
33. *ابن جني أبو الفتح. "الخصائص" القاهرة ١٩٥٦*
34. *عبد الرحمان السيوتى "المزهر فى علوم اللغة و انواعها" القاهرة*
35. *المُعْجم الوجيزُ مِصْرُ 1990*
36. *رائد الطلاب جبران مسعود بيروت 1981*

Интернет сайтлари:

1. *Арабский язык,* www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnie_nauki/lingvistika/ARABSKIY_YAZIK
2. *Арабский язык и его характеристика,*
3. files.school-collection.edu.ru/dlrstore/96860c84-e4e2-5b48-c366-4fc844dae955/1008048A.
4. *Материал из Википедии – свободной энциклопедии* www.wikipedia.com
5. *Об арабском языке, Общая информация,* http://www.arabic.ru/language/
6. *Судьба арабских заимствований в русском языке,*
7. http://www.islam.ru/pressclub/histori/buzamaidana/

8. مركز اللإعلام العربي http//www.resalah4u.com
9. الشرق الأوسط www.asharqawsat.com
10. أمين للخدمات الصحفية و الإعلمية http//www.amin.org
11. www. ino@uzpak.uz
12. http:// gezaldika.ru
13. http:// www. Ngw.nl
14. مركز دانة يعتمد على الصحف، و وكالات الأنباء http:// www.danah.com
15. http:// www.fundarabist.ru/know/arabian-language2.
16. http:// www.membrana.ru horm/artikles

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

Араб тилининг пайдо бўлиш тарихидан 5

Дарс №1. Лексикология ҳақида умумий тушунча лексикология фани ва унинг вазифалари

1.1. Лексикология фани ҳақида маълумот 9

1.2. Лексикология фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ... 10

1.3. Семасиология ва ономасиология 11

1.4. Сўз – лексик-семантик бирлик 11

Дарс № 2. Лексикология фанининг тилшуносликдаги ўрни ва аҳамияти (араб лексикологияси ва унинг тадқиқот мавзуси)

2.1. Лексикология – алоҳида лингвистик фан сифатида 13

2.2. Араб лексикологияси ҳақида умумий маълумот 14

2.3. Араб анъанавий классик тилшунослигида лексикология соҳасида олиб борилган асосий тадқиқотлар таснифи 15

Дарс № 3. Араб сўзининг лексик бирлик сифатидаги назарий муаммолари

3.1. Замонавий тилшуносликда "сўз" тушунчасининг маъноси 17

3.2. Араб сўзлари асосини аниқлаш масалалари 18

3.3. Сўзларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган янги формалари 19

3.4. Арабча сўзларнинг икки синфга ажралиши 20

Дарс № 4. Араб тилида сўз вариантлари

4.1. Араб тилида сўзларнинг вариантлари ва у ҳақда араб тилшуносларининг фикрлари 22

4.2 Араб мамлакатларида луғавий ҳолат. Араб адабий тили билан шева ўртасидаги фарқлар 23

Дарс № 5. Ҳозирги замон араб адабий тилининг луғавий таркиби

5.1. Замонавий араб сўзлигининг шаклланиш босқичлари 25

5.2. Араб сўзлигининг шаклланиш босқичлари 25

5.3. Классик сўзликлар 27

Дарс № 6. Сўз ясаш жараёни ва унинг араб адабий тилининг луғат таркибини шакллантиришдаги роли

6.1. Сўз ясаш – лексика соҳасидаги тил тараққиётининг асосидир 29

6.2. Сўз ясашнинг асосий услублари: морфологик ва лексико-семантик 30

6.3. Ўзак ҳақида маълумот 32

6.4. Араб сўзларининг ўзаги ва таркибига кўра таснифи ва "уя" услуби 35

Дарс № 7. Сўз ясаш тизимида феълнинг ўрни

7.1. Феъл бобларининг семантикаси 38

7.2. Грамматик феълий дереватлар. Масдар 40

Дарс № 8. Феъл ва отлардан ясалган ҳосилалар

8.1. Сифатдош ва сифат гуруҳлари 42

8.2. Қурол номлари гуруҳи. Ўрин ва пайт номлари 44

8.3. Нисбий сифат. Абстракт отлар. Сўз ясовчи суффикс 45

8.4. Иккилик ва кўпликдаги шаклларни лексикалаштириш 46

Дарс № 9. Иқтибос – янги сўзларни ўзлаштирншнинг бир тури сифатида

9.1. Иқтибос –янги сўзларнинг ўзлашиши 49

9.2. Форс, оромий, юнон, қадимги яҳудий, қадимги Миср ва копт каби тиллардан ўзлашган сўзлар 52

9.3. Европа тилларидан ўзлашган лексика ҳақида 52

Дарс № 10. Араб тилининг терминологик (атамашунослик) масалалари

10.1. Термин – атама сўз ва тушунча сифатида 54

10.2. Терминология – атамашунослик фан сифатида 55

10.3. Араб атамашунослигининг тараққиёт босқичлари: классик ва замонавий даврлар 57

Дарс № 11. Бошқа тиллардан араб тилига ўзлашган сўзларнинг манбалари

11.1. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳақида Ал-Жоҳизнинг фикрлари 61

11.2. Ўзлашган янги атамалар ҳақида Ас-Суютийнинг қарашлари 62
11.3. Араб тилига итальян ва француз тилларидан ўзлашган сўзлар 63
Дарс № 12. Фан-техника тараққиёти туфайли араб тилига кириб келган энг янги атамалар
12.1. Н.С.Боднарнинг (М. 2002) араб тилига янги кириб келган атамалар ҳақидаги маълумотлари 66
12.2. بن "Бунн" ва قهوة "қаҳва" сўзларининг изоҳи 68
12. 3. اتصال ومواصلات сўзларининг изоҳи 68
12.4. Араб тилида аббревиатура – сўзларни қисқартириш 69
Дарс № 13. Араб тилида синонимия
13.1. Синонимия ҳодисаси 72
13.2. Араб тилида синонимия ҳодисаси ҳақида 73
13.3. Ибн Жиннийнинг синонимия ҳақидаги қарашлари 73
13.4. Ибн Фарисннг синонимия ҳақидаги қарашлари 74
Дарс № 14. Араб тилида полисемия – кўп маънолилик
14.1. Кўп маънолилик – полисемия тушунчаси 76
14.2. Сўзларнинг маъноларига кўра ўзгариши 78
14.3. Маъноларнинг ўзгариши 80
14.4. Сўзларнинг ўзгариши 82
Даре № 15. Араб луғатшунослиги
15.1. Лексикография (луғатнавислик) фан сифатида 85
15.2. Таснифловчи луғатлар 86
15.3. Классик даврдаги изоҳли луғатлар 89
15.4. Замонавий изоҳли лугатлар 93
15.5. Икки тилли луғатлар 95
15.6. Ўзбекистонда яратилган икки тилли арабча лугатлар 95
Даре № 16. XX аср бошларида араб мамлакатларидаги тил вазияти
16.1. Араб мамлакатларидаги тил вазиятини аниқлаб берувчи омиллар 102

16.2. Араб тилининг Араб халифалигида давлат тили деб эълон қилиниши 105
16.3. Араб мамлакатларида бир тиллик ҳолати 106
16.4. Араб мамлакатларида икки тиллик (араб ва француз) ҳолати 107
Ўзбек тилига ўзлашган араб сўзларининг семантик хусусиятлари 109
Араб тили лексикологияси дарсида янги педагогик технология имкониятларидан фойдаланиш 115
Араб тили лексикологияси фанидан талабаларга мустақил таълим мавзулар 117
Араб тили лексикологияси фанидан жорий назорат учун билет саволлари 118
Араб тили лексикологияси фанидан талабаларга оралиқ назорати учун билет саволлари 121
Араб тили лексикологияси фанидан талабаларга якуний ёзма иш мавзулари 123
Лингвистик атамаларнинг қисқача луғати тавсия этилган адабиётлар 125
Тавсия этилган адабиётлар 129

Тех.муҳаррир: *М.М. Зарифов*
Компьютер версткаси *Д.У.Арифжанова*

Босишга рухсат этилди: 01.12.2010 й.
Бичими 60x84 $_1/^{16}$. Шартли 8,5 б.т.
300 нусхада босилди. Буюртма № Ч.
Баҳоси келишилган нархда.
ТошДШИ кичик босмахонаси.
Тошкент ш., Шаҳрисабз кўч., 25.

© Тошкент давлат шаркшунослик институти, 2010